

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ЗИЁДУЛЛО ИСОҚОВ

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ
АНЪАНАВИЙ ДЕҲҚОНЧИЛИК
МАДАНИЯТИ**

(Хўжалик-маданий анъаналар: тавсифи ва таҳлили)

ТОШКЕНТ
“YANGI NASHR”
2011

Масъул муҳаррир:
У. С. Абдуллаев, тарих фанлари доктори.

Такризчилар:
А. Х. Дониёров, тарих фанлари доктори, профессор
А. А. Аширов, тарих фанлари доктори

Ушбу монография Фарғона водийси анъанавий деҳқончилик маданиятини ва у билан боғлиқ маҳаллий анъаналарни XIX – XX аср бошлари тарихий давр доирасида тадқиқ этишга бағишланган. Китобда анъанавий деҳқончилик маданиятининг тарихий илдишлари, ривожланиш босқичлари, хусусан, ўзбек халқининг анъанавий деҳқончилик хўжалик юритиш анъаналари ва улардаги инновациялар ҳамда трансформацион жараёнлар кўплаб фактологик манбалар асосида ўрганилган.

Асарда деҳқончиликда қўлланиладиган меҳнат куруллари, уларнинг турлари, ушбу меҳнат курулларини тайёрлаш ва фойдаланиш усулларидаги маҳаллий, этник ва иноэтник хусусиятлар ёритиб берилган.

Минтақада кечган сиёсий, иқтисодий ва этнослараро жараёнлар натижасида экин экиш соҳасида юз берган инновацион жараёнларни мавжуд илмий адабиётлар таҳлил этилган. Шунингдек, деҳқончилик билан боғлиқ урф-одат ҳамда маросимлар борасида ҳам қизиқарли маълумотлар берилган.

Қисқача қилиб айтганда, зироатчилик билан боғлиқ қарашларнинг умумўзбек маданияти ва миллий қадриятлари тизимида тутган ўрнини тарихий-этнографик материаллар асосида ёритиб беришга бағишланганлиги ушбу китобнинг характерли жиҳатидир. .

ISBN-978- 9943- 330- 00- 0

© ЗИЁДУЛЛО ИСОҚОВ
© YANGI NASHR – 2011

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон мустақилликка эришгач сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жабҳаларда туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўзбек халқининг қадим аждодлари томонидан кўп асрлар мобайнида яратилган бебаҳо маънавий-маданий меросни, ўтмиш тарихни ўрганиш ҳамда миллий урф-одат, анъана ва маросимларимизни тиклаш каби масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилдики, бу, шубҳасиз, ўзликни англаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: бугунги кунда “Цивилизация белгиларини асраб-авайлаш қанчалик зарур бўлса, қишлоқ хўжалиги минг йиллар мобайнида бутунлай суғориладиган деҳқончиликка асосланган минтақада ер ва сувни асраб-авайлаш ҳам шунчалик муҳимдир”¹.

Халқимизнинг сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш борасидаги тажриба ва усуллари асосида воҳаларда экин майдонлари, боғлар ва қишлоқлардан иборат маданий ландшафтлар бунёд қилинган. Республика ҳудудида халқимизнинг қадим аждодлари бир неча минг йиллар мобайнида тўплаган тажриба ва нозик фенологик кузатишлари асосида ўзига хос деҳқончилик маданияти шаклланган. Зеро деҳқончилик маданияти халқ тафаккурининг ғаройиб мўъжизаларини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, унда деҳқонларнинг табиий ресурслар, хусусан, ер ва сувдан унумли фойдаланиш, сермашаққат меҳнат эвазига ҳосил етиштириш ҳамда бу борада аждодлардан авлодларга қолдирилган ноёб технологиялар ва асрий этномаданий анъаналар мужассамлашган. Шу боис ҳам, бугунги кунда ўзбек халқининг асрий маданий меросини ва деҳқончилик борасидаги тажрибаларини ҳамда ушбу анъаналар минтақанинг азалий автохтон халқи ҳисобланган қадим аждодларимиз томонидан яратилганлигини исботлашда маҳаллий деҳқончилик маданиятининг этнохудудий хусусиятларини этнологик аспектда тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон, хусусан Фарғона водийсида ҳам деҳқончилик ма-

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 145- б.

данияти қадимдан ривож топган. Фарғона водийси ўзининг бир қатор жиҳатлари билан, чунончи табиий-географик шароити, аҳолисининг катта қисми қадимдан ўтроқ турмуш тарзини кечирганлиги, қолаверса этник таркибининг ранг-баранглиги билан Ўрта Осиёнинг бошқа тарихий-маданий ўлкаларидан фарқланиб туради. Ўтмишда бу ўлка иқлимининг мўътадиллиги, сув манбаларининг сероблиги, хуллас деҳқончилик учун қулай табиий шароитнинг мавжудлиги билан Ўрта Осиёда салоҳиятли мавқега эга бўлган. Шунингдек, водий аҳолиси деҳқончилик маданиятининг ривожланишида ўзига хос тарихий анъаналарига эга бўлиб, айнан бугунги кунда ушбу анъаналарнинг тикланиши нафақат илмий, балки амалий аҳамиятга ҳам моликдир. Қолаверса, ҳозирги кунда халқимизнинг деҳқончиликка оид урф-одат ва маросимларни, уларнинг тарихий илдизларини, аجدодларимизнинг қадимий анъаналарини кенгроқ ёритиш, бевосита бугунги кунда деҳқончилик ишларини ривожлантиришда халқнинг тажриба ва кўникмаларига, анъаналарига таяниб иш кўриш, улардан самарали фойдаланиш ва оммага тушунтириш зарурати билан ҳам изоҳланади.

Хуллас, ўзбек халқининг қадимий деҳқончилик анъаналарини тарихий-этнологик нуқтаи назардан танлаб олинган ҳудуд материаллари асосида тадқиқ этиш, фикримизча, асосан, қуйидаги омилларга кўра долзарб илмий муаммолардан бири ҳисобланади:

– *биринчидан*, деҳқончилик тарихини ўрганиш тарихнинг турли босқичларида халқларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ва ишлаб чиқариш кучлари ривожланишини, хўжалик юритиш маданиятининг ўзига хос хусусиятларини, суғорма деҳқончиликнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини ҳамда у билан боғлиқ бўлган урбанистик жараёнларни илмий асосли таҳлил қилишда ғоят муҳимдир.

– *иккинчидан*, айнан ўзбек халқига хос асрий зироатчилик анъаналари ва суғорма деҳқончиликка хос ноёб технологиялар, хўжалик юритиш маданияти асосида шаклланган хўжалик-маданий типларига хос тажрибалар ва маданиятни тадқиқ қилиш орқали ўзбеклар минтақанинг азалий автохтон ўтроқ халқи эканлигини исботлашда ҳам муҳим тарихий асос бўлиб хизмат қилади;

– *учинчидан*, мустақиллик шарофати билан халқимизнинг ўзига хос миллий кадриятлари ва қадимий анъаналарини, жумладан, деҳқончиликка оид урф-одат ва маросимларини ўрганишга катта

эйтибор берилаётган шу кунларда мазкур асар орқали Фарғона водийсидаги деҳқончиликнинг ўзига хос жиҳатлари ва маҳаллий хусусиятларини англаб етамиз. Зеро, халқимизнинг тарихи, миллий кадриятлари, урф-одат ва маросимларини ўрганиш ҳамда уларни асраб - авайлаш истиклол даврининг энг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

– *тўртинчидан*, бугунги кунда жамиятимиз бозор тамойиллари асосидаги тараққиёт сари жадал одимлаётган экан, XX аср бошларига қадар ушбу тамойиллар устувор бўлиб келганлигини унутмаслигимиз керак. Ҳозир амалга оширилаётган ислохотлар, яъни мулкчилик шаклларининг ўзгариши, ерга бўлган муносабат, фермерлик хўжалигининг жорий этилишидаги самарадорлик айнан, асрлар синовидан ўтган илғор анъаналаримиздан қандай даражада фойдаланишимизга боғлиқ. Демак, ўзининг узоқ тарихий илдизларига эга бўлган хўжалик-маданий анъаналаримизни ўрганиш, таҳлил этиш ва ҳаётга татбиқ этиш учун тавсия этиш жуда долзарбдир.

– *бешинчидан*, нафақат минтақамизда, балки бутун дунёда тобора жиддий тус олаётган сув танқислиги муаммоси ҳамда экин майдонлари шўраланиш оқибатида яроқсиз холга келиши каби экологик хавфлар ортиб бораётган бир пайтда халқимизнинг ер ва сувни асраб-авайлаш, эъзозлашдаги тарихий, миллий кадриятларини қайта тиклаш, ривожлантириш ҳамда ушбу асрий анъаналар негизида миллий, замонавий экомаданиятни шакллантириш ҳам бугунги куннинг устувор вазифаларидан биридир. Зеро, бугунги кунда экология масаласи мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилаётгани ҳам бежиз эмас, албатта.

Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги даври тарихи учун ёзма манбаа ҳисобланган – “Авесто”да илк деҳқончилик ва чорвачилик маданияти билан боғлиқ ижтимоий тартиб-қоидаларга оид қарашлар ва турли-туман маросимлар ҳақида маълумотлар зикр қилинган¹. Жумладан, мазкур манбада деҳқончилик билан чорва-

¹ Зардуштийлардаги деҳқончилик анъаналари ва “Авесто”да баён қилинган зироатчиликка оид мулоҳазалар борасида батафсилроқ қаранг: Абдулнӣёзов Б. “Авесто” ва кишлоқ хўжалиги // Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги. – 2000. – №6. – 18 – 19- б; Йўлдошева Қ. Буғдойли уйдан девлар қочгай // Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги. – 2002. – №4. – 61- б; Аширов А. “Авесто” ва деҳқончилик анъаналари хусусида айрим мулоҳазалар // Ozbekistonda ijtimoiy fanlar. 2005. – №1 – 2. – 212 – 217- б.

чилик дунёни яратган олий зот Ахура Mazda наздида энг маъқул иш тарзида мадҳ қилинади¹.

Қадимги хитой манбаларида ҳам Ўрта Осиё халқлари, хусусан, биз тадқиқ қилган Фарғона водийси халқларининг қадимий деҳқончилик анъаналари борасида ҳам бир қатор диққатга сазовор мулоҳозалар баён қилинганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунончи, бу борада хитой сайёҳлари Си Мачян (Сыма Цянь), Жанг Чян (Чжань Цян)лар ва Хой Чаоларнинг асарларида водий аҳолисининг қадим даврлардаёқ деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланганлиги ҳақида қимматли маълумотлар баён қилинган².

Фарғона водийси ва унинг деҳқончилигига оид айрим маълумотлар араб сайёҳлари ва географлари Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Истархий, Абдул Қосим ибн Хавқал, Абу Абдуллоҳ Ёкут ал-Ҳамавийларнинг асарларида ҳам учрайди³.

Юқоридаги манбалардаги маълумотлар ва фикр-мулоҳазалар деҳқончиликка оид удум ва маросимларни, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда анъаналари тўғрисидаги билимларимизни бойитибгина қолмай, аини вақтда уларни тарихий-этнографик жиҳатдан ўрганиш имконини ҳам беради. Бироқ, ушбу манбалардаги тарихий маълумотлар умумий тарзда берилганлиги билан характерлидир.

Ўрта Осиё ҳудудига турли тарихий даврларда келган сайёҳлар, географлар ва ҳарбийлар жуда кўп соҳаларни, жумладан, минтақа халқларининг азалий деҳқончилик анъаналарини

¹ Қаранг: Маковельский А. О. “Авеста”. – Баку, 1960. – С. 86; “Авеста” в русских переводах (1861 – 1996). – Спб., 1997. – С. 12 – 46.

² Бичурин И. Сборник сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. – М.; – Л., 1950. Т. I, II, (Т. III 1953.). – С. 14 – 63; Абдурашул Абдухолик ўғли. Қадимги Фарғона тарихидан. – Тошкент, 2002. – 5 – 8- б; Бернштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // ВДИ. 1952. – №1. – С. 193. А. Асқаров “Қадимги Фарғона тарихидан лавҳалар” // Археология и история Центральной Азии. Самарқанд 2004 йил. 25 – 28- бетлар.

³ Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Маҳмуд, ал-Фариси ал-Истахрий. Китоб масалик ал-Мемалик // Материалы по истории киргизов и Киргизии (МИКК). – М., 1973. Т. I. С. 17 – 23; Абул Қасим ибн-Хауқал. Китоб ал-месалик вал-мемалик. Перевод, Бетгер Е. К. Извлечение из книги “Пути и страны” Абу-л-Касим Ибн Хауқал // Труды Среднеазиатского Государственного Университета. 1957. Вып XI. – С. 13 – 27; Ўйкут ал-Ҳамавий. Муджам ал-булдон” Пер. с араб. Фролов О. Б. Вахабов Б. // Материалы по истории Средней и Центральной Азии X – XIX вв. – Ташкент, 1988. – С. 80 – 88.

хам ўрганишган. Айниқса, Россия империясининг Ўрта Осиёга тажовузи кучайиб Қўқон хонлиги батамом босиб олингач, рус тадқиқотчилари водий суғорма деҳқончилигининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларини ҳам тадқиқ қилиш борасида айрим диққатга сазовор ишларни бажарганлар. Чунончи, бу даврда Россия империясининг ҳукумати Ўрта Осиё тўғрисида илмий асосланган маълумотларга эга бўлиш ҳамда ўзининг мустамлакачилик сиёсатини юритиш мақсадида ўлкага махсус билимли кишиларни юборган. Албатта, улар биринчи навбатда Россия империяси ҳокимиятининг сиёсий ниятларини рўёбга чиқариш, яъни узоқ даврга мўлжалланган мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишга интиланганлар. Бироқ, улар орасида ҳақиқий илм-фан кишилари ҳам бўлган. Масалан А. Ф. Миддендорф, А. Д. Грибенкин, В. Наливкин, Г. О. Арандаренколар томонидан ўлка халқларининг нафақат тарихи, балки этнографиясига ҳам оид кўплаб қимматли маълумотлар тўпланган¹.

Шуни ҳам алоҳида такидлаш ўринлики, Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзи, анъаналари хусусидаги тадқиқотчиларнинг маълумотлари кўпроқ эмпирик характерда бўлиб, ундаги маълумотлардан кўпроқ умумий хулосалар қилиш мумкин, ҳолос. Кейинчалик улар водий аҳолиси, унинг турмуш тарзи, хўжалик типлари ва бошқа жиҳатларига жиддий эътибор қарата бошлаганлар. Умуман олганда, дастлабки маълумотларда Туркистон ўлкаси, хусусан Фарғона водийсига биринчи навбатда хом ашё базаси сифатида қарашлар акс этган бўлса², кейинги тадқиқотларда бирмунча чуқур илмий изланишларга асосланган фикр-мулоҳазалар ва мушоҳадалар билдирилади. Масалан, Россия империяси ҳукумати томонидан уюштирилган илмий экспедицияларда қатнашган бо-

¹ Миддендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. – Спб.: Император АН. 1882. – С. 410; Узбеки // Русский Туркистан. 1872. – С. 4; Наливкин В. А. Краткое история Кокандского ханства. – Казань, 1886; Наливкин В., Наливкина М. Очерки быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. – Казань, 1886. – С. 245; Кушелевский В. И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. – Нов. Маргелан, 1890. Т. 3. – С. 12 – 26; Арандаренко Г. О. Метеорологические познания туземцев в Туркестанском крае. – Спб., 1908. – С. 12 – 16.

² Веляминов, Зернов В. Сведения о Кокандском ханстве // ВИРГО. 1856. Кн. V. Ч. XVIII; – С. 106 – 107; Он же. Кокандское ханстве по новейшим сведениям // Военный сборник. 1865. – С. 23 – 26.

таник А. П. Федченко, географ ва зоолог И. А. Северцев, геолог И. В. Мушкетовлар томонидан Туркистон ўлкаси, хусусан, Фарғона водийси, уни ўраб турган тоғ тизмаларининг табиати, иқлими, ўсимлик дунёси ҳақида қимматли маълумотлар тўпланди ва нашр қилинди¹. Биз учун эътиборлиси шуки, эндиликда, Фарғона водийси аҳолиси унинг этник таркиби ҳақида айрим маълумотлар ҳам кўпроқ берилди бошладди. Шу ўринда водийда яшган турли халқларнинг этник хусусиятлари ҳақида маълумот берувчи А. Д. Гребенкин, Н. Ф. Ситняковский, Е. Кузнецовларнинг² илмий ишларини кўрсатиб ўтиш жоиз. Айни вақтда таъкидлаш керакки, ушбу муаллифлар, асосан, этносларнинг уруғ-қабилавий бўлинишлари, тил хусусиятларинигина қисман ёритиш билан чеklangанлар. Ўша даврда Фарғона водийсида илмий тадқиқот ишлари олиб борган рус олими, академик А. Ф. Миддендорф хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз. У Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман томонидан ўлкани ўрганиш учун махсус тақлиф этилади ва жуда қисқа вақт ичида бу ўлгага бағишланган ўзининг “Очерки”ни ёзиб тамомлайди³. Ушбу асар водийнинг жўғрофий жойлашуви, табиати, иқлими, дарё ва тоғлари, ҳатто аҳолисининг этник таркиби ва турмуш тарзи ҳамда қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларига оид қимматли илмий маълумотларни ўзида мужасамлаштирган.

Бирок, асар муаллифи водий деҳқончилиги ҳақида қимматли маълумотларни бериш билан бирга, бу хусусда бир қатор нотўғри хулосаларга ҳам келган. Чунончи, А. Ф. Миддендорф Туркистон генерал-губернатори Кауфманга ёзган хатларининг бирида: “Водий қишлоқ хўжалигининг келажаги йўқ, бу ерда кейинчалик сув ва

¹ Федченко А. П. Путешествие в Туркестан. – М., 1950. – С. 9 – 10; Северцев Н. А. Краткий отчет о Памирских исследованиях и общих научных результатах Ферганской ученой экспедиции. Спб., 1878. – С. 9; Мушкетов И. В. Туркестан. – Спб., 1886. Т. I. – С. 277 – 278.

² Гребенкин А. Д. Узбеки // Русский Туркестан. Сборник изданный по поводу политехнической выставки. – М., 1872. Вып. II. – С. 91 – 93; Ўша муаллиф. Таджики // Русский Туркестан. – М., 1872. Вып. II. – С. 96 – 99; Ситняковский Н. Ф. Перечисление некоторых родов киргиз, обитающих в восточной части Ферганской области // ИТОРГО. – Ташкент, 1900. Т. II. Вып. 1. – С. 92 – 100; Кузнецов П. Е. О таджиках Наманганского уезда // ИТОРГО. – Ташкент, 1915. Вып. II. Т. XI, 21. – С. 23 – 24; Ўша муаллиф. О таджиках Кокандского уезда // ИТОРГО. – Ташкент, 1916. Вып. II. Т. XII. – С. 349.

³ Миддендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. – Спб., 1882. – С. 10 – 320.

ўғит етишмаслиги оқибатида прогресс тўхтаб қолади”,¹ – деган фикрни билдирган эди.

А. Ф. Миддендорфнинг ушбу фикр ва мулохазаларининг айримлари ўз даврида бошқа муаллифлар томонидан ҳам танқид остига олинган². Хуллас, ушбу асар биз ўрганётган мавзу учун алоҳида аҳамият касб этса-да, унда водийнинг деҳқончилиги хусусида умумий тарзда маълумотлар қайд этилган, холос.

Худди шу даврда бошқа бир мутахасис В. И. Кушелевский томонидан водий аҳолисининг тиббий ҳолати ва турмуш тарзи ўрганилган. Ушбу асар, асосан, тиббиётга оид маълумотларни ўзида мужассамласа-да, унда водий ирригациясига оид айрим фикрлар ҳам бериб ўтилган.³ Кўриб чиқилаётган даврда Фарғона водийси ҳақида В. Наливкин ва М. Наливкиналар бир нечта илмий асарлар яратдилар. Водийда кўп йиллар яшаб, аҳолининг тили, хўжалиги, турмуш тарзи одат ва анъаналарини анча яхши билган В. Наливкин ўз кузатувлари, маҳаллий аҳоли билан суҳбатлари асосида бир қанча қизиқарли маълумотларни ёзиб қолдирганлар⁴. Шундай асарлардан бири “Кўкон хонлигининг қисқача тарихи” номли асари бўлиб, у ҳам маҳаллий манбаларга асосланиб ёзилганлиги боис бир қанча камчиликлардан холи эмас эди. Бу кейинчалик айрим муаллифлар томонидан ҳам қайд этилган. Масалан, рус тадқиқотчиси Веселовский “бу асар илмий талабларга риоя қилинмасдан баён қилинган”лигини таъкидласа, кейинчалик яна бир тадқиқотчи В. М. Плоских бу асарда водийдаги ўзбек, кипчоқ ва қирғиз уруғларининг номлари чалкаштириб юборилганлиги, ҳамда асарда ижтимоий-иқтисодий масалаларга кам эътибор қаратилганлигини ёзади⁵. Юқорида келтириб ўтилган

¹ Соколов Н. П. О характере естественно- исторических исследований Средней Азии до октябрьской революции. Ч. I. М., 1934. – С. 41.

² Наливкин В. П. Очерки земледелия в Наманганском уезде // ТВ. 1880. – №11 – 29.

³ Кушелевский В. И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. В 3 т. Новый Маргелан. 1891. Т. 1. – С. 10 – 20.

⁴ Наливкин В., Наливкина М. Кўрсатилган асарлар... 178 – 210, 120 – 131- б.

⁵ Лунин Б. В. Историография общественных наук в Узбекистане. – Ташкент, 1974. С. 253; Плоских В. М. Киргизы и Кокандское ханства. – Фрунзе. 1977. – С. 21.

муаллифлардан ташқари яна И. И. Гейер¹, В. И. Масальский², К. К. Пален³ ва В. В. Бартольдларнинг айрим асарларида келтирилган маълумотлар⁴ ҳам ўлка ҳаётини ўрганиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

XX аср биринчи чорагидан, аниқроғи, совет давридан бошлаб биз Фарғона водийсининг турли даврлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётига оид бир қанча илмий изланишлар олиб борилиши натижаси ўлароқ, ўзбек халқи этнографиясининг турли мавзулари доирасида кўплаб илмий мақола ва асарлар чоп этилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу асарлар ўша давр мафқураси таъйиқи остида яратилган бўлса-да, уларнинг аксарияти орқали Фарғона водийси ва унинг аҳолиси этнографиясига оид кўплаб қимматли маълумотларни олишимиз мумкин. Энг аввало, бу даврда водий ҳудудида олиб борилган археологик изланишлар эътиборга моликдир. Айниқса, бу борада археолог Б. А. Латыниннинг қазилма ишлари диққатга сазовордир. Тадқиқотчи ўз даврида Шарқий Фарғонанинг қадимги ирригация тизимининг маҳаллий ўзига хослигини ўрганиш борасида муҳим натижаларни қўлга киритган⁵. Шунингдек, А. Н. Бернштам, В. И. Спришевский, Ю. А. Заднепровскийларнинг ҳам бу борадаги тадқиқотлари биз кўриб чиқаётган масалани ўрганишда катта аҳамият касб этади⁶. Юқорида таъкидланган археологик тадқиқотлар натижаси

¹ Гейер И. И. Весь русский Туркестан. – Ташкент, 1909. – С. 36 – 38.

² Масальский В. И. Туркестанский край. – Спб., 1913. – С. 16 – 21.

³ Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане / Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению сенатором гофместером графом К. К. Паленом. – Спб., 1911. Т. I. отд. II, отд. I. – С. 12 – 24.

⁴ Бартольд В. В. К Истории орошения Туркестана // Соч: В 9 т. – М., 1965. Т. III. – С. 62 – 68; Его же. Фергана // Соч. В. 9 т. – М. 1965. Т. III. – С. 98 – 112.

⁵ Латынин Б. А. Работы в районе проектируемой электростанции на р. Нарын в Фергане. Изв. ГАИМК. – М., 1936. Вып. 110. Т. II. – С. 57 – 67; Его же. Вопросы истории ирригации древней Ферганы. ПСИИМК. – М., 1956, Вып. 64. – С. 10 – 34; Его же. Некоторые итоги работ Ферганской экспедиции 1934 г. / Археологический сборник. – Л., 1961. – С. 109 – 170; Он же. Вопросы истории ирригации и орошаемого земледелия древней Ферганы // АДД. 1962. – С. 140 – 160.

⁶ Бернштам А. Н. Древняя Фергана. – Ташкент, 1951. С. 4 – 16; Спришевский В. Чустское поселение. АКД. – Ташкент, 1963. С. 18 – 44; Заднепровский Ю. Древнеземледельческая культура Ферганы. – М.: – Л.: Изд-во АН СССР 1962. С. 173 – 178.

ўлароқ Фарғона водийси, хусусан унинг шарқий қисмининг бронза ва темир даврлари ҳамда илк ўрта асрларгача бўлган давридаги деҳқончилик маданиятига оид кўпгина янги, қимматли маълумотлар тўпланди ва илмий истемолга олиб кирилди. Ушбу археологик ишлардан биз водийда суғорма деҳқончилигининг вужудга келиши, шаклланиш жараёни ва ривожланиш босқичлари ҳақида умумий маълумотларга эга бўламиз.

Фарғона водийсида суғориш ишлари тўғрисида ҳам айрим муаллифларнинг асарлари чоп этилган бўлиб, уларга С. Жалилов¹, А. Абдулхамидов² асарларини мисол қилиш мумкин. Аммо ушбу асарларда фақат водий ирригацияси, унинг ўзига хос томонлигагина эътибор қаратилган, холос. Юқоридагилардан кўринадики, водий деҳқончилиги, унинг анъанавий хусусиятлари ҳамда ўзига хос жиҳатлари ва кўринишлари махсус ўрганилмаган, мазкур муаммо илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилинмаган.

Фарғона водийси анъанавий деҳқончилик маданиятига оид адабиётлар таҳлил қилишда сўнгги йилларда яратилган адабиётлар ҳам алоҳида туркумни ташкил этишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Айнан мазкур туркум адабиётларда мафкуравий қарашлардан ҳоли янгича нуқтаи назарда яратилган илмий ишлар мажмуини ташкил қилиши билан ҳам фарқли ҳисобланади. Ушбу гуруҳга кирувчи адабиётларга этнограф олим академик К. Ш. Шониёзов³, У. Абдуллаев⁴, фольклоршунос олимлар М. Жўраев⁵, А. Нарзикулов⁶, шарқшунос С. Х. Жалилов⁷, тарихчи Н. Мусаевлар⁸ томонидан нашр қилинган асарларни киритиш мумкин. Ушбу асарларда биз муаммонинг айрим жиҳатлари ёритилган. Хусусан, У. Абдуллаевнинг асарида Фарғона водийсидаги этнослараро алоқалар XIX аср охири – XX

¹ Жалилов С. Кўрсатилган асар. Б. 12 – 40.

² Абдулхамидов А. Орошение предгорьях Узбекистана. – Ташкент, 1988. Б. 101 – 130.

³ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент, 2001. Б. 142 – 162.

⁴ Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. – Тошкент, 2005. Б. 36 – 51.

⁵ Жўраев М. Ўзбек халқ таквими ва мифологик афсоналар. – Бухоро, 1994. Б. 22 – 36.

⁶ Нарзикулов Н. Деҳқон таквими. – Тошкент, 1991. – 3 – 16- б.

⁷ Жалилов С. Бобурнинг Фарғона давлати. – Тошкент, 1995. – 18 – 26- б.

⁸ Мусаев Н. Ўрта Осиёда деҳқончилик маданияти ва аграр муносабатлар тарихидан. – Тошкент, 2005. – 16 – 212- б.

аср бошлари хронологик давр доирасида анча мукаммал ёритилган.

Анъанавий деҳқончилик маданияти ҳалқларнинг хўжалик, жамоавий турмушида муҳим ўрин эгаллаган. Шубҳасиз, бу борада бир неча минг йиллар мобайнида тўплаган тажриба ва нозик фенологик кузатишлар асосида, ўзбекларда ҳам деҳқончилик билан боғлиқ ўзига хос агромаданият шаклланганлиги аниқланди. Айнан мазкур маданият асосида деҳқонларнинг табиий ресурслар, хусусан, ер ва сувдан унумли фойдаланиш, сермашаққат меҳнат эвазига ҳосил етиштириш борасидаги этномиллий анъаналари ва технологиялари мужассамлашган.

XIX аср охири - XX аср бошларида водийда, асосан, маҳаллий экин турлари (пахта, буғдой, арпа, шоли, тарик, жўхори, макка, мош, ловия, нўхат) билан бир қаторда инноэтник экинлар ҳам (картошка, помидор, бақлажон, карам) етиштирилган. Экин турлари водийнинг турли жўғрофий ҳудудларига мослаштирилган бўлиб, серсув дарё бўйи ҳудудларида шоли ва полиз экинлари, тоғ олди ва адирлик ҳудудларида жўхори ва сувсизликка чидамли бўлган буғдой навлари ҳамда бошқа экин турлари етиштирилган.

Фарғона водийси деҳқончилигида турфа хил урф-одатлар, маросимлар ўтказилган бўлиб, уларнинг асосини қадимий эътиқодий қарашлар (аграр культлар, магия, табиат ҳодисаларини илоҳийлаштириш, осмон ва ер илоҳларига сиғиниш, аждодлар култи, фетишизм)нинг исломий анъаналар билан ўзаро уйғунлашиб, синкретик (қоришган) ҳолдаги кўринишлари ташкил этган.

Хуллас, Фарғона водийси анъанавий деҳқончилик маданиятининг минтақага хос этнолокал хусусиятларига бағишланган ушбу асар Ўзбекистон ҳудудидаги деҳқончилик хўжалиги тарихини ўрганишда, водий аҳолисининг анъанавий турмуш тарзи, хўжалиги ва маданиятини англашда яқиндан ёрдам беради.

І БОБ. ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ХЎЖАЛИГИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ, СУҒОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

І. 1. Деҳқончиликнинг тарихий илдизлари, суғорма деҳқончиликнинг ривожланиш босқичлари

Инсоният цивилизациясининг қадимги марказлари шаклланиши ва таракқиётида деҳқончилик маданияти муҳим роль ўйнаган. Ўрта Осиё, хусусан, Фарғона водийсида тарихий таракқиётнинг илк даврларидаёқ аҳолининг асосий қисми ўтроқ ҳолда яшаб, юксак даражадаги деҳқончилик маданиятини яратганлиги ва бу маданиятнинг қатор жиҳатлари илмий адабиётларда яхши ёритилган¹. Улардан маълум бўладики, агар қадимги Миср ва Месопотамияда милоддан аввалги VII минг йилликда деҳқончилик маданияти шаклланган бўлса, Ўрта Осиёнинг жанубий минтақаларида милоддан аввалги VI минг йилликдан бошлаб аҳоли илк деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғуллана бошлаган².

¹ Гулямов Я. Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Ташкент, 1957. – С. 63 – 86. Заднепровский Ю. А. Древнеземледельческая культура Ферганы. – М., 1962 – С. 48 – 55; Муҳаммаджонов А. Қуйи Зарафшон воҳасининг суғорилиш тарихи. – Тошкент, 1972. – 43 – 48- б; Андрианов Б. В. Земледелие наших предков. – М., 1978. – С. 31 – 56; Антонова Е. В. Очерки культуры древних земледельцев Передней и Средней Азии. Опыт реконструкции мировосприятия. – М., 1984. – С 82 – 93; Анарбоев А. Ўзбекистонда илк суғорма деҳқончиликнинг шаклланиши ва антропоген ландшафтнинг ташкил топиши// Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар. – Тошкент, 2006. – 3 – 16- б; Анарбаев А. А., Максудов Ф. А. Древний Маргелан (Из истории земледельческой и городской культуры Ферганы). – Ташкент: Фан, 2007. – С. 12 – 44;

² Қаранг: Массон М. Е. Поселение Джайтун. – Л., 1971. – С. 84 – 107; Антонова

Зеро, Ўрта Осиёнинг қулай табиий ва иқлим шароити бу минтақада инсонларнинг узок ўтмишдан бошлаб деҳқончилик билан шуғулланишларига имкон яратди. Жамиятдаги бу тараққиёт ватанимиз ҳудудида бир қатор омиллар таъсирида ўзига хос кўринишда юз берган. Бу ерда деҳқончиликнинг ибтидоий шакли неолит даврида бошланган. Бироқ, суғорма деҳқончилик ибтидоси милoddан аввалги II минг йиллик бошида қадимги Бахтрия ҳудуди (Сурхондарё вилояти)да кузатилади¹. Археолог олимларнинг хулосаларига кўра, Фарғона водийсида бу жараён милoddан аввалги II минг йилликнинг ўрталаридан бошланган².

Демакки, Фарғона водийси ҳам Ўрта Осиё қадимдан деҳқончилик маданияти ривож топган ўлкаларидан биридир. Бу фикрга водий ҳудудида топиб ўрганилган археологик материаллар билан бирга ўлканинг қадимги даврига оид ёзма маълумотлар ҳам асос бўлади³.

Фарғона водийсининг қадимги суғорма деҳқончилигига оид дастлабки ёзма маълумотлар эса қадимги Хитой манбаларида учрайди. Бундай маълумотлар ўша давр Хитой сайёҳлари томонидан ёзиб қолдирилган. Шу ўринда эрамиздан аввалги II асрда Фарғона водийсида бўлган Хитой элчиси Си Мачанлар (Сима Цян) ва Жанг Чян (Чжан Цзян), Хой Чао ҳамда бошқа муаллифлар томонидан ёзиб қолдирилган маълумотларни келтириб ўтиш керак⁴. Юқорида ишлари кўрсатиб ўтилган муаллифлар Фарғона

Е. В. Обряды и верования первобытных земледельцев Востока. – М., 1990. – С. 91.

¹ Қаранг: Аскарлов А. Сополлитепа. – Тошкент: Фан, 1973. – 21 – 32- б; Аскарлов А., Абдуллаев Б. Н. Джаркутан. – Тошкент: Фан, 1983. – С. 9 – 16; Аскарлов А. Энг қадимги шаҳар. – Тошкент: Маънавият, 2001. – 8 – 32- б.

² Анорбоев А. Ўзбекистонда илк давлагчилик ва унинг ўрганилиш тарихидаги баъзи бир муаммолар // *О‘zbekiston tarixi*. – 2004. – №4. – 10 – 11- б.

³ Гайдукевич В. Ф. К истории древнего земледелия в Средней Азии // ВДИ. 1948 – №3. – С. 193 – 204.

⁴ Бичурин И. Собрание сведений о народах обитавших в средный Азии в древние времена. – М., – Л., 1950. Т. I, II. – С. 3 – 113. (Т. III. 1953.). Бернштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // ВДИ 1952. – №1. – С. 193; Горбунова Н. Г. Фергана по сведениям античных авторов // История и культура народов Средней Азии. 1976 – С. 26 – 30; Абдухолик Абдурасул ўгли. Қадимги Фарғона тарихидан. – Тошкент, 2002. – 3 – 9- б; Аскарлов А. Қадимги Фарғона тарихидан лавҳалар // Археология и история Центральной Азии. – Самарканд, 2004. – С. 25 – 28.

водийси аҳолиси қадимда, асосан, ўтроқ ҳолда яшаб, деҳқончилик билан шуғулланганликлари ҳақида маълумот берадилар. Хитойлик сайёҳлар водий деҳқончилигида узумчилик, галлачилик, шоликорлик ривожланганлигини такидлаб ўтганлар.

Дарвоқе, Фарғона водийси ҳудудидаги илк деҳқончилик маданиятига оид маълумотларни нафақат археологик ҳамда ёзма материаллардан, балки водийни ўраб турган тоғлардаги қоятошларга “ибтидоий расомлар” томонидан ишланган суратлардан ҳам топишимиз мумкин бўлади. Масалан, Фарғона тоғ тизмасидаги Саймалитош ва Янгиариксой¹ қоятош суръатларида бу каби маълумотлар сақланиб қолган. Ушбу қоятош суратларида кўплаб ибтидоий тасвирлар билан бирга омоч қўшилган хўкизни етаклаган одам тасвири учрайди. Деярли барча тадқиқотчилар суръатлардаги тасвирни қўш ҳайдаётган одам тасвири эканлигини эътироф этадилар². Бундай деҳқончилик тасвирларини қоя тошларга ишланиши жаҳоннинг турли ҳудудларида, жумладан, Арманистонда³, Симферополда⁴ ва Монголия⁵ ҳудудларидан ҳам топилган. Бу эса ушбу ҳудудларда деҳқончилик маданиятининг илдизлари қадимга бориб тақалишига аниқ далилдир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Фарғона водийсининг қадимги даврдаги деҳқончилик тарихини ўрганишда археологик материалларнинг аҳамияти катта. Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш жоиз-

¹ Каранг: Бернштам А. Н. Древняя Фергана. – Ташкент, 1951. – С. 6 – 7. Его же. Наскальные изображение Саймалы-таш // СЭ. 1952. – №2. – С. 50 – 68; Ташбабаев К. И. Новые исследования Саймалы-таша // Новое о древнем и средневековом Кыргызстане. – Бишкек, 1999. Вып. 2. – С. 72 – 75. Рис. 1. Хўжаназаров М. Наскальные изображения Северо-Восточного Узбекистана: Автореф. канд. дисс. – Л., 1958. – С. 12. Его же: Изображение сцены пахоты из Янгиарикская // Общественные науки Узбекистана. 1989. – №3. – С. 50 – 51.

² Голендухин Ю. Н. Вопросы классификации и духовный мир древнего земледельца по петроглифам Саймали-таша // СЭ Первобытного искусства. – Новосибирск, 1971. – С. 181 – 202; Помаскина Г. А. Когда боги на земле. – Фрунзе, 1976. – С. 23 – 27; Ранов В. А. Изучение наскальных изображений Западного Памира в 1972 г. // Археологические работы в Таджикистане. – Душанье, 1976. Вып. XII (1972). – С. 5 – 21.

³ Караханян Г. О., Софян П. Г. Наскальные изображения Сюника. – Ереван, 1970. – С. 43.

⁴ Краснов Ю. А. Рана Симферопольского стены // Советская археология. 1971. – №2. – С. 51 – 63.

⁵ Новгородова Э. А. Мир петроглифов Монголии. М., 1984. – С. 59.

ки, водий ҳудудидаги қадимги деҳқончилик воҳаларидан Чуст¹ ва Далварзин² манзилгоҳлари археологик жиҳатдан яхши ўрганилган бўлиб, айнан мазкур ҳудудларда олиб борилган қазилма ишлари жараёнида деҳқончилик машғулотига алоқадор бўлган, асосан, ерга ишлов беришда, ҳосилни янчишда фойдаланилган меҳнат қуроллари ва буюмлар топилган. Чуст манзилгоҳидан тарик ўсимлигининг уруғига ўхшаш ғалла уруғи топилиши айниқса диққатга сазовордир. Бу хусусида археолог Ю. А. Заднепровский ўз фикрини билдирар экан, тарик ўсимлиги Фарғона водийсининг қадимий деҳқончилигида ўзига хос ўрин тутганни таъкидлайди³.

Бундан ташқари, Чуст ва Далварзин манзилгоҳларида ҳосил сақлайдиган махсус ўралардан буғдой, арпа уруғлари ҳам топилганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Демакки, ҳосилни махсус тайёрланган ўраларда сақлаш усули қадим даврдан пайдо бўлганлиги аниқ⁴.

Чуст манзилгоҳидан топилган ёрғучоқ (донни унга айлантиришда фойдаланиладиган тошдан ясалган меҳнат қуроли) ҳамда тош ўроқлар ва бошқа ашёвий далиллар Чуст воҳасида қадим даврдан бошлаб деҳқончилик ривожланганлигини тўла исботлаб турибди.

Сўнгги йилларда олиб борилган археологик изланишлар натижаларига асосланиб водий ҳудудидаги илк деҳқончилик маданияти илдиэларини аниқлаштириш ва уни маълум бир босқичларга бўлиб тадқиқ қилиш имконияти пайдо бўлди. Чунончи, мутахассис олимларнинг таъкидлашларига кўра, милoddан аввалги икки мингинчи йиллик ўрталаридан (аниқроғи мил. аввалги XV – XIV асрлардан) бошлаб Фарғона водийсида илк бора (I босқич) суғорма

¹ Ушбу манзилгоҳ фанда “Чуст маданияти ёдгорликлари” деб юритилади. Бир қатор археолог олимларнинг илмий хулосаларига кўра бу маданият даврий жиҳатдан иккига бўлинган. Биринчи, илк босқич милoddан аввалги XII – IX асрларга, иккинчи босқич милoddан аввалги VIII – VII асрларга тўғри келади.

² Далварзинтепа ҳам Чуст маданиятига оид ёдгорлик бўлиб, у Қорадарёнинг чап қирғоғида жойлашган. Унинг майдони 18 гектардан иборат. Унда қадимий давр шаҳарсозлик белгилари кўпроқ қайд этилади.

³ Заднепровский Ю. А. Древнеземледельческая культура Ферганы. – М.; Л., 1962. – С. 74 – 75.

⁴ Ҳосилни сақлашда бундай ўралардан фойдаланиш анъанаси яқин-яқингача водийда давом этиб келганлигини бизнинг дала материалларимиз ҳам кўрсатиб турибди. Бу ҳақда 2- бобда батафсил маълумот берилади.

деҳқончиликнинг энг оддий кўринишларига асос солинган. Унга кўра, биринчи навбатда Қорадарё, Окбўра, Косонсой ва Говасой каби сой ва дарёларнинг адир орти қисмидаги ҳавзаларнинг энг қулай ва унумдор ерлари ўзлаштирилган¹.

Маълумки, водийдаги суғорма деҳқончиликнинг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ масалаларни ўрганган бир қатор олимлар, хусусан Ю. Заднепровский ва В. И. Спришевскийларнинг илмий хулосалари бўйича водий ҳудудидаги дастлабки суғорма деҳқончилик лиман-кўллама усулида амалга оширилган. Ушбу усулга кўра, илк деҳқончилик лиман ерларда, яъни дарё ҳамда сой сувларининг текислик ёки пастликка оқиб (тошиб) тушиб, табиий кўлмаклар ҳосил қилган ерларда амалга оширилган². Бироқ, юқорида келтирилган фикрлар эса ушбу хулосаларни инкор этади. Ушбу муаммони археолог олим А. Анарбоев шундай изоҳлайди: “Бизнинг фикримизча”, – деб ёзади, у, – биринчидан, сойлар адирлар орасидан оқиб ўтаётганда ўз ҳавзасида ўзига хос воҳа ёки воҳачалар ташкил қилади. Бу ерда сой суви секинлашиб, ёйилиб оқади, баъзида бир неча ирмоқларга бўлиниб оқади. Бу, албатта, қадимги деҳқон ирригаторларга катта имконият туғдирган, яъни улар сувни осонлик билан жиловлаб, деҳқончилик учун фойдаланганлар. Иккинчидан, бундай адир орти воҳаларда баҳор ойларида юз берадиган табиий тошқинлардан сақланиб қолиш имконияти кўпроқ бўлган. Учинчидан, сойларнинг куйи дельта қисмида сув тошқинларидан кўпроқ зарар кўрилган”³.

Юқорида келтирилган даврда Қорадарё^{4*}нинг чап соҳили

¹ Анарбаев А. А. Ўзбекистонда илк суғорма деҳқончиликнинг шаклланиши ва антропоген ландшафтни ташкил топиши // Я. Ғуломов номидаги республика илмий семинарларининг “Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдиэлари ва замонавий жараёнлар” мавзусидаги 37- йиғилиш материаллари. – Тошкент, 2006. – 9 – 15- б.

² Заднепровский Ю. Древнеземледельческая культура Ферганы – М.; Л.: АН СССР. 1962. С. 75 – 76; Спришевский В. И. Чустское поселения // АКД. – Ташкент, 1963. – С. 40 – 48.

³ Анарбаев А. А. Ўзбекистонда илк суғорма... – 10 – 11- б.

^{4*} Ушбу дарё Тяньшань тоғининг шарқий тизмаларидан бошланиб Норин дарёсига қўшилгач, Сирдарёни вужудга келтиради. Қорадарё адирликлар оралаб ўтиб, Андижон вилояти Ойим қишлоғи яқинида ўз ҳавзасида бир воҳани ташкил қилади. Дарё суви бу ерда секинлашиб, нисбатан ёйилиб оқади. Бу эса ўз навбатида минг йиллар давомида маълум бир қалинликдаги унумдор тупроқ пайдо бўлишига олиб келган.

бўйлаб, шунингдек, Фарғона водийсининг шимолий қисмида, яъни Косонсой ва Ғовасой ҳавзасининг адир орти қисмларида ҳам суғорма деҳқончиликнинг илк кўринишлари пайдо бўлган (иккинчи босқич). Милоддан аввалги XIII – XII асрларга келиб эса юқорида келтирилган дарё ва сойларнинг адир орти ҳавзаларида кенг ҳудуддаги ерлар ўзлаштирилиб, деҳқончилик қилинган¹.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Фарғона водийсида узок йиллар археологик изланишлар олиб борган Б. Латынин ўзидан аввал бу ҳудудда тадқиқотлар олиб борган олимларнинг бу борада эришган натижаларини умумлаштириб ҳамда мавжуд илмий фаразларни таҳлил этиб, шу асосда водийнинг қадимги суғорма деҳқончилиги тарихини уч босқичга бўлган эди². Бироқ кейинчалик маълум бўлдики, бу борада бажарилган ишлар натижалари ва қилинган илмий хулосалар камчиликлардан холи эмас экан. Дарвоқе, айнан ушбу камчиликлар ҳақида В. В. Шишкин 1955 йилда Москва шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта Осиё археологияси ва этнографияси” мавзудаги илмий анжуманда қилган маърузасида тўхталиб ўтган эди³. Хуллас, сўнгги йиллардаги археологик изланишлар ҳам Б. Латынин босқичларининг хронологик даврини анча илгариги даврларга тегишли эканлигини исботлабгина қолмай, балки унинг айрим хулосаларида камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Чунончи, археологик-палеогеографик тадқиқотлар натижалари Фарғона водийсида (учинчи босқич) милоддан аввалги XI – X асрлардан бошлаб суғориш тизимига асосланган деҳқончилик интенсив йўлга қўйилганлиги эътироф этилмоқда⁴.

Мустақиллик йилларида водийнинг Косонсой ҳавзасида⁵ ҳамда унинг жанубий қисми бўлган Шоҳимардон – Марғилонсой ҳавзасида ҳам бир қанча археологик тадқиқотлар олиб борилди. Ушбу ишлар натижаларига кўра, Косонсойнинг қуйи ҳавзасида милоддан аввалги X – IX асрлардан бошлаб бир неча микрооа-

¹ Анарбаев А. А. Ўзбекистонда илк суғорма... – 11 – 12- б.

² Латынин Б. Вопросы ирригация и орошаемого земледелие древней Ферганы // АДД. – Л., 1962. – С. 9.

³ Шишкин В. В. Археология и этнография Средней Азии на Московском совещании в 1955. // Известия АН УзССР. – Ташкент: АНР Уз ССР 1955. – №8. – С. 73 – 82.

⁴ Анарбаев А. А. Ўзбекистонда илк давлатчилик ва унинг ўрганилиш тарихидаги баъзи бир муаммолар // Ozbekiston tarixi. – Тошкент, 2004. – №3 – 3 – 14- б.

⁵ Анарбаев А. А. Ўзбекистонда илк суғорма... – 12 – 14- б.

зислар ташкил топа бошлаган¹. Марғилонсойнинг чап ҳавзасида, яъни Фарғона шаҳри ўрнида эса дастлабки хулосаларга кўра миллоддан олдинги X асрдан бошлаб деҳқончилик қилинганлиги қайд этилган бўлса², кейинчалик бу ерларда миллоддан аввалги X асрдан олдин ҳам икки юз йил давомида деҳқончилик қилинганлигини кўрсатмоқда³. Демак, шуни айтиш мумкинки, археологларнинг сўнгги илмий хулосаларига кўра, Фарғона водийсида суғорма деҳқончилиқнинг дастлабки кўринишлари юқорида тақидланганидек, дарё ва сойларнинг куйи дельтасида эмас, балки адир орти ҳавзасида пайдо бўлган⁴. Бу эса ўз ўрнида Фарғона водийсида суғорма деҳқончилик жуда қадим даврларда вужудга келганлиги ва бир неча тараққиёт босқичлари асосида ривожланиб, такомиллашиб борганлигини кўрсатади. Қолаверса, деҳқончилик маданиятининг ривожланиши бу ерда қалъалар, шаҳар давлатларни вужудга келишига туртки бўлган⁵. Маълумки, ушбу ўлкада ташкил топган, қадимги хитой манбаларида тилга олинган “Да-ван” давлати ўзининг деҳқончилик маданияти юксак тараққий қилганлиги билан шуҳрат қозонган.

Илк ўрта асрларга келиб эса Ўрта Осиё, хусусан, водий халқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўлди. Эфталийлар даврида феодал муносабатлар шаклланиб, хусусий ер эгаллиги такомиллаша бошлади. Бу эса суғориладиган ерларнинг катта қисми мулкдор қатлам вакиллари “деҳқонлар” кўлида тўплана борган. Катта ер эгаларига айланган “деҳқонлар” кўлида ер-мулкларнинг тўпланиши натижасида қишлоқ жамоаларининг эркин аъзолари аста-секин уларга қарам бўла бошлаганлар. Айнан мазкур даврда деҳқонларга ёлланиб ишлашга мажбур бўлган кишилар “кашаварзлар” ўз ерига эга бўлган эркин кишилар эса “қадиварлар” деб юритилган. Бу пайтда суғориладиган ерларга бўлган эҳтиёжнинг мунтазам ортиб бориши натижасида катта-кичик суғориш каналлари қазилган ва минглаб гектар янги ерлар ўзлаштирилган суғориш услуби такомиллашган. Шох ариқлар

¹ Эски Аҳси ёдгорлиги ва унинг агрофида олиб борилган тадқиқотлар натижасига қараганда, бу ерда Аҳсиқент шаҳри қурилгунга қадар 700 йил давомида интенсив деҳқончилик қилинган экан.

² Анарбаев А. А. Ўзбекистонда илк давлатчилик... – 8 – 9- б.

³ Анарбаев А. А. Ўзбекистонда илк суғорма... – 13 – 14- б.

⁴ Анарбаев А. А. Ўзбекистонда илк суғорма... – 14 – 15- б.

⁵ Асқаров А. Қадимги Фарғона тарихидан лавҳалар. – 25 – 28- б.

қайта қазилиб, серсув суғориш тармоқларига айлантирилган, шунингдек, тоғ ёнбағирларига сув чиқариш учун махсус иншоатлар куришга эътибор кучайган.

Бундай ишлар Турк хоконлиги даврида ҳам давом этирилган. Деҳқонлар мавжуд сув манбалари ёрдамида суғориладиган ерлар билан бирга лалми ерлардан ҳам унумли фойдаланишган. Маҳаллий аҳоли бу даврда бир неча турдаги деҳқончилик экинларини, хусусан бошоқли ва дуккакли экинларни етиштириш, полизчилик, узумчилик ҳамда пахтачилик билан шуғулланганлар¹. IX – XII асрларда Ўрта Осиёда, жумладан, Фарғона водийсида ҳам суғорма деҳқончиликка эътибор янада кучайди. Мураккаб суғориш иншоатларининг курилиши ва каналлар тармоқларининг кенгайиши суғориб экиладиган экин майдонларидан самарали фойдаланиш имконини берди. Бу давр Ўрта Осиёнинг бир қанча худудлари қаторида Фарғона водийси ҳам иқтисодий жиҳатдан ривожланган худудга айланди. Бу ҳолатни ўрта асрларда яшаб ўтган географлар, сайёҳлар ўз асарларида кўрсатиб ўтганлар. Масалан, араб сайёҳи Ёкут ал-Ҳамавий ўша даврда нафақат водийда, балки бутун Мовароуннаҳрда ерларнинг серҳосиллиги ва суғориш тизими ривожланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. Фарғона водийси хусусида Ёкут ал-Ҳамавийнинг “Мулжам ал – булдон” асарида шундай дейилади: “Фарғона мевага бой тоғлари кўп ўлкадир. Унинг чўзиқ тоғларида олма, узум, писта, бодом ва бошқа мевалар, турли хил хушбўй ўсимликлар гуллар, райхонлар кўпдир. Хушхаво, сермеваликда тенги йўқдир. У жуда кенг серкишлоқдир. Бундай серкишлоқ ўлка Мовароуннаҳрда йўқдир. Одам кўплигидан, экин ва чорванинг мўллигидан кишлоқлар кенгайиб катталашиб кетгандир”².

Амир Темур ва темурийлар даврида бутун Ўрта Осиёда бўлгани каби Фарғона водийсида ҳам деҳқончилик янада ривожланди. Чунки ўша даврда бошқа соҳалар каби деҳқончиликни ривожлантириш учун ҳам аниқ чора-тадбирлар ва қонунлар жорий қилинди. Масалан, ўша машҳур “Темур тузуқлари”да деҳқончиликнинг ривожини таъминлашга қаратилган қуйидаги

¹ Мусаев Н. Ўрта Осиё деҳқончилик маданияти ва аграр муносабатлар тарихидан (тош даврдан XX аср бошларига қадар) Тошкент. 2005 й. 164 – 174 бетлар.

² Ёкут ал-Ҳамавий-Мулжам ал-булдан. Пер. с араб. О. Б. Фроловой, Б. Вахобовой // МИСЦА X – XIX вв. – Ташкент, 1988. С. 84 – 97.

чора-тадбирлар белгиланган: “...амр этдимки, кимда ким бирор сахрони обод этса ва кориз курса, ё бирон боғ кўкартирса ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили қонун-қоидага мувофиқ хирож олсинлар”¹.

Йирик давлат арбоби ва мутафаккир Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур “Бобурнома” асарида ҳам водий деҳқончилигининг маҳаллий хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтирилган².

Шайбонийлар даврида ҳам деҳқончиликни ривожлантириш учун маълум ишлар амалга оширилди. Бу даврда Ўрта Осиёнинг кўпгина ҳудудларида катта-катта сув омборлари, тўғонлар қурилиб, суғориш ишлари тартибга солинди. Бироқ, шунга қарамай Шайбонийлар даврида деҳқончилик маданияти нисбатан қолоқлигича қолди. Кейинги Аштархонийлар даврида ҳам суғорма деҳқончиликда айтарли силжишлар бўлмади.

XVIII – XIX асрларда Фарғона водийсида юз берган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар. Хусусан, марказлашган давлат (Кўкон хонлиги)нинг ташкил топиши ва фаолияти, бир қатор суғориш иншоотлари барпо этилиши билан боғлиқ ҳолда деҳқончилик учун янги ерларнинг ўзлаштирилиши, қолаверса азалий чорвадор этнослар (қирғиз, турк, қипчоқ ва бошқалар)нинг жадал ўтроқлашиб, деҳқончиликка ўтиши натижасида водий аҳолисининг деҳқончилик хўжалиги, деҳқончилик маданияти ўз ривожланиш жараёнининг янги палласига кирди. Бу даврнинг хусусиятларидан яна бири шуки, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик водий аҳолисини айрим қишлоқларга ёки жамоаларга уюштириб қўйди. Бу қишлоқлар, асосан, сув манбалари ёки суғориш каналлари теварагига тўпланган эди³.

Кўриб чиқиладиган масала юзасидан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Фарғона водийси ҳам қадимдан Ўрта Осиёнинг деҳқончилик маданияти ривожланган ҳудудларидан бири бўлиб, бу ерда маҳаллий аҳоли ибтидоий даврдан бошлаб сунъий суғоришнинг энг оддий усулларини ўзлаштириб деҳқончилик

¹ Темури тузуқлари. – Тошкент, 1996. – 124- б.

² Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент, 1958. – 26 – 34- б.

³ Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан. – Тошкент, 1977. – 36 – 37- б.

қилганлар. Айнан деҳқончилик маданияти ва сунъий суғориш усуллари ривожланиши натижасида асрлар оша водийга хос бўлган сунъий суғориш тизими яратилган. Қолаверса, деҳқончилик маданиятининг водийга хос (локал) жиҳати шундаки, маҳаллий деҳқонлар ўзларининг кўп асрлик тажрибалари асосида тоғлардан водий томон жуда тез ва нишаб оқиб тушадиган, баъзида вайронгарчилик қудратига эга бўлган дарё сувларини мураккаб усулларни қўллаб, шу билан бирга жуда оддий ва мустаҳкам суғориш қурилмалари орқали ўзларига бўйсундирганлар. Бу эса водий деҳқончилиги тараққий этишдаги муҳим омиллардан бири эди.

1. 2. XIX аср охири – XX аср бошларида водийда деҳқончилик ҳолати: хўжалик-маданий анъаналарининг маҳаллий хусусиятлари

XIX асрда Ўрта Осиё минтақаси Россия империяси томонидан босиб олинган, Кўкон хонлиги ҳудудларида мустамлакачилар томонидан нафақат сиёсий соҳада, балки иқтисодий соҳада ҳам янги сиёсат юргизиладиган бошланди. Шубҳасиз, бу борада Россия империясини Ўрта Осиё, хусусан, Фарғона водийси биринчи навбатда ҳам ашё базасига айлантириш мақсадида қизиқтирар эди. Бу ҳақда К. К. Пален шундай ёзади: “Бу ўлка Россияга қўшилган кундан бошлаб рус ҳукумати икки томонлама: 1) молиявий сиёсат нуктаи назаридан империянинг даромад манбаи ва товарлар учун янги бозор сифатида; 2) мустамлакачилик сиёсати нуктаи назаридан ортиқча аҳолини жойлаштириш учун янги вилоят сифатида қизиқтиради”¹.

Айнан мазкур мулоҳазалар Россия империясининг ўлкадаги дастурил- амалига айланиши натижасида Империянинг ғарбий қисмларидаги рус деҳқонларини бу ерга кўчириб келиш сиёсати амалга ошириладиган бошлади. Кўчириб келинган деҳқонлар, асосан, маҳаллий деҳқонлардан тортиб олинган экин майдонлари ҳисобига ер билан таъминланган эди. Бу даврда биргина Фарғона вилоятида маҳаллий аҳолидан тортиб олинган экин майдонлари 75000 десятинани ташкил қилган².

¹ Пален К. К. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане / Приложение к отчету. – Спб., 1911. Ч. I. – С. 12.

² Бу ҳақда қаранг: Жемчужников Н. Н. Движение на Восток. – М., 1927. – С. 37.

Диққатга сазовор томони шундаки, бу даврда мустамлакачилар ўлкани бутунлай мустамлака қилиш мақсадида турли хўжалик тармоқларида, жумладан, қишлоқ хўжалигида ҳам ўз ҳукмронлигини ўрнатиш ва бошқарувни ўз кўлларига олишни мақсад қилиб олганлар. Қолаверса, улар, ҳатто, бу мақсадлари йўлида ер, сувга оид махсус қонунлар ишлаб чиқиб, уларни амалиётга татбиқ эта бошладилар. Аммо бу сиёсат рус сиёсатдонлари ўйлаганичалик осон иш эмас эди¹.

А. Аминов бу даврдаги мавжуд вазиятга баҳо бериб: “Ўрта Осиёда ер ва сув қонунларини яратиш билан боғлиқ масалалар Россия империясининг иқтисодий сиёсатидаги муҳим муаммоларидан бири бўлди қонунлар яратишда эса Россия империяси бутунлай нотўғри йўлдан кетди”,² - деб таъкидлаган эди. Олиб борилган сиёсат натижаси ўлароқ ўлкада, хусусан, Фарғона водийсида ҳам бозор муносабатлари ривожланди. Натижада товар – пул муносабатлари жонланиши, ер билан савдо қилиш, уни гаровга қўйиш, судхўрлик кучайди. Бу эса маълум даражада ерсиз деҳқонларнинг кўпайишига ва улар ёлланма ишчиларга айланишига, мардикорлик кучайишига олиб келди³. Бироқ, юқоридаги ўзгаришлар Фарғона водийсида ерларга ишлов бериш, экин экиш ва уларни парваришлаб, сунъий суғоришнинг анъанавий усулларида фойдаланиб деҳқончилик қилиш каби маҳаллий хусусиятларига жиддий таъсир кўрсата олмади. Зеро, водий деҳқонлари ўзларининг асрлар давомида тарих чиғиригидан ўтиб, синалган сунъий суғоришга асосланган ўзига хос маҳаллий деҳқончилик маданияти ҳамда этнолокал зироатчилик усул ва анъаналарини давом эттирар эдилар.

Юқорида таъкидланганидек, Фарғона водийси деҳқончилигида

¹ Бу даврда ер ва сувга оид бир қанча қонун лойиҳалари, қонунлар ишлаб чиқилиб амалга жорий қилинади. Ҳатто, Туркистон генерал-губернатори Кауфман ушбу қонунларни мукамал даражада бўлишини таъминлаш мақсадида ўлкага бир қатор Шарқ халқлари турмуш тарзи билан яқиндан таниш бўлган турли соҳа мутахассислари ва олимларни ҳам таклиф этади. Бироқ, бу уринишлар ҳам ҳеч қандай ижобий натижа бермайди. Яратилган қонунлар эса амалда ўзини деярли оқламайди. Бу ҳақда қаранг: Савицкий А. П. Поземельный вопрос в Туркестане. – Ташкент, 1963. – С. 4 – 5.

² Аминов А. М. Экономическое развитие Средней Азии (со второй половины XIX века до первой мировой войны). – Ташкент, 1959. Кн. 2. – С. 112.

³ Мусаев Н. Кўрсатилган асар. – 225 – 226.

қадимдан ерга сунъий ишлов беришга асосий эътибор қаратилган. Шу боис қадимданоқ минтақада деҳқончилик агротехникаси юксак даражада ривожланиб борган. Бу ҳолатга ўз даврида мутахасислар ҳам юқори баҳо берганлар¹.

XIX аср бошларида Фарғона водийсида ўтроқ ўзбек ва тожик деҳқонлари томонидан сунъий тарзда суғориладиган ерлар, асосан, Хўжабоқирғон, Исфара, Сўх, Шохимардон, Исфайрам, Аравон, Оқбўйра, Қуршоб, Қорадарё, Норин, Косонсой, Ашт каби дарё ва сой қирғоқларидаги деҳқончилик воҳаларида жойлашган ерлар бўлиб, бу ҳудудлар серҳосиллиги билан ажралиб турган².

Ушбу воҳаларда жойлашган қишлоқ аҳолиси, асосан, суғорма деҳқончилик билан машғул бўлган. Қишлоқ хўжалигининг поллизчилик ва боғдорчилик каби тармоқлари бу даврга келиб ўтроқ аҳоли орасида анча ривож топган эди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, узоқ вақт мобайнида юқорида кўрсатиб ўтилган деҳқончилик воҳалари сиёсий ва иқтисодий жиҳатидан бир-биридан алоҳида-алоҳида тарзда мавжуд бўлиб, одатда, у ердаги ер-мулклар маълум бир ўзига тўқ бой одамнинг хусусий мулки ҳисобланар, ишлаб чиқариш асосан ярим натурал характер касб этарди.

XIX аср охирида турли табиий-географик зоналарда жойлашган водий аҳолиси орасида иқтисодий ва маданий алоқалар авж олди. Ўтроқ деҳқон ва чорвадор аҳоли орасидаги ўзаро муносабатлар, хусусан, товар айирбошлаш янада кенгроқ кўламда ривожланди. Фарғона водийси энди яхлит бир иқтисодий-сиёсий ҳудудга айланди³.

Ўз навбатида шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Фарғона водийси ҳудудидаги ўтроқ ўзбеклар ва тожикларнинг асосий хўжалик тармоғини деҳқончилик ташкил этиши билан бирга ярим ўтроқ (яримкўчманчи) этник жамоалар хўжалиги биз ўрганаётган даврда ҳам чорвачиликдан деҳқончилик сари тараққий этишда давом этган. Албатта, бу уларнинг ўтроқлашув жараёни билан боғлиқ

¹ Миддендорф А. Очерки Ферганской долины. – Спб., 1872. – С. 12 – 103; Бродовский А. И. Заметки о земледелии в Самаркандском районе // Русский Туркестан. Сб. Вып. II. – М., 1872... – С. 233 – 261.

² Жалилов С. Кўрсатилган асар. – 30 – 45- б.

³ Батраков В. С. Характерные черты сельского хозяйства Ферганской долины в период Кокандского ханства // Труды САГУ. Нов. серия. Вып. 62. Гум. наук. Кн. 8. История. – Ташкент, 1955. – С. 113 – 114.

холда кечган. Водий худудидаги қирғиз, қипчоқ, қорақалпоқ, турк, қурама, юз ва шу каби яримкўчманчи (яримўтроқ) аҳолининг деҳқончилик хўжалигида тобора янгидан-янги қишлоқ хўжалик экинлари етиштирила борди¹.

Чунончи, XIX аср бошларида қирғиз, қипчоқлар кўпроқ лалми ерларда деҳқончилик қилиб, асосан тарик, буғдой, арпа каби дон экинларини етиштирган бўлсалар, шу асрнинг ўрталарига, айниқса аср охирларига келиб улар ўтроқ ўзбек, тожик деҳқонлари етиштирадиган кўплаб экинларни парваришлашни ўзлаштириб олганлар.

Умуман барча яримкўчманчи (яримўтроқ) аҳолининг суғориб деҳқончилик қиладиган ерлари XIX аср охири - XX асрнинг бошларига келиб сезиларли даражада кенгайган². Қолаверса, шубҳасиз, деҳқончилик билан шуғулланаётган қипчоқ, қирғизларнинг сони ҳам бирмунча ошган бўлиб, статистик маълумотларга кўра, XIX асрнинг 90- йилларида Фарғона вилоятида истикомат қиляётган қирғизларнинг 200 минг нафари ёки 65 фоизи ўтроқлашган бўлиб, улар асосан деҳқончилик билан шуғулланар эдилар³.

Фарғона водийси этнографиясининг билимдони В. Наливкиннинг ёзишича, водийда яшовчи қипчоқларда (қорақалпоқларда ҳам) ерга ишлов бериш билан оиланинг кичик аъзолари (ўғил ва кичик укалар) шуғулланганлар, оиланинг катта аъзолари (хусусан оила бошлиғининг ўзи) йилнинг ярмидан ортиқроқ вақти мобайнида чорва билан яйловда бўлганлар⁴.

Водийнинг шимоли-шарқий худудларида суғориладиган ерларнинг асосий қисмига пахта экила бошлангандан сўнг қипчоқлар водийнинг бошқа этник жамоалари каби ўз экин майдонларини деҳқончилик воҳалари атрофидаги ҳали ўзлаштирилмай ётган ерлар ҳисобига кенгайтириб бордилар. Тўғри, бу ерларда асосан баҳорикор экинлар экилар эди.

“Икки сув ораси” – Норин ва Қорадарё ўртасидаги худудларда жойлашган яшиқ, ўлмас, кулон, еттиқашқа каби қипчоқ уруғлари секин-аста суғориш тармоқларини барпо қилишиб, янги ерлар

¹ Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар... – 36 – 42- б.

² Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар... – 45 – 56- б.

³ Ежегодник Ферганской области. – Новый Маргилан. 1902. Т. I. – С. 5.

⁴ Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. – Казань, 1886. – С. 19.

ҳисобига деҳқончилик қилинадиган экин майдонларини кенгайтирганлар¹.

Фарғона водийси анъанавий деҳқончилигининг бу даврга хос этнолокал хусусиятлари борасида тўхталганда таъкидлаш жоизки, умуман минтақада деҳқончилик учун яроқли бўлган ер майдонлари икки турга ажралган. Яъни суғориладиган ер майдонлари, суғорилмайдиган ер майдонлари: суғориладиган ер майдонлари “сувли ер”, суғорилмайдиган ер майдонлари эса “лалми”, “баҳорикор ер” ёки “қайроқи ер” деб номланган. Водийнинг жанубий ва шарқий тоғолди ҳудудларида яшовчи ўзбек, қирғиз ва бошқа туркий тилли аҳоли ушбу атамадан кенг фойдаланганлар². Бу атама Қоратегин ва Дарвозлик тожикларга ҳам маълум бўлган³.

Водийда ерларга ишлов беришда икки усулдан фойдаланилган. Биринчи усулда, асосан, ҳосилдан бўшаган экин майдонларига дам берилган, иккинчисида эса экин майдони шудгор қилинган. Ҳар икки усул водийнинг турли жойларида турли номлар билан юритилган. Чунончи, Сўх туманида ерга дам бериш усули “Дам додан”, ерларни шудгорлаш усули эса, “Қора шудгор” деб юритилган⁴. Шудгорлаш ишлари куёш тақвими бўйича “ҳамал” ойининг кириб келиши билан бошланган бўлиб, ҳозирги ой календари бўйича бу 21 мартдан 21 апрелгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Экин майдонлари тупроқнинг хусусияти ва экилиши лозим бўлган экин турига қараб шудгор қилинган. Масалан, суғориб бўғдой ва арпа экиладиган далалар бир неча маротаба (ҳатто 8 – 12 маротаба) қайта-қайта шудгор қилинган. Суғорилмай деҳқончилик қилинадиган лалми ерлар эса фақат бир-икки маротаба шудгор қилинган, холос.

Лалми ерларда, асосан, бошоқли экинлар экилган. Бошоқли экинлар етиштириш билан кўпроқ ўтроқлашаётган, лалми ерлар атрофида чорвасини боқиб юрган яримкўчманчи (яримўтроқ) аҳоли шуғулланган. Улар томонидан бу жойларда асосан тарик, арпа, бўғдой сингариб бошоқли экинлар экилган. Дарҳақиқат, деҳқончилик

¹ Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан... – 37- б.

² Юдахин К. К. Киргизско-русский словарь. – М., 1905. – С. 320.

³ Таджик Каратегина и Дарваза. – Душанбе, 1966. Вып. 1. – С. 118.

⁴ Джаханов У. Земледелие таджиков долины Соха. – Душанбе, 1989. – С. 51 – 52.

учун янги ерларни ўзлаштиришда ушбу ўтроклашаётган чорвадор халқларнинг роли катта бўлган¹. Чунончи XIX аср охирларида водийда яримўтроқ ҳолда яшаган қирғизлар, қипчоқлар аксарият ҳолларда дарё ва сойларнинг қирғоқларига ҳамда булоқлар атрофига жойлашганлар ва ушбу сув манбаларидан ўзларининг унча катта бўлмаган экин майдонларини суғоришда ҳам фойдаланганлар. Уларнинг аксарият қисми шу жойларда ўтроклашиб, ўзларининг деҳқон хўжаликларини ташкил қилганлар. Этнограф олим У. С. Абдуллаевнинг таъкидлашича, водий ҳудудида қирғизлар ғуж жойлашган Қорабулоқ, Тўққизбулоқ, Сарибулоқ, Қизилбулоқ каби аҳоли манзилгоҳлари шу тарзда ташкил топган².

Юқорида таъкидланган биринчи усул, яъни ерга дам бериш усули, XIX аср охирларига келиб водийда деярли кам учраган. Чунки, аҳолининг ерга бўлган эҳтиёжи ортган сари бу усул йўқолиб борган. Бундай ерларни йил давомида ҳайдалмай қолдириш ҳолати кўпроқ сув кам бўлган йиллари ёки шудгорлаш учун имконият бўлмай қолганда юз берган³. Ерларга агротехник дам бериш, ҳосил юқори бўлиши билан характерланади. Шу боис, бу усул нафақат водийда, балки Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудлари деҳқончилигида ҳам қўлланилганлиги махсус адабиётлардан маълум⁴. Дам берилган ерлар йил давомида бегона ўтлардан тозаланмай, икки-уч бор шудгор қилинган. Бунга сабаб ёввойи тарзда ўсадиган ўсимликлар кейинги йил ҳосили учун асосий ўғит вазифасини ўтаган.

Водийдаги ўтроқ ўзбек ва тожик деҳқонлари ҳам Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидаги деҳқонлар каби ерларни ўғитлашга катта эътибор берганлар. Лекин бу ўринда шунини ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, XIX аср охири – XX аср бошларида аҳоли деҳқончиликда минерал ўғитлардан кенг фойдаланмаган. Бироқ, деҳқонлар томонидан асрлар мобайнида қўлланиб келинаётган ва тажрибадан ўтказилган усуллар билангина ерни ўғитлаш амалга оширилган. Бундай усуллардан бири экин майдонига эски пахса деворларнинг тупроқларини солиб ўғитлашдир. Бундай “ўғит”лаш усули

¹ Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX – XX аср бошлари). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 56 – 62- б.

² Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар... – 31 – 36- б.

³ Дала ёзувлари. Наманган вилояти, Косонсой тумани. Ровот қишлоғи. 2002 йил.

⁴ Муҳитдинов И. Земледелия Помирских таджиков Вахана и Ишкашима в начале XIX – XX вв. – М., 1975. – С. 68 – 69.

ижобий натижалар бериши ҳақида кўплаб муаллифлар асарларида эътироф этган¹. Бундай “ўғитлаш” усули водийнинг айрим худудларида “шўр” деб аталган².

Ерларни ўғитлашнинг бошқа бир усули – бу ерларга гўнг солиб ўғитлашдир. XIX аср охири – XX аср бошларида гўнг водий деҳқонлари учун асосий ўғит ҳисобланган³. Бу даврда аксарият ҳолларда ўтроқ аҳоли гўнгни водийнинг кўчманчи чорвадор ёки яримўтроқ аҳолисидан сотиб олганлар. Ўрганилаётган даврда Фарғона водийсида бир арава гўнгнинг нархи рус пулига 25 копейка тенг бўлган⁴. А. И. Шохназаровнинг маълумотига кўра эса бу даврда Фарғона шаҳарларига кўчманчи халқлар сотиш мақсадида гўнг олиб келганлар ва бир арава гўнгни рус пулига 10 – 15 копейкадан сотишган⁵.

Бундан ташқари ерни ўғитлашда “фекал”, яъни ипак курти ва турли қушлар ахлатидан ҳам фойдаланилган⁶. Ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун бошқа бир усулдан, яъни инсон соч толаларини, эски тери, жун ва бошқа маҳсулотларни компас қилиш – ерга кўмиб ўғитлаш усули ҳам қўлланилганлиги маълум⁷. Ўрганилаётган даврда экин майдонларини унумдорлигини оширишдан манфаатдор бўлган мустамлакачи ҳукумат томонидан ерларни сунъий ўғитлаш бўйича ҳам тажрибалар амалга оширилганлиги ҳақида малумотлар келтирилади⁸. Даврий миллий наш-

¹ Қаранг: Миддендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. – Спб., 1872. С. 148, 159, 160; Вирский М. В. Хлопководство и хлопковое промышленность Самаркандской области. – Самарканд, 1896. С. 89; Хорошхин А. П. Сборник статей, касающихся Туркестанского края. – Спб., 1876. – С. 247.

² Джаханов У. Земледелие таджиков долины Соха в конце XIX – начале XX в. – Душанбе, 1989. – С. 52 – 53.

³ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чуст, Косонсой, Норин туманлари, Фарғона вилояти Мархамат тумани. 2001 йил.

⁴ Қаранг: Миддендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. – Спб., 1882. – С. 157.

⁵ Шахназаров А. И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. – Спб., 1908. – С. 59.

⁶ Ершов Н. Н. Сельское хозяйство таджиков Ленинабадского района. – Сталинабад, 1960. – С. 78 – 80.

⁷ Ҳар хил чиқиндилар турли ахлат ва чириндиларни бир жойга тўплаб улардан ўғит ҳосил қилиш ва фойдаланиш Ўрта Осиё деҳқонлари томонидан қадимдан кашф қилинган бўлиб, ушбу ўғит тури айрим манбаларда “Нури” ёки “Пори” номлари билан келтирилади. М. Хасаний. Зироатнома. – Тошкент, 1991. – 15- б.

⁸ Гейер. Роль правительства в деле развития Туркестанского хлопководства//

рларда ҳам бу ҳақида турли ижобий фикр ва мулоҳазалар билдирилган¹

Водийда лалми ерларга жуда камдан-кам ҳолатлардагина ўғит солинган ёки бундай экин майдонлари умуман ўғитланмаган². Ерларни ўғитлаш, асосан, кеч куздан эрта баҳоргача давом этган. Фарғонанинг айрим ҳудудларида эса экин оралари-га, эгатларга ҳам гўнг солинарди. Ерга ишлов бериш Фарғона водийсида ҳосилни йиғиб олгандан кейин ҳам анча вақт давом этади. Ҳосил йиғиб олингач, ерлар шудгорланиб йирик марзалар олиниб, кеч кузга қадар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Шамсий таквимга кўра қавс (ноябрь) ойига бориб марзаларга сув тўлдирилиб, бу усул “яхоб” ёки “қовсоб” деб аталган. “Ях-об” – форс-тожикча сўз бўлиб, “совуксув” ёки бўлмаса “қавс-об”, яъни қавс ойида бериладиган сув деган маънони беради³. Ерга бундай ишлов бериш Фарғона водийси аҳолисида ҳозирда ҳам мавжуд. Бу деҳқончиликда катта аҳамият касб этади. Чунки, бу усул орқали биринчи навбатда ерларнинг шўри ювилган, иккинчидан эса тупроқдаги турли ҳашарот ва қурт-қумурсқалар йўқ қилиниб, кейинги йил ҳосилини турли заркунандалардан тозаланган⁴.

Ўрта Осиё халқларини ўрганган чилар ерга уруғ қадашнинг (сепишнинг) икки усули, яъни экинзор бўйлаб пиёда юриб ҳамда от устида ўтириболиб далага уруғ сепиш усули бўлган⁵. Ўрганилаётган даврда Фарғона водийсида юқоридаги биринчи усул, яъни пиёда юриб уруғ сепишнинг ҳам уч хил туридан фойдаланилган.

Биринчи усулдан, асосан, лалмикор ерларда фойдаланилиб, унга кўра экин майдонига уруғ сепилиб, сўнгра омоч ёрдамида шудгорланиб уруғ тупроқ остига кўмилган. Ушбу усулдан, асосан,

Украина 1891. №107

¹ Рауф Музаффарзода. Тупроқ надур//Садои Туркистон 1914. 14

² Дала ёзувлари. Косонсой, Фарғона, Марҳамат туманлари. 2002 й.

³ Дала ёзувлари Фарғона тумани Аввал қишлоғи Марҳамат тумани Ровот қишлоғи. 2003 йил.

⁴ Ерга ишлов беришнинг бундай усули деҳқончилик билан шуғулланувчи Озарбайжонларда ҳам учрайди. Ушбу усулни улар “чилла суви” (чилля сую) деб аташади. Қаранг: Джавадова Ю. Народный земледельческий календарь и метрология азербайджанцев в XIX – нач. XXв. // СЭ. 1984. – №3. – С. 113 – 130.

⁵ Абрамзон С. М. Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. – Л., 1971. – С. 104; Бежкович А. С. Историко-этнографические особенности киргизского земледелия... С. 50.

водийнинг тоғолди ва адирлик зоналаридаги аҳоли кўпроқ фойдаланар эди¹. Маълумки, бундай ерларга, асосан, бугдой сепилган. Бу усул водийнинг турли ҳудудларида турлича номлар билан юритилган. Чунончи Сўх туманида у “тухмгардон” ёки “пешумоч” деб аталган².

Иккинчи усулга кўра эса экин майдонлари икки-уч маротаба шудгорланиб, уруғ қадалгач яна такрор шудгорланиб, ишлов берилган. Ушбу усулдан водий деҳқонлари, асосан, кузги экин турларини экишда фойдаланишиб, бизнингча бундан кўзланган, асосий, мақсад уруғни тупрокнинг чуқурроқ қисмига қадаб, уни кишда қушлар еб кетишини олдини олиш бўлган³.

Учинчи усулда эса экин майдони икки-уч маротаба шудгорланиб, сўнгра уруғ сепилгач, орқасидан мола орқали уруғ кўмилган⁴. Лалми ерларда эса уруғни кўмиш учун, одатда, жуда содда тарзда, дарахт шохларини хомага боғлаш йўли билан тайёрланган шохмолалардан фойдаланилган. Ушбу усулда уруғ қадаш, водийнинг ярим ўтроқ ва яримкўчманчи аҳолиси томонидан кўпроқ қўлланилган⁵.

Юқорида таъкидланганидек, водийда отларда юриб ҳам уруғ сепилган бўлиб, ушбу усулдан ярим кўчманчи турмуш тарзига эга бўлган қирғиз, қипчоқ, қурама, турк этник гуруҳлари фойдаланишган. Бироқ, XX аср бошларига келиб эса ушбу усул юқорида номлари келтирилган этник гуруҳларда ҳам кам қўлланилган⁶.

Фарғона водийсида ерга экин экиш, асосан, икки мавсумда амалга оширилган. Улардан биринчиси, баҳорги экин экиш мавсуми бўлиб, бу ҳамал-савр (март-апрель) ойларида амалга оширилган. Ушбу мавсум водийнинг турли ҳудудларида об-ҳавонинг қандай келишига қараб 10 – 15 кун фарқи билан амалга оширилган. Чунончи, тоғолди ҳудудларда экин мавсуми асосан, ҳамал

¹ Дала ёзувлари. Марҳамат, Фарғона, туманлари, Ровот, Қўрғонтепа қишлоқлари. 2002 йил.

² Джаханов У. Земледелие таджиков долины... – С. 54 – 55.

³ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Қува тумани, Толмозор қишлоғи. 2001 йил.

⁴ Ушбу усул водийнинг айрим туманларида “Пешмола” усули деб ҳам юритилган.

⁵ Абдуллаев У. С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. – Тошкент, 2005. – 44 – 45- б.

⁶ Дала ёзувлари. Косонсой тумани Ободон қишлоғи.

ойининг ўрталарида (апрель ойида) бошланган¹. Шу ўринда қайд этиш лозимки, водийнинг тоғли ва тоғ олди ҳудудлари бўлган Фарғона туманининг Миндон, Чимён қишлоқларида ҳосилни тезроқ етиштириш мақсадида айрим экин турлари кўчат сифатида ёпиқ жойларда тайёрлаб олиниб, сўнгра экин майдонига ўтказилган. Масалан, ўша даврда жуда кўп етиштирилган ва аҳоли томонидан турли мақсадларда кенг фойдаланилган жўхори (шевада “жувари”) ўсимлиги юқорида қайд этилган қишлоқларда шу тарзда экилган. Фарғона водийсининг бошқа текислик ва чўл ҳудудларида эса бу усул қўлланилмаган. Бу эса водийнинг ҳар бир ҳудудида ўзига хос экин экиш ва парваришлаш усуллари мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Ерга уруғ қадашнинг иккинчи мавсуми сунбула, мезон (сентябрь-октябрь) ойларида амалга оширилиб, ушбу мавсумда, асосан, бошоқли экинлар экилган.

Юқорида келтирилган икки мавсумдан ташқари, водийда яна Шамсий тақвим ҳисобига кўра “қавс” (ноябрь-декабрь) оyi охирида ҳам экин экилган. Бу мавсумда, асосан, ерга буғдой сепилиб, у халқ орасида “тўқсонбости” экини деб юритилган. Ушбу мавсумнинг бундай номланишига тўхталадиган бўлсак, бизнингча, унга турли хил фикр билдириш мумкин.

Биринчидан, бизга маълумки, маҳаллий тақвимга кўра худди шу мавсумда, яъни “қавс” ойида “қишки тўқсон” бошланади. Юқоридаги ном эса худди шу давр билан боғлангани ҳолда, халқ орасида, “тўқсон бости” ёки “тўқсонда босилган”, яъни экилганини англатиб туриши учун шу ном билан юритилган бўлиши мумкин.

Иккинчидан, эса ушбу ном даставвал “тўқсонбости” эмас, балки “тўқсонбоши” (яъни тўқсоннинг бошланишида экилган маъносида) деб юритилган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Кекса ахборотчиларнинг маълумот беришларича, ерга уруғ қадашда уруғнинг миқдорига ҳам катта эътибор берилган². Бу тупроқ таркибининг ҳар хиллиги билан боғлиқ бўлган. Масалан, унумдор тупроқли экин майдонига озроқ уруғ сепилса ҳам, унинг ҳосили яхши бўлган. Чунки, у ерда буғдой уруғи яхши “чайлаган”,

¹ Дала ёзувлари. Наманган вилояти. Чуст тумани, Ғовасой қишлоғи. 2002 йил.

² Оғирлик ўлчов бирликлари ҳақида батафсил қаранг: Суюн Қораев. Ўрта Осиёнинг қадимий ўлчов бирликлари // Ёшлик. 1990. – №1. – 42 – 43- б.

яъни кўпроқ бошоқ чиқарган. Масалан, водийнинг Марҳамат туманида 1 таноп (0, 20 га), 4 – 5 пуд (80 кг) буғдой уруғи сепилган, бундан 35 – 40 пуд (560 – 640 кг) ҳосил йиғиб олинган¹. Ерга уруғ қадашни ўз вақтида амалга ошириш катта аҳамиятга эга бўлган. Чунки буғдой уруғи қанча эрта ва ўз вақтида ерга қадалса, у шунчалик кўпроқ ва яхшироқ илдиз отиб, тупроқка ўрнашади. Бу эса ўз вақтида унинг бир уядан кўпроқ бошоқ чиқаришига ва буғдой навдалари бакувват бўлишига ҳамда ҳосил сифати ва миқдорига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Масалан, агар, кузги буғдой сунбула (сентябрь) ойида экилган бўлса, ушбу буғдойнинг битта бошоғида 82 – 85 дона буғдой бўлган. Мезон (октябрь) ойида экилган бўлса, унда бир дона буғдой бошоғида 40 – 45 дона буғдой донаси бўлган². Баҳорнинг ҳамал (март) ойида экилган буғдой бошоғида 35 – 40 та ҳосил бўлса, савр (апрель) ойида экилган буғдой бошоғида эса 10 – 15 та ҳосил бўлган, холос.

Водийда ҳам Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби экин майдонига уруғ экишда ернинг унумдорлигига алоҳида эътибор берилган. Наманган вилояти Чуст тумани Дам қишлоғидаги тошлоқ ерларга, одатда, кўпроқ уруғ сепилган, тупроқли серунум майдонларига эса унга нисбатан озроқ миқдорда уруғ қадалган. Лалми ерларга бунга нисбатан ҳам уруғ оз сепилган ва бундай майдонларда ҳосил миқдори об-ҳавонинг қандай келишига боғлиқ бўлган. Фарғона водийсида бошоқли экинлардан ташқари деярли барча экин турлари дастлаб жўяк олиниб, сўнг эгат оралаб юриб уялаб экилган. Бундай усулда экиладиган экин турларига чигит, жўхори, тарик кабиларни киритиш мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, нафақат Фарғона водийсида, балки Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида ҳам сунъий суғоришнинг ўзига хос тартиб- қоидалари ва усуллари мавжуд бўлиб, унинг тарихий илдизлари жуда узоқ даврларга бориб тақалади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Фарғона водийсида бўлиб, уни илмий тадқиқ этган бир қатор россиялик мутахассислар маҳаллий деҳқонларнинг касб маҳоратлари ва сунъий суғоришнинг асрлар давомида шаклланган барча усулларини амалиётда

¹ Дала ёзувлари. Андижон вилояти, Марҳамат тумани, Равот қишлоғи. 2001 йил.

² Дала ёзувлари. Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Қўрғонтепа қишлоғи. 2001 йил.

қўлланилаётганини кўриб, унга юқори баҳо берганлар. Жумладан, XIX аср охирида Фарғона водийси ирригациясини тадқиқ қилган А. Миддендорф: “Аввало, биз минг йиллар ичида синалган, тажриба ютуқларига бой бўлган ерликларга шогирд тушмоғимиз лозим”¹, – деб ёзган бўлса, Фарғона водийсида узок вақт яшаган бошқа бир мутахассис В. И. Кушелевский ҳам водийдаги сунъий суғоришни таърифлаб, “Техника билими жиҳатидан саводли бўлмаган кишилар тик адирли жойлардан қандай қилиб ўз далаларига сув олиб бора олганларига таажжубланмай бўлмайди, бу ишларнинг барчаси нивелировка билимисиз, асбобсиз бажарилгани кишини ғоятда хайратда қолдиради”², – деган эди.

Шу ўринда рус олими В. В. Радловнинг нафақат Фарғона водийси, балки бутун Туркистон деҳқонларига берган куйидаги эътирофи ҳам эътиборга молик: “Бу ердаги суғориш системаси – техникавий мўъжиза, ҳатто бундай кашфиётларни ҳақиқий муҳандис-ирригатор олимларимиз ҳам ўйлаб топиши амри маҳол. Бу ишларни кўриб хайрон қоласиз ва оддий ўзбек деҳқонининг илмий билимларсиз ҳам шундай меҳнати туфайли яратган сув иншоатлари ва суғориш усулларини кўриб, офарин дейсиз”³.

Фарғона водийси аҳолиси суғориш каналлари ҳамда ариқлар орқали сув чиқаришда ўзига хос “анъанавий нивелировка” усулларини қўллаганлар, албатта. А. Ф. Миддендорфнинг ўзи бу борада куйидаги маълумотни келтирган эди: “Бир киши мўлжалланган канал йўналиши бўйлаб бошини сув оқадиган томонга қилиб чалқанчасига ётган, кейин кўзи иллаган жойгача ерни белгилаб олиб, ўша нуқтагача аввал кичик ҳажмда ариқ чиқарилган, шу равишда секин-аста бўлғуси канал йўналиши белгилаб олинган. Бу жуда оддий бўлиб туюлса ҳам, кўз соққасини ҳаракатга келтирадиган мускуллар фаолиятининг одам чалқанча ётгандаги ҳолати физиологик жиҳатдан текширилганда маънодан ҳоли эмас”⁴.

Фарғона водийсида дарё ёки сойлардан биринчи ажралиб чиққан

¹ Миддендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. – Спб., 1882. – С. 186.

² Кушелевский В. И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. – Новый Маргелан, 1890. – С. 67.

³ Радлов В. В., Мелиоранский П. М. Средняя Зерафшанская долина // ЗИРГО. – Спб., 1880. Т. 6. – С. 1 – 66.

⁴ Миддендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. – Спб., 1882. – С. 181.

сув тармоғи “эна ариқ”¹ деб номланган. Ундан сув “шоҳ ариққа” олинган ва ушбу ариқдан сув даханаларга берилган. Улардан эса ерга ўтиб “ўқариқ”лар орқали “жўяк”ларга тарқалган.

Фарғона водийсида XIX аср охири – XX аср бошларида канал қазишнинг ўзига хос тартиб-қоидаларига амал қилинган. Канал йўналиши аниқлангандан сўнг, ушбу ишга ариқ сувидан манфатдор бўлган туманлар аҳолиси жалб қилинган. Туманлар эса ўз навбатида ишни қишлоқ жамоаларига бўлиб берган. Бу ташкилий усул водийда “таксим” усули деб юритилган².

Суғориш тизимларини тозалаш, қазиш ҳамда таъмирлашда Фарғона водийси аҳолиси орасида яна “пайшикан” усули ҳам мавжуд бўлиб, унинг жануби-шарқий туманларида бу усул “поишком”³ деб ҳам юритилган. Ушбу одатга кўра, янги қазилаётган ёки тозаланаётган ариқ қайси туман ҳудудидан ўтса, ўша ернинг маҳаллий аҳолисининг ҳар бир хонадонидан маълум вақтга биттадан “кетмончи” ишчи олинган. Кетмончининг озик-овқати ва иш қуроли ўз ҳисобидан бўлган. Манбаларда келтирилишича, XIX асрнинг биринчи чорагида қазилган йирик каналлар учун Умархон буйруғи билан ҳар бир хонадондан озик-овқати ва иш қуроли билан 15 кун муддатга бир ишчи олинган⁴. “Пайшикан” терминига тўхталадиган бўлсак, у икки хил маънони англатиб, икки сўз бирикмасидан ташкил топган. Яъни “пай” сўзи дарёдан ажралиб чиққан ариққа нисбатан қўлланилса, “шикон” деб дарё сувини тўсиш учун қурилган сунъий тўғонларга, ёки дамбаларга нисбатан ишлатилган. “Пайшикон” фақат суғориш тизимларинигина қазиш, таъмирлаш, тозалаш учун уюштириладиган хашар тури бўлиб, бунга ўхшаш одатлар Ўзбекистоннинг бошқа деҳқончилик ҳудудларида ҳам учраб, улар турли номлар билан юритилган⁵.

Фарғона водийсида XIX аср охири – XX аср бошларида қишлоқ

¹ Дала ёзувлари. Вндижон вилояти, Марҳамат тумани, Ровот қишлоғи. 2002 йил.

² Қаранг: Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан. – Тошкент, 1977. – 52 – 53- б.

³ Бироқ Н. Абдулхамидовнинг таъкидлашича, поишком алоҳида хашар тури бўлиб, унда фақат майда ариқлар ёки иккинчи даражали суғориш тизимлари тозаланган. Қаранг: Абдулхамидов А. Кўрсатилган асар. – 154 – 155- б.

⁴ // Туркестанское ведомости. 1880. – №24.

⁵ Ғуломов Я. Ғ. Кўрсатилган асар. 1957. – 264- б.

жамоасининг аҳоли ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги роли катта бўлган. Қишлоқ жамоаси нафақат ариқ ва каналлар қозишда, балки барча ишларни бажаришда бош-қош эди. Минтақадаги қишлоқ жамоаларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида бир неча муаллифлар маълумотлар бериб ўтишган¹.

Фарғонанинг суғорилиш тарихи билан шуғулланган С. Жалиловнинг таъкидлашича, XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғона водийсининг суғорма деҳқончиликка асосланган ҳудудларида “сепоя” тўғонлари кенг қўлланилган. Водий суғориш тизимларининг барча бош тўғон ва дамбалари, асосан, “сепоя” ва “фашинадан” (ўлик) иборат бўлган². “Сепоя” сўзи “уч оёк” маъносини билдириб, водийнинг айрим туманларида эса “учамак” деб ҳам аталган.

Водийда сувнинг энг катта ўлчов бирлиги “тегирмон”³ ҳамда “тош”⁴ деб юритилиб, у секундига 200 литр миқдорида оқиб ўтган сув ҳажмига тенг бўлган⁵. Бир тегирмон сув 5 кулоққа, баъзи туманларда, масалан, Чуст тумани атрофларида 4 кулоққа бўлинган⁶. Бир кулоқ сув эса бир кеча-кундузда 10 – 15 танобгача ерни суғориш мумкин бўлган сув миқдоридир⁷.

Водийнинг айрим ҳудудларида сув ўлчашнинг “вақт” усули ҳам кенг қўлланилиб, бунга кўра ариқ суви вақт бўйича ўзаро тақсимлаб олинган. Бундан ташқари сувни назорат қилишда ман-

¹ Қаранг: Абдураимов М. Пережитки сельской общины Хумсан XIX – нач. XX век // СЭ. 1959. – №4. – С. 84; Рассудова Р. Я. К истории сельской общины в Средней Азии во второй половине XIX – нач. XX века // СЭ. 1971. – №1. – С. 43 – 52; Рассудова Р. Следы общинно-военной организации у узбеков // СЭ. 1968. – №5. – С. 111 – 116. Рассудова Р. Я. Значение термина “Кош” в некоторых земледельческих районах Средней Азии в XIX – нач. XX века. // СЭ. 1974. №6. – С. 78 – 86; Абдулхамидов А. Общинные традиции в орошаемом земледелии дореволюционного Узбекистана (XIX – нач. XX в.) // СЭ. 1987. – №2. – С. 34 – 38; Хақлиев В. Б. XIX аср охири – XX аср биринчи чоракларида Фарғона водийсида қишлоқ жамоаси // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 1997. – №3 – 2. – 85 – 91-б.

² Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан. – Тошкент, 1977. – 52 – 53-б.

³ Дала ёзувлари. Марҳамат тумани, Ровот қишлоғи. 2001 й.

⁴ Дала ёзувлари. Фарғона тумани, Қўрғонтепа қишлоғи. 2002 й.

⁵ Миддендорф А. Кўрсатилган асар. – Б. 23.

⁶ Дала ёзувлари. Чуст тумани, Ғова қишлоғи. 2002 й.

⁷ Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа. – Ташкент, 1974. – С. 181.

фаатдор одамлар оқаётган сувнинг кўринадиган жойига тош ташлаб қўйган ва шу тошга қараб сувнинг қандай оқаётганини назорат қилиб туришган¹.

Шунингдек, водий суғориш тизимида сувни тақсимлаш учун оддий техникавий усуллардан ҳам фойдаланилган. Масалан, Чуст, Фарғона туманлари атрофидаги қишлоқларда ўртаси 1 кулоқ ёки 1 дахана сувга мослаштириб ўйилган махсус ёғоч қолип ишлатилган. Қайси ариққа сув тақсимланса, қолип ана шу ариққа олиб бориб ўрнатилган. Ушбу қолип водийнинг туман ва қишлоқларида “тахта қувур” деб ҳам юритилган².

Фарғона водийсининг шарқий туманларида сув танқис бўлган йиллари “лабгардон” усули қўлланилган³. Бу усулга кўра сувни тенг тақсимлаш учун ариқ боши тахта ёки қаватлаб терилган ходалар билан тўсилган. Ариқ оғзига қўйилган ходаларнинг тепа қисми эса маълум миқдорда сув ўтадиган қилиб кертilib, сув ана шу жойдан оқиб тушган. Мазкур усул икки-уч ариқнинг сув олиш боши бир жойда бўлганда, тақсимланаётган сув бир хилда оқиб ўтиши учун ва сув ўлчашни осонлаштириш мақсадида қўлланилган⁴. Ушбу усул водийнинг айрим ҳудудларида, хусусан, Сўх туманида “чентахта” ёки “шеркунда” деб юритилса, Фарбий Фарғонанинг бошқа ҳудудларида “Қувур” деб ҳам аталган⁵. Бу хилдаги сув тақсимловчи мослама Зарафшон дарёсининг қуйи оқимларида жойлашган деҳқончилик туманларида ҳам амалда бўлиб, у маҳаллий тилда “кунда” деб аталган⁶.

Шунингдек, водийнинг жануби-шарқий ҳудудларида суғориш, асосан, навбат қويدаси билан уюштирилиб, бу усул “аврон” усули деб юритилган⁷. “Аврон” қоидасига мувофиқ сув олиш навбати турлича бўлиб, унга кўра навбатлар ариқлар ўртасида, қишлоқлар ўртасида, хўжаликлар ўртасида, тақсимланган ёки вақтга, яъни даврий навбатга қараб белгиланган. Суғориш аврон қоидаси

¹ Дала ёзувлари. Марҳамат тумани, Ровот қишлоғи. 2002 й.

² Дала ёзувлари. Чуст, Фарғона туманлари. 2002 й.

³ Дала ёзувлари. Андижон вилояти Марҳамат тумани, Ровот қишлоғи. 2001 й.

⁴ Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан. – Тошкент, 1977. – 56 – 57- б.

⁵ Джахонов У. Кўрсатилган асар. – 42 – 43- б.

⁶ Муҳаммаджонов А. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. – Тошкент: Фан, 1972. – 292- б.

⁷ Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан. – 56 – 57- б.

бўйича навбатма-навбат бир давра айланиб чиқса, бу “бир давра” дейилган. Водийнинг Қорадарёдан сув чиқадиغان ҳудудларида навбат тўрт даврага давом этган бўлса, кам сувли тизимлар бўлган, Исфайрам ва Шоҳимардонсойларда навбат икки давра давом этган, холос¹.

Ахборотчиларнинг маълумот беришларича, ҳар бир давранинг халқ орасида ўз номланиши бўлиб, унинг биринчиси “терақ” суви, иккинчиси “тут” суви деб юритилган². Ушбу кам сувли тизимларда ерни суғоришда “зигзак” усулидан ҳам фойдаланилиб³, бу усулдан водийнинг Косонсой ва Ғовасой дарёларидан сув ичадиган ҳудудларда яшовчи аҳоли кўпроқ фойдаланган⁴.

Суғоришнинг иккинчи даврасининг охирига бориб музликлар эриши билан дарё сувлари кўпайгач аврон қоидаси билан суғориш тугалланиб, “қадриҳисса” усули қўлланилган⁵. Бунга кўра, ҳар бир ариқдан сув ичадиган ерларнинг миқдорига қараб сув тақсимлаб қўйилиб, бу кеч кузгача давом этган, эрта баҳордан эса яна аврон қоидасига амал қилинган.

Фарғона водийсида сув танқис бўлган йиллари барча ўрнатилган тартиб-қоидага қатъий амал қилган. Ҳар навбат ўрталарида сув берилмаган ариқларга истеъмол учун “оғиз суви”⁶ ёки “хўр оба”⁷ суви ўтказиб турилган, холос. Водийда ўша даврларда агар ер сотиладиган бўлса ҳам, ернинг ярми сув ҳуқуқи билан қўшиб сотилган⁸.

Фарғона водийси суғориш тизимида асосий ишни мироббоши, кўкбоши ҳамда ариққоқсоқоллари каби лавозимдаги кишилар бажаришган. Уларнинг қўл остиларида эса ўнлаб, юзлаб мироблар фаолият кўрсатганлар. Миробликка халқ орасидан обрўли ҳамда баққуват кишилар сайланган.

Мироббоши ва кўкбошилар, асосан, йирик сув тизимлари бўлган

¹ Қаранг: Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан. – 58 – 59- б.

² Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Фарғона тумани, Қўрғонтепа қиш-лоғи. 2002 й.

³ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Фарғона тумани, Миндон қишлоғи. 2002 й.

⁴ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани, Ровот қишлоғи. 2002 й.

⁵ Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан. – 59 – 60- б.

⁶ Дала ёзувлари. Андижон вилояти Марҳамат тумани, Ровот қишлоғи. 2001 й.

⁷ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Фарғона тумани, Хонқиз қишлоғи. 2002 й.

⁸ Дала ёзувлари. Андижон вилояти Марҳамат тумани, Юкори Ровот қишлоғи. 2001 й.

дарёлар ҳамда каналларни назорат қилишса, мироблар ушбу сув манбаларидан ажралиб чиққан “шоҳ ариқ” ҳамда “эна ариқ” деб юритилувчи суғориш тизимларини бошқаришган. Манбаларда таъкидланишича, XIX аср охирида Қўқон уездининг ўзидагина 600 га яқин мироб фаолият кўрсатган. Водий бўйича эса улар бир неча минг нафарни ташкил қилган¹.

Миробларга давлат томонидан ҳеч қандай маош белгиланмаган. Улар анъанвий одатларга кўра деҳқонлардан ёки сувдан фойдаланувчилардан, асосан, натура ҳисобида ҳақ олганлар. Ушбу тўлов халқ орасида “мироб ҳақи, миробона, капсан” деб юритилган. Ушбу тўловлар сувдан фойдаланувчининг экин майдонига, экин турига қараб турлича ҳажмда олинган. Айрим манбаларда келтирилишича, Ғовасой суғориш тизимида фаолият юритувчи мироблар ҳақи ер майдони ва экин турига қараб аниқ белгиланган бўлиб, унга кўра ҳар бир мироб меҳнати эвазига йил мобайнида 5 чорак жўхори (400 кг), 5 чорак маккажўхори, 3 чорак буғдой, 2 чорак пахта миқдорида ҳақ олган². Айрим қишлоқларда мироб ҳақини “Сув беги” деб аталувчи уларнинг ёрдамчилари йиғиб олганлар. Ушбу мироб ёрдамчилари ҳам халқ томонидан сайланган. XX аср бошларига келиб мироблар меҳнат ҳақи эвазига деҳқонлардан пул ҳам ола бошлайдилар. Айрим маълумотларда келтирилишича, мироб ҳақи эвазига ҳар бир оиладан ўша давр рус пулига 10 копеекдан 1 рублгача миқдорида пул олинган³.

Бундан ташқари водийнинг айрим қишлоқларида ҳар суғориш навбати келганида миробга бир ёки ярим қулоқ сув ошириб берилган, мироб эса уни бирор кишига сотган⁴. Мироб ҳақини тўлиқ бериш халқ орасида одат тусига кирган. Айрим туманларда мироб ҳақи ўзаро йиғилиб, унинг уйига элтиб берилган⁵. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, XIX аср охирига келиб, мустамлака ҳукумат ер ва сувга оид қонунлар чиқариб, унга кўра юқоридаги сув мутахассисларига маош ҳам белгиланади, аммо бу қонун амалда ўзини оқламайди. Ўша даврда сунъий суғориш билан боғлиқ масалалар

¹ Миддендорф А. Ф. Кўрсатилган асар. – 171 – 173- б.

² Абдулҳамидов А. Кўрсатилган асар. – 102 – 103- б.

³ Орошение // Среднеазиатская жизнь. 1906. 15 июл. – №59.

⁴ Дала ёзувлари. Фарғона тумани, Қўрғонтепа қишлоғи. 2002 й.

⁵ Ғуломов Я. Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Тошкент, 1959. – 278- б.

даврий матбуотда ҳам кенг ёритилиб, турли доиралардаги бахс мунозараларга сабаб бўлади¹

Юқоридаги суғориш усулларидан ташқари, Фарғона водийсининг айрим шимолий худудларида экинларни сув билан таъминлашда “кориз”, яъни ер- ости сувларидан ҳам кенг фойдаланилган². Наманган вилояти Чортоқ туманининг тоғолди кишлоқларида ўрганилаётган даврда бу усул кенг қўлланилган. Унга кўра, 5 – 6 газ чуқурликда ҳамда 20 – 25 қадам масофада тепадан пастга томон унга яқин қудуқлар қазилган. Ушбу қудуқлар ер ости орқали бир-бири билан туташган бўлиб, энг паст қисмидаги қудуқлардан сув олинган. Ушбу қудуқларнинг айримлари ҳозиргача сақланган бўлиб, маҳаллий аҳоли уни “Тўйчивойнинг қудуғи”, “Болтавойнинг қудуғи” номлари билан атайдилар. Бу усулда ерларни суғориш Ўрта Осиё деҳқончилигида қадимдан қўлланилиб келинган бўлиб, айниқса бу Нурота, Жиззах туманларида кенг оммалашган. Жиззахда бу усул “Галақудуқ” номи билан юритилган³. Ушбу усуллардан ташқари водийда яна “чархпалак” ёрдамида экинзорларни суғориш мавжуд бўлган. Аммо бу усул фақат катта-катта ариқлар қирғоғига қурилиб, унча катта бўлмаган экин майдонларини суғоришда кенг фойдаланилган⁴. Ўрганилаётган даврда сунъий суғориш соҳасида ҳам Туркистонга хусусан водийга ҳам оз

¹ Неблагоустройство нашей ирригации //ТВ – 1906 – №35, 36; Несколько слов об ирригации //ТВ – 1906 – №43; Петровский П. Как делит воду ? //ТВ – 1907 – №27; К обычай у туземцев пользованием водой из ариков//ТВ 1909 №105; К проектам орошения в Туркестане //ТВ – 1910 – №120; Организация Туркестанского водного правление // ТВ – 1910 – №148; Гинс Г. Каково должно быт начало будущего водного закона для Туркестана ? //ТВ – 1910- №162; Гинс Г. Будущий водный закон и современное обычное право туземцев Туркестана //ТВ – 1910 – №162; Шунингдек ўша даврда сунъий суғориш соҳасида амалга оширилган ишлар ҳақида қаранг:Зиёев Х. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида Тошкент. Шарқ 2006. 52 – 71- бетлар.

² Коризлар ҳақида батафсил қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент, 2003. 5- т. 41- б; Қосимов Й. Наманган воҳасининг суғорилиши тарихидан. – Тошкент, 1988. – 20- б; Сулаймонова Х. Деҳқончилик маданиятининг ривожда коризларнинг ўрни // Яхё Ғуломов номидаги илмий семинар 37- йиғилиш материаллари. – Тошкент, 2006. – 151 – 153- б.

³ Азиатская Россия. – Спб., 1914. Т. 2. – С. 237.

⁴ Лекин бу усулда ерларни суғориш Хоразм деҳқончилигида жуда оммалашган бўлиб, бу ерда у “Чигир” деб юритилган. Айрим манбаларда келтирилишича, Хоразмда “Чигир”нинг ҳам алоҳида Пири бўлган. Бу ҳақда батафсил қаранг: Ғуломов Я. Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихидан. – Тошкент, 1957. – 112 – 123-б.

бўлсада янги технологиялар кириб келади. Бунга нефт билан ишлайдиган, “Шимунск” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, соатига 11 минг литр сув бериб, 350 десятинагача экин майдонларини суғорадиган сув насосларини олишимиз мумкин. Бундай насосларга эндиликда маҳаллий тадбиркорлар ҳам эғалик қила бошлайдилар¹.

Водийларнинг юқорида таништириб ўтилган суғориш тартиби ва усуллари асрлар давомида ўзига хос тажрибалар асосида такомиллашиб борган. Бундай тартиб-қоидалар ва усуллар орқали водийда сувнинг ҳар бир томчисидан оқилона фойдаланишга эришилган. Лекин кейинчалик, айниқса шўролар даврида бундай усулларга эътибор берилмаслик, халқ тажрибаларидан фойдаланмаслик оқибатида муайян экологик муаммолар хавфи пайдо бўлган.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, Фарғона водийсида қадим даврлардан ўзига хос суғорма деҳқончилик маданияти ривожланган. Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, XIX аср охири – XX аср бошларида водий аҳолиси томондан ўзининг чуқур илдизига эга бўлган деҳқончилик анъаналари давом эттирилган. Ушбу деҳқончилик маданияти водийнинг турли, табиий-географик зоналарида яни тоғ олди, адирлик, текистлик ҳудудларида ўзига хос, яъни ўша ҳудуднинг иқлими, рельефи, тупроғи ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шаклланган. Ушбу локал хусусиятлар деҳқончиликнинг барча юмушларида яъни экин майдонларига ишлов беришда, экин экишда ва уни парваришлашни экин турларини суғоришда маҳаллий аҳоли томонидан ҳисобга олинган. Хусусан водийнинг тоғолди ҳудудларида экин экиш унинг текистлик қисмига қараганда 15 – 20 кун кечроқ амалга оширилган. Бундан ташқари, водийнинг тоғолди ва адирлик ҳудудларида лалми деҳқончилик кенгрок ривожланган бўлиб, бундай ерлардан, асосан, бошоқли экинлар етиштиришда кўпроқ фойдаланилган. Ушбу ҳудудларда сунъий суғоришнинг ҳам ўзига хос усуллари мавжуд бўлиб, масалан, бу ҳудудларда экинларни суғоришда “зигзаг” усулидан кенг фойдаланилган. Ўрганилаётган даврда ушбу ҳудудларда деҳқончилик, асосан, водийнинг ярим ўтроқ, ёки ярим кўчманчи аҳолиси томонидан амалга оширилган. Ушбу этносларнинг деҳқончилик билан шуғуллана бошлаши, улар-

¹ Евич. Пионеры машинного орошения земель в Туркестане // ТВ – 1910- №72

нинг ўтроқлашиш жараёнига ҳам таъсир кўрсатиб, уни тезлаштиради. Дастлаб, бундай аҳоли томонидан деҳқончилик экстенсив тарзда амалга оширилган бўлса, кейинчалик водийнинг текислик ҳудудида яшовчи ўтроқ аҳолининг таъсири туфайли у интенсиф аҳамият касб эта бошлайди.

XIX аср охири – XX аср бошларига келиб водийнинг текислик ҳудудида қадимдан ўтроқ турмуш тарзида яшовчи ўзбеклар ва тожикларда унинг қолган ҳудудларига қараганда деҳқончилик анча яхши ривожланган эди. Ушбу ҳудудларда аҳоли томонидан ерларга ишлов бериш ўғитлаш экиннинг ҳосилдор навларини етиштириш ва парвариш қилишга катта эътибор берилган. Бундай ҳудудларда экин майдонлари танқис бўлганлиги боис маҳаллий аҳоли ҳосилдорликни ошириш мақсадида бор имкониятларини ишга солган. Улар, айниқса ерларга ишлов бериш ва ўғитлашга катта эътибор беришган. XX аср бошларига келиб эса ўтроқ аҳоли томонидан янгидан-янги экин турлари ҳам етиштирила бошланди. Бу даврда водийнинг текислик ҳудудларида полиз экинлари, боғдорчилик ва пахтачилик ҳам ривожлана борди.

Деҳқончиликнинг водийда бундай ривожланиши у билан боғлиқ бўлган ҳунармандчиликнинг ҳам янада ривожланишига замин яратди. Водийда ҳунармандчиликнинг темирчилик, дурадгорлик, йикчилик каби соҳалари кенгайиб, ушбу ҳунар усталари водий аҳолисини деҳқончилик меҳнат қуроллари билан таъминлашда муҳим ўринни эгаллаган.

1. 3. Маҳаллий экин турлари: анъанавийлик ва трансформацион жараёнлар

Маълумки, Фарғона водийсида қадим даврлардан бошлаб бугдойнинг хилма-хил навлари етиштирилган. Бу бугдой навлари ўзининг сифати ва серҳосиллиги билан ажралиб турган¹.

¹ Удачин Р. А., Шахмедов И. Ш. Пшеница в Средней Азии. – Ташкент, 1984. – С. 56 – 69; Пшеница Мира. – Л., 1987. – С. 121 – 134; ЎзМЭ. 2- т. 2001. – 327 – 328- б; Навроцкая Е. Л. К изучению пшениц Ферганской области // Туркестанское сельское хозяйство. 1915. – №6. – С. 146 – 151; Қурбонов Г. Қ., Умарова М. М. Ўзбекистонда ғаллачиликнинг тарихи // Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар. – Тошкент, 2006. – 122 – 127- б.

XIX аср охир – XX аср бошларида Фарғона водийси аҳолисининг анъанавий декончилигида экин турлари жуда хилма-хил бўлган. Хусусан, водийда буғдой асосий экин тури ҳисобланиб, ундан ташқари арпа, жўхори, маккажўхори, тарик, шоли, мош, лавия, кунжут, каноп, пахта, беда; полиз экинларидан қовун, тарвуз, сабзи, пиёз, лавлаги, бодринг, қовоқ етиштирилган¹.

Ўрганилаётган даврда водийда буғдойнинг, асосан, “оқ буғдой”, “қизил буғдой”, “қорамокдар” ёки “қорақилтирик”² каби навлари етиштирилиб, ушбу навлар бир-биридан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турган. Масалан, “оқ буғдой” ҳосилидан тайёрланган ун жуда мазали бўлган бўлса, “қизил буғдой” нави эса серҳосиллиги билан ажралиб турган. Айни пайтда унинг поясида боғлиқ сифатида ҳам фойдаланилган. “Қорамокдор” буғдой нави ҳам водийда кенг тарқалган бўлиб, у серҳосил ва жуда тўйимли ҳисобланган. Фарғона вилояти Фарғона тумани Қўрғонтепа кишлоғи ҳудудида бу даврда буғдойнинг юқорида номлари зикр қилинган навларидан ташқари “туя тиш” ёки “туя-тўш” ҳамда фақат лалми ерларга экиладиган “Луччак” (бизнингча бу лайлак Лалми) навли буғдойлар ҳам етиштирилган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “Луччак” навли буғдой кўпроқ нонвойлар томонидан харид қилинган. Чунки, ушбу буғдой унидан тайёрланган нон чиройли, ширин ва тўйимли бўлган³.

Юқоридаги маълумотларга шуни қўшимча қилиш мумкинки, водийда кенг миқёсида экилган “луччак” ва “туя тиш” навлари қадимий Турон буғдойи (фанда у *T. turanicum* деб юритилади) навлари турига мансуб бўлиб, ҳақиқатан ҳам ушбу буғдой унидан аъло сифатли нон ва нон маҳсулотлари тайёрланган⁴. Шу ўринда

¹ Арифханова З. Х. Растительность Ферганской долины. – Ташкент, 1967. – С. 252 – 288. Дробов В. П. Очерк растительности западной части Ферганской долины // Бюллетен САГУ. – Ташкент, 1925. Вып. 10. – С. 51 – 71.

² Бу навлар ҳақида батафсил қаранг: Наливкин В. // ТВ 1881г. №18. Ершов Н. Н. Сельское хозяйство таджиков... – С. 132 – 133. “Оқ буғдой” навини водий тожиклари “Гандуми сафедак” деб аташса, фанда у “*Sgraecum amylosun Flaks*” деб юритилган; “Қизил буғдой” нави эса фанда “*erythrospermum*” деб юритилса, водий тожиклари уни “Гандуми сурхак” номи билан аташган; “Қорамокдор” нави эса фанда “*spsendoturicum*” деб юритилиб, водий тожиклари уни “Гандуми сиёхсук” деб аташган.

³ Дала ёзувлари. Фарғона тумани, Қўрғонтепа кишлоғи. 2002 й.

⁴ Қурбонов Г. Қ., Умарова М. М. Ўзбекистонда ғаллачилик тарихи. – 125- б.

таъкидлаш жоизки, бугдойнинг турли навлари туркий қавмлар томонидан қадимдан етиштирилган бўлиб, уни қадимий туркийлар “Бугдај”, “Будғај” шаклларида талаффуз қилганлар¹.

Водийда бошоқли экиннинг яна бир тури – арпанинг ҳам бир неча навлари етиштирилган². Улардан “Оқ арпа” ёки “Шолиарпа” нави, асосан, суғорилмайдиган лалми ерларда кўпроқ экилган. Арпанинг бошқа бир “Қорамокдор арпа” деб номланувчи нави ҳам водийда кенг тарқалган. Ушбу навнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг ичи қора кукунли бўлган. Булардан ташқари маълумотларда келтирилишича, водийда арпанинг “Шашпар”, “Шашқирра” (яъни олтиқиррали) деб юритилувчи нави ҳам мавжуд бўлиб, ушбу навнинг Тожикистоннинг Матчо воҳасида етиштирилувчи арпа нави билан боғлиқлиги бўлган³. Арпа экилганда ҳосилни кўпайтириш учун кўпроқ суғорилган. Арпа ҳосилидан водийда кўпроқ отларни озиклантиришда фойдаланилган⁴.

Шоли ҳам водийда асосий қишлоқ хўжалик экин тури ҳисобланиб, ундан тайёрланадиган гуруч маҳаллий аҳолининг асосий озик-овқат маҳсулоти ҳисобланган. Шу боис маҳаллий деҳқонлар ушбу бошоқли экин турини етиштиришга имкон борича ҳаракат қилишган. Албатта, шоли етиштириш дарё ва сой қирғоқларида амалга оширилган⁵. Чунончи бу даврда водийда шолининг ҳам хилма-хил навлари етиштирилган. Унинг энг яхши нави “арпа шоли” ёки “девзира” ҳисобланган. Айнан бундай турдаги шолининг тузилиши оқ ва йирик донали бўлиб, у бу навдан олинган гуручдан кўпроқ палов тайёрлашда фойдаланилган. Шолининг яна бир нави бу “полвон гуруч” деб номланиб, ундан йирик донли, кўп миқдорда сув талаб қиладиган гуруч олинган⁶.

“Қизил шоли” деб номланган туридан кўпроқ суёқ таомлар тайёрлашда фойдаланилган. Чунки, ундан олинган гуруч юмшоқ бўлган.

Юқорида таъкидланганидек, шоли асосан дарё ва сойларнинг ўзига хос қирғоқларида етиштирилган. Уни етиштиришда бир қатор

¹ Махмуд Қошғарий. Девони луғотит турк. – Тошкент, 1963. III – т. – 257- б.

² Арпа навлари ҳақида батафсил қаранг: Наливкин В. // ТВ 1880. – №18; Ершов Н. Н. Сельское хозяйство таджиков... – С. 133.

³ Ершов Н. Кўрсатилган асар. – 134- б.

⁴ Дала ёзувлари. Андижон вилояти, Марҳамат тумани, Ровот қишлоғи. 2001 й.

⁵ Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар... – 48 – 53- б.

⁶ Дала ёзувлари. Фарғона тумани, Миндон қишлоғи. 2002 й.

усуллар қўлланилган. Шоли экишда маҳаллий деҳқонлар экин майдонини кузда 1 – 2 маротаба шудгорлаб, яхоб суви берилгач, бутун киш фасли давомида шу ҳолда қолдиришган. Эрта баҳорда эса ушбу экин майдони яна икки-уч маротаба такроран шудгорлаб, турли ҳажмларда “пол” қилиб чиққан¹. Полнинг атрофлари марзалар қилиниб ўраб чиқилгач, улар сувга тўлдирилиб, “лой омооч”² орқали яна бир бор сув ичида шудгорланган. Сўнгра уруғ сепилгач, сихмола билан сўнгги бора ишлов берилган. Уруғ сепилгандан сўнг 15 – 20 кун ўтиб “пол”ларга тўлдирилган сув чиқариб юборилиб, шу ҳолда бир ҳафта қолдирилган. Бундан мақсад эса энди униб чиққан майсаларнинг яхшироқ ривожланишини таъминлаш бўлган. Бир ҳафтадан сўнг полларга қайта сув тўлдирилиб, биринчи ўтоқ амалга оширилган. Шундан сўнг икки ҳафта ўтгач, поллардаги сув чиқарилиб юборилган. Бундан кўзланган мақсад ўсимлик илдизлари яхши ўрнашиб олишини таъминлаш бўлган. Сўнгра поллар яна сувга тўлдирилиб, то шоли пишгунига қадар парвариш қилиниб, турли бегона ўтлардан тозалаб турилган³. Ҳосил пишиб етилгач, “пол”лардаги сувлар чиқариб ташланиб, қуритилган шундан сўнггина уни ўриб-йиғиб олиш ишлари бошлаб юборилган.

XIX асрнинг ўрталарига келиб бошоқли экинлар ичида жўхори етиштириш бирмунча ривожланган, ҳатто водийнинг текислик қисмида у буғдойга нисбатан кўпроқ экилган. Жўхорининг дунёда 50 га яқин нави мавжуд бўлиб, унинг Ўзбекистонда кенг тарқалган навлари фанда, “Сорго джугара-Соргум цернум” деб номланувчи жўхори оиласига мансубдир. Ушбу навлар маҳаллий тилда “қирқ ойлик” ёки “матхоир”, “катта бош”, “бой жувон” ёки “бойда уруш”, “калта пойча”, “қизил жуган”, “оқ жўхори”, “балхи жўхори”, “хўраки жўхори” каби атамалар билан маълум бўлган⁴. Жўхорининг кўпроқ майдонларга экилишини, аввало, унинг бу даврда камбағал аҳоли учун асосий озиқ-овқат маҳсулотидан бирига айланиб қолганлиги билан изоҳлаш мумкин⁵.

¹ “Пол” – шоли экини учун тайёрланиб, ичига сув тўлдириладиган турли ҳажмдаги экин майдонлари.

² Ушбу меҳнат қуроли ҳақида ишнинг кейинги бобида батафсил маълумот бериб ўтамиз.

³ Дала ёзувлари. Норин тумани, Кемабоши маҳалласи. 2002 й.

⁴ Қаранг: Балашев Н., Белов А. Кукуруза и Сорго. – Ташкент, 1955. – С. 40 – 45.

⁵ Миддендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. – Спб., 1882. – С. 242, 261; Наливкин В. Очерки земледелия в Наманганском уезде // ТВ. 1880. – №11 – 29.

Водийда жўхорининг ҳар хил навлари етиштирилган. Хусусан, энг кўп экилган жўхори навлари бу “оқ жўхори” “хўраки жўхори”, “бойда уруш жўхори”, “балхи жўхори” ҳисобланган¹.

Жўхорининг водийда кўпроқ етиштириладиган нави – бу “хўраки жўхори” бўлиб, у бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлган, чунончи унинг пояси жуда ширин ва сувли бўлган. Ушбу жўхори навининг дони эса йирик ва думалоқ шаклда бўлиб, ҳосилидан турли хил таомлар тайёрланган. Юқоридагилардан ташқари водийда жўхорининг “Балхи жўхори” деб номланувчи тури ҳам мавжуд бўлган. Юқорида келтирилган жўхори навларининг барча турлари водийда, асосан, баҳор фаслида эгат ораларига уялаб экилган.

Бироқ ушбу экин тури водийнинг бир қатор ҳудудларида такрорий экин сифатида етиштирилган. Бундай экин сифатида жўхорининг кўпроқ “хўраки жўхори” нави экилган. Такрорий экин сифатида экиладиган жўхори кўпроқ кўчат ҳолатида ўтқазилган. Жўхори кўчатлари тайёрлаш учун ҳали бугдой ўрилмасдан, унинг уруғи озроқ экин майдонига сепиб қўйилган. Униб чиққан жўхори поясининг бирор қарич (8 – 10 см) қисми қолдирилиб, унинг устки қисми кесиб ташланган. Бундан асосий мақсад эса ҳосилни тўлиқ пишириб олиш бўлган.

Водийда кенг тарқалган ўсимлик туридан яна бири – бу маккажўхоридир. Водийда унинг “оқ маккажўхори”, “қизилмаккажўхори” ва “сарикмаккажўхори” навлари етиштирилган. XX аср бошларига келиб водийда маккажўхорининг 60 га яқин нави синовдан ўтказилиб, унинг турли хил дурагай навлари яратилган². Ушбу экин тури жуда ҳосилдор ҳисобланган. А. Ф. Миддендорф маълумотига қараганда, бу навлар экилган ҳар бир десятинадан 200 – 300 пуд ҳосил йиғиб олинган³.

Фарғона водийси деҳқончилигида “тариқ” ўсимлиги ҳам етиштирилиб, унинг “оқ тариқ”, “қизил тариқ” деб аталувчи навлари мавжуд бўлган. Ушбу ўсимликдан бир мавсумда икки мартаба ҳосил олиш мумкин бўлганлиги боис, ушбу экин тури кўп

¹ Дала ёзувлари. Кува тумани, Толмазор қишлоғи. 2002 й.

² Балашев Н. Н. Кукуруза в 1924 – 1929 гг. // Труды Узбекстанской опытной станции садоводство и огородничество имени Р. Р. Шрейдера. – Ташкент, 1930. Вып. XI. – С. 102 – 108.

³ Қаранг: Миддендорф А. Ф. Ўша асар. – 158 – 160- б.

қолларда бұғдой ёки арпа ҳосили йиғиштириб олингач, такрорий экин сифатида экилган. Тариқ ўсимлиги водий деҳқончилигида қадимдан етиштирилиши ва унинг бу ҳудуд деҳқончилигида муҳим ўрин тутганини археологик маълумотлар ҳам тасдиқлайди¹. Шу билан бирга ушбу ўсимлик номи “Девону луғотит турк” асарида ҳам бир неча бор зикр қилинган бўлиб, унда ёзилишича, қадимда туркий халқларда “тариқ” сўзи барча бошоқли экинларга нисбатан қўлланилган. Масалан, дон эқувчи деҳқонга нисбатан “тариғчи”² дон экиладиган экин майдонида ҳамда дон омборига нисбатан “тариғлиғ”³ сўзларининг қўлланилиши бунинг исботидир. Бундан ташқари юқоридаги асарда тариқ “ўкўр”, “қонақ”⁴ унинг қипиғи эса “қавуқ”⁵ деб аталиши ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, XIX аср охири – XX аср ўрталарида водийда тариқ ўсимлиги билан биргаликда унга ўхшаш бўлган “Қўноқ” ўсимлиги ҳам етиштирилган. Айрим адабиётларда у “итальян тариғи” (итальянское просо) деб ҳам қайд этилади⁶. Демак, бизнингча, юқоридаги асарда ушбу ўсимликни 2 хил номланиши бежиз эмас.

Водийда кузги экинлардан кейин экиладиган яна бир такрорий экин тури - бу мош ўсимлиги (*Phaseolus Mungo* L) бўлиб, у ишловни кам талаб қилгани ҳолда бир маротаба суғорилган ва уч ойда пишган.

Водий аҳолиси ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида зиғир (*carthamus tinctorius*) ва кунжут (*Sesamum orientale* L) ўсимликларини ҳам етиштирганлар. Зиғир эрта баҳорда аниқроғи хут ойида (февраль ойининг охириларида) экилиб, водийда унинг уч хил нави етиштирилган. Хусусан, “қора зиғир”, “сарик зиғир” ва “қизил зиғирлар” шулар жумласидандир⁷. Зиғирнинг ҳосили йиғиб олингач, поясидан ҳайвонлар учун озуқа сифатида фойдаланилган. Ҳосилдорлик эса турли табиий-географик ҳудудларда турлича бўлган. Масалан, Сох туманида зиғир экилган майдоннинг 1 десятинасидан 50 – 70 пуд ҳосил олиш мумкин бўлган⁸.

¹ Бу ҳақда (олдинги параграфда) маълумот келтирилган.

² Девону луғотит турк. III – т. – 260- б.

³ Махмуд Қошғарий. Ўша асар. I – т. – 457 – 460- б.

⁴ Махмуд Қошғарий. Ўша асар. I – т. – 88 – 365- б.

⁵ Махмуд Қошғарий. Ўша асар. III – т. – 179- б.

⁶ Ершов Н. Н. Кўрсатилган асар... – 132 – 133- б.

⁷ Наливкин В. П. Пшеница // Туркестанские ведомости. – 1880. – №21.

⁸ Джаханов У. Земледелие таджиков долины Соха в конце XIX – начале XX в. – С. 64 – 65.

Водийда ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида етиштириладиган экинлардан яна бири – бу кунжут (*Sesamum orientale*) ўсимлигидир. Ушбу ўсимлик водийда, асосан, суғориладиган ерларда етиштирилиб, у баҳор фаслининг ҳамал (март) ойида экилиб, сунбула (август) ойида йиғиштириб олинган. Аммо ушбу ўсимликнинг ҳосилдорлиги анча паст бўлган. Бу экин тури нафақат водийда, балки Ўрта Осиёда ҳам кенг тарқалганлигини Маҳмуд Қошғарий асарида унинг номи бир неча бор тилга олинганлигидан ҳам билиш мумкин¹. Булардан ташқари водийда дуккакли ўсимликлардан Ловия (фасол)² ўсимликлари ҳам етиштирилган.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, юқорида келтирилган экин турларининг айримларининг Ўрта Осиё ҳудудида маданийлашганини Н. И. Вавилов ўз асарларида қайд этган. Шунингдек, олим бошқа турдаги ўсимликларнинг ҳам келиб чиқиши ва маданийлашишини ҳамда дунё бўйлаб тарқалиши хусусида турли илмий изланишлар олиб бориб, ушбу илмий изланишлар натижасида ўз хулосаларини баён қилган³.

Шубҳасиз, юқорида таъкидлаганимиздек XIX аср охирига келиб Ўрта Осиёда бўлиб ўтган сиёсий ўзгаришлар, водийнинг иқтисодий ижтимоий ҳаётига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Ўша даврдаги мустамлакачи ҳукумат Туркистонда хусусан, Фарғона водийсида пахтанинг кўпроқ етиштирилишидан манфаатдор эдилар⁴.

Ўрта Осиёда пахтачилик тарихи ҳақида тўхталадиган бўлсак, шуни қайд этиш мумкинки ушбу ўсимликни ўлкада пайдо бўлиш тарихи жуда узоқ даврларга бориб тақалади. Манбаларда хусусан Маҳмуд Қошғарий асарида пахта “jun”, у экилади-

¹ Девону луготит турк асарида “Кунжут” ўсимлиги қадимдан туркий қабилаларнинг айримларида “кўч оғўр” баъзиларида эса “Тана” деб юритилгани қайд этилади. Қошғарий М. Кўрсатилган асар. – Тошкент, Т. I. – 88- б, Т. III, – 132 – 254- б.

² Маҳмуд Қошғарий асарида “Ловия” ўсимлиги “Бурчак” номи билан тилга олинади. I – т. – 433- б.

³ Вавилов Н. И. Центры происхождения культурных растений // Труды института по прикладной батаники и селекции (основаны Р. Э. Регелем) – Л., 1926. Т. XVI. Вып. 2. – С. 133 – 138.

⁴ Бу ҳақда батафсил қаранг: Зиёев Х. Ўзбекистон пахтачилиги тарихидан. – Тошкент: Фан, 1980. Б. 32. Ўша муаллиф. Чоризм ва пахта якка хокимлиги // Шарқ юлдузи. 1991. – №5. – 171- б;

ган майдон эса “кэбазлік” деб юритилиши қайд этилган¹. Пахта ўсимлиги Ўрта Осиёнинг қадимий ўсимлик тури эканлигини шарқшунос олим В. В. Бартольд ҳам тасдиқлаб, хитойликлар ҳам ушбу ўсимликни илк бора Ўрта Осиёда учратишганини ва унинг эронча номини ўзлаштирган бўлиши мумкинлигини тахмин қилади². Археолог Ю. А. Заднепровский эса олимнинг бу тахминига В. И. Спришевский³ ва С. Ю. Рожановскийларнинг⁴ водийнинг қадимий манзилгоҳларидан топилган топилмалари асос бўлиши мумкинлигини таъкидлайди⁵. Юқоридаги маълумотлардан ташқари қадимги Хитой сайёҳларининг айримлари ҳам ўзларининг ёдномаларида Фарғона водийсида пахта етиштирилишини қайд этганлар. Хусусан, Хитой сайёҳи Хой Чао водийда пахта етиштирилишини қайд этган бўлса⁶, бошқа бир хитойлик муаллифнинг ёзишича, Фарғона ҳукмдори Шарқий Цин сулоласи императори Ши Лю га пахта матоларидан жўнатган⁷.

XIX аср охири – XX аср бошларига келиб Россия империяси чиновниклари ўлкада ғалла майдонлари камайтирилиши натижасида озик-овқатнинг қимматлашишини ҳисобга олмай, биринчи галда Марказий Россиядаги тўқимачилик саноат корхоналарини хом ашё билан таъминлаш мақсадида пахтачиликни ривожлантиришга киришдилар. Буни Россия империясининг чиновниги А. И. Кривойшен тасдиқлаб шундай ёзган эди: “Туркистоннинг ҳар бир ортиқча пуд пахтасининг Америка пахтаси билан рақобат қилиши учун, ўлкага қимматбаҳо бўлса ҳам, четдан ғалла келтириб бериш ва ғалла экиладиган ерларни пахта учун бўшатиш зарур”⁸.

Россия Туркистонни босиб олгунга қадар водийдаги умумий

¹ Махмуд Қошғарий. Кўрсатилган асар. I – т, - Б. 464; Т. III. – 373- б.

² Бартольд. В. В. Сочинения. 1924. Т. II. – С. 144.

³ Спришевский В. И. Некоторые находки из мугхона в собрании Музея истории // ТМИ УзССР. 1956. Вып. 3. – С. 53 – 74.

⁴ Рожановский. С. Ю. Природа растительных остатков из погребальных сооружений Ферганы первых веков нашей эры // ТМИ УзССР. Вып. 3. – С. 75 – 80.

⁵ Заднепровский Ю. А. Древнеземледельческая культура Ферганы. – С. 178 – 179.

⁶ Бернштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао... – С. 193; Гафуров Б. Таджики. Кн. 1. – Душанбе, 1989. С. 369.

⁷ Литвинский Б. А. Горное дело. Ремесло // Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. – М., 1995. – С. 7 – 91.

⁸ Кривошейн А. И. Записка главноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край в 1912 г. – Спб., 1912. – С. 7.

пахта майдони 50 минг десятина бўлиб, экиладиган пахта навларидан, асосан, уч хили - Тошкент - Қўқон, Бухоро ва Хива пахта навлари етиштирилди. Булар орасида Хива нави бошқаларга қараганда анча сифатли ҳисобланган. Юқорида номлари келтирилган пахта навларидан ташқари Фарғона водийсида “сўзани” ҳамда “малла ғўза” навлари ҳам етиштирилиб, ушбу пахталар уч чанокли бўлганлиги ва яхши очилмаганлиги учун дастлаб кўраги билан узиб олиниб, сўнгра пахтаси ажратилган¹. Калта толали бундай пахталардан маҳаллий хунармандлар бўз, олача, қалами ва бошқа шунга ўхшаш тўқимачилик буюмларини ишлаб чиқаришган.

Фарғона водийсида ҳосилдорликни кўтаришдан манфаатдор бўлган рус сармоядорлари Ўрта Осиёга Миср, Америка ва бошқа мамлакатлардан пахта уруғи олиб келиб тажриба сифатида экишни бошлайдилар. 1870 йилда “Сea-Исланд” уруғи экилади. Лекин бу нав ўзини оқламагач, 1879 йилда Америкадан “Упланд” навли пахта уруғи олиб келиб экилади ва у тез орада ҳудуд бўйлаб кенг ёйилди. Бу нав маҳаллий халқлар орасида “Америкони пахта” деб ном олади². Ушбу пахтанинг ҳар бир чаноғида олти-тўққизтадан чигити бўлган ҳолда, толаси бошқа навларга нисбатан анча узун бўлган³. Дарҳақиқат, 1879 йили Фарғона водийсида (Андижонда) Америкадан келтирилган янги пахта нави қатор жиҳатлари билан аввал экилиб келинаётган навлардан устун эди. Аҳоли аста-секин ушбу пахта навини етиштиришни ўзлаштирди. Умуман бу даврда Туркистонда пахтанинг янги навларини етиштириш ва ушбу навларни маҳаллий аҳоли орасида тарғиб қилиш бўйича кўплаб ишлар қилинди. Ушбу фаолият эса даврий нашрларда доимий ёритиб борилган⁴. Водийда пахта етиштириш янада кенг кўлам олди ва кўплаб бошоқли экинлар экиладиган, суғориладиган ер майдон-

¹ Дала ёзувлари. Косонсой тумани, Ровот қишлоғи. 2002 й.

² Дала ёзувлари. Фарғона тумани, Қўрғонтепа қишлоғи. 2001 й.

³ Дала ёзувлари. Фарғона тумани, Чимён қишлоғи. 2001 й.

⁴ Бу ҳақда қаранг: Бродовский М. Среднеазиатский хлопок, его недостатки и меры к устранению их // ТВ – 1874 – №4; Самолевский В. Сельскохозяйственные заметки // ТВ – 1879 – №2; Он же. Возделывание американского хлопчатника в Туркестанском крае // ТВ – 1888 – №39. 40; Смирнова. Е. Т. Заметки о возделывании американского хлопчатника // ТВ – 1891 – №28, 29, 30, 31.; ”Пахтанинг умумий ҳосили” // Туркистон вилоятининг газети – 1910 – №4; “Туркистонда пахтачилик” // Туркистон вилоятининг газети – 1910 – №14; ”Ўзанинг янги навлари” // Туркистон вилоятининг газети – 1885 – №3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.

ларида етиштирила бошлади. Натижада водийнинг баъзи бир хуудларидаги суғориладиган ерларнинг 60 ва, ҳатто, 80 фоизига-ча янги пахта нави экила бошлади¹. Шу тариқа водийда пахтачилик ривожланиб бориб охир оқибат монополия даражасига етди.

Дарҳақиқат, бу даврда пахтачилик водийдаги жуда кўплаб этносларнинг, хусусан хўжалик йўналиши азалдан чорвачиликка асосланган. Ўрганилаётган даврда ўтроклашиб, деҳқончилик билан шуғилланаётган қипчоқ, турк, қирғиз ва қорақалпоқ каби этник жамоалар экин майдонларининг ҳам катта қисмини банд қилган эди. Буни қуйидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди; 1897 йилда Фарғона водийсида рўйхатга олинган 11056 нафар қорақалпоқдан 10199 нафари, яъни 92 фоизга яқини деҳқончилик ҳисобига яшаган². Водийда пахта етиштириш жадал суръатлар билан ўсиб бориши оқибатида барча этник жамоаларда юз бергани каби қорақалпоқ деҳқонлари хўжалигида ҳам пахта асосий кишлоқ хўжалик экинига айланди. Қорақалпоқларнинг асосий гуруҳлари жойлашган Андижон уездининг Норин, Олтинкўл ва Балиқчи; Қўқон уездининг Қорақалпоқ ва Қипчоқ; Марғилон уездининг Шахрихон ва Ёзёвон; Наманган уездининг Кепин ва Қирғизкўрғон волостларида пахтачилик жадал суръатлар билан ривожланди³.

Фарғона водийсида XIX аср охири – XX аср бошларига келиб полизчилик ҳам ўзига хос тарзда ривожланиб, тарвуз, ковун, бодринг, ошқовоқ, пиёз, қалампир, сабзи, шолғом, турп, қизилча каби экинларнинг турли навлари етиштирилар эди⁴.

Тарвуз савр (апрель) ойида экилиб, сунбула (август) ойида йиғиштириб олинган. Водий ўзбеклари тарвузнинг “чини тарвуз”, “қоратарвуз”, “олачипор тарвуз”, “қўзибой тарвуз” каби навларини етиштирган. XX аср бошларига келиб эса Россиядан Ўрта Осиёга йўл-йўл ола пўчоқли катта “Астрахан” ва майда уруғли “Камишинский” навлари келтирилиб етиштирила бошлади. Ушбу

¹ Деминов А. П. Экономические очерки хлопководства, хлопковой торговли и промышленности Туркестана. – М., 1926. – С. 56.

² Первая всеобщая перепись населения Российской империи. – Спб., 1905. Т. 89. Табл. XXII. – С. 122 – 123.

³ Толстова Л. С. Каракалпаки Ферганской долины... – С. 59.

⁴ Полиз экинлари ҳақида батафсил қаранг: Бородай С. П. Бахчеводство в Узбекистане. – Ташкент: Гос. изд. 1960. – С. 14 – 18; Ермохин В. Н. Дыни Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1974. – С. 32 – 38; Балашев Н. Н. Бахчеводство. – Ташкент. 1976. – С. 26 – 52.

полиз экини водийда жуда ҳам қадрланган. У маҳаллий табобатда малҳам сифатида ҳам қўлланилган. Маҳаллий кекса отахонларнинг нақл қилишича, бу полиз экинининг номи аслида тарвуз эмас, балки “дардбуз” (яъни дардни бузадиган, даволайдиган) эмиш ва кўп ҳасталикларга шифо бўлар экан.

Полиз экинларининг яна бири – бу қовун бўлиб, у савр (апрель) ойида экилган. Водийда унинг “Окқовун”, “Босволди”, “Бўрикалла”, “Амир қовун”, “Чилги хандалак”, “Кўкча хандалак”, “Барги нозик”, “Кўқон хандалак” каби навлари мавжуд бўлган¹. Қовун ҳам қадимий полиз экини сифатида етиштирилиб, у туркийларда “қағун” ёки “хојўнак” номлари билан юритилган². Ушбу полиз экини ҳам халқ орасида яхши қадрланган. Унинг таркибида дармон дориларнинг кўплиги ва инсон организмга фойдали эканлигини водийликлар жуда яхши билишган. Фарғона водийси аҳолиси қадимдан полиз экинларининг миришқори бўлганлигини З. Бобур ҳам ўз асарида алоҳида такидлаган.

XX аср бошларида водий анъанавий деҳқончилигида экилган экинлардан яна бири – пиёз бўлиб, унинг водийда “қизил пиёз ёки Самарқанд пиёзи”, “оқ пиёз ёки Андижон пиёзи”, “нокпиёз ёки кулча пиёз” ҳамда “Марғилон пиёзи ёки тухум пиёз” каби навлари етиштирилган³. Пиёзни экишда икки-уч бора шудгорланиб сўнг текислангач, уруғ сепилиб, унинг яхши аралашishi учун устидан хаскашда яхшилаб ишлов берилган. Орадан 7 – 10 кун ўтиб экин суғорилган, пиёз пишгунга қадар икки-уч маротаба ўтоқ қилинган⁴.

Сабзининг эса водийда уч хил нави етиштирилиб, улар “қизил сабзи”, “оқ сабзи”⁵ ва “сарик сабзи”⁶ деб юритилган. Сабзи уруғини экишдан аввал, у майин тупроқ билан яхшилаб аралаштирилган ва бир-бирига ёпишиб қолмаслиги учун озроқ ўсимлик

¹ Дала ёзувлари. Марҳамат тумани, Ровот қишлоғи. 2002 й.

² Маҳмуд Қошғарий. Кўрсатилган асар. I – т. Б. 388 – 450.

³ Балашев Н. Н. Малораспространенные овощные культуры. – Ташкент: Гос. изд. 1957. – С. 17 – 22.

⁴ “Девону луғотит турк” асарида қадимда туркий қабилалар пиёзни соғун (ёки соған), “Кучғунда” номлари билан аташган. I – т. – 388 – 454- б.

⁵ Ушбу сабзи навини Маҳмуд Қошғарий ўз асарида Қашқар вилоятида етиштирилиши ҳамда у “Oғli” деб юритилиши ҳақида маълумот беради. Т. I. – 149- б.

⁶ У яна ушбу сабзи ҳақида ҳам тўхталиб, уни туркийларда “сариг турма” ёки “кiзри” деб ҳам аташган. Муаллифнинг ёзишича, ушбу сўзни туркийлар форсларнинг “газар” сўзидан бузиб олганлар. I – т. – 405- б.

мойи ҳам қўшилган. Уруғ сепилгач, орадан 15 – 20 кун ўтгач суғорилган. Сабзи тўрт ойда пишиб етилган. У кўпроқ жавзо саратон (июнь) ойида такрорий экин сифатида экилиб, мезон-ақраб (октябрь-ноябрь) ойларида йиғиштириб олинган.

Водийда экиладиган экин турларидан яна бири – бу бодринг бўлиб, у манбаларда ёзилишига қараганда Шарқда эрамиздан аввалги I асрларданок маълум бўлган¹. Маҳмуд Қошғарий асариди ҳам ушбу ўсимлик “тармаз”² номи билан тилга олинади. Водийда бодринг эрта баҳорда экилиб, саратон (июнь) ойининг бошларида йиғиштириб олинган.

Фарғона водийси ўтроқ ўзбеклари ва тожиклари орасида севиб истеъмол қилинадиган полиз экинларидан бири – бу шолғомдир. Маҳаллий аҳоли орасида кенг тарқалган “шолғом шодмонлик келтирар” деган нақлнинг ўзи ҳам бу деҳқончилик маҳсулоти нақадар қадрланганлигидан далолат беради. Айнан мазкур даврда шолғомнинг минтақада икки хил – “қизил шолғом”, ҳамда “оқ шолғом” навлари мавжуд бўлиб, деҳқонлар кўпроқ “оқ шолғом” навини етиштирганлар³.

XIX асрнинг охирига келиб водий деҳқончилигида ҳам муҳим трансформацион жараёнлар кузатила бошланди. Бу даврда водий аҳолиси учун нотаниш бўлган помидор, карам, бақлажон, булғор қалампири ва бошқа бир қатор янги экин турлари пайдо бўла бошлайди⁴. Ушбу экин турларини дастлаб, асосан, Россиядан кўчириб келтирилган рус деҳқонлари етиштира бошлайдилар⁵. Юқорида такидлаганимиздек, ўша пайтларда маҳаллий халқлар бу экин турини деярли билишмаган. Айниқса, помидор анча вақтгача маҳаллий халқ томонидан ўзлаштирилмаган, бироқ кейинчалик, ушбу экин турининг Ўзбекистонда, хусусан, Фарғона водийсида 13 га яқин тури етиштирила бошлаган⁶.

¹ Джахонов У. Кўрсатилган асар... – 75- б.

² Маҳмуд Қошғарий. Кўрсатилган асар... I – т. – 426- б.

³ Джахонов У. Кўрсатилган асар... – 77 – 78- б.

⁴ Балашев Н. Н. Малороспращаенные овощные культуры. – Ташкент, 1957. – С. 17 – 22.

⁵ Дала ёзувлари. Марҳамат тумани, 2003 й.

⁶ “Помидор” сўзи аслида итальянча “помо-дорро”, яъни “қизил олма” деган маънони билдириб, унинг асли ватани Америка қитъаси ҳисобланади. У, дастлаб Европа кейинчалик Осиё мамлакатларига тарқалган. Помидорнинг дунёда 3 та асосий тури мавжуд бўлиб, улар фанда 1) Перивианский томат (*L. peruvianum*

Аста-секинлик билан водий деҳқончилигида баклажон¹, карам, каби янги полиз экинлари оммалаша борди². Фарғона водийсида маҳаллий аҳоли томонидан энг тез оммалашган янги экин тури – бу картошка ҳисобланади. Ахборотчиларнинг маълумот беришича, дастлаб маҳаллий аҳоли картошкани ер устида “ҳосил туғади” деб ўйлашган³. Фарғона водийсининг Чуст тумани Олмос кишлоғининг деҳқонлари картошкани биринчи маротаба XIX асрнинг охирларидан бошлаб экканлар⁴. Орадан кўп вақт ўтмай водийда 300 десятина^{5*} ерга картошка экилган. 1908 йилга келганда эса водий деҳқонларнинг 853 десятина ерида ушбу полиз екини етиштирилди. Аҳолида ушбу полиз экинини етиштириш йил сайин кўпайиб борди⁶. 1909 йилга келиб Фарғона вилоятининг ўзида картошка экиладиган ер майдони 1020 десятинага етди⁷.

XX аср бошларига келиб нафақат водийда, балки Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам картошканинг “оқ картошка”, “нимранг картошка”, “қайчи барг”, “қалмоқи”, “қора қизил”, “ненец” картошка каби 23 дан ортиқ навлари етиштирила бошлади⁸.

Хуллас, XIX аср охири – XX аср бошларига келиб водийда экин турлари жуда кўплаб инновацияга учради ва деҳқончиликнинг янгидан-янги ўзига хос томонлари ривожланди. Юқоридагиларидан кўринадики, ўрганилаётган даврда Фарғона водийси деҳқончилигида кўплаб экин турлари етишти-

М.); 2) Волосистый томат (L. Hirsutum Hund:er Vonp), 3) Обыкновенный томат (L. edulentium Mill) номлари билан юритилади. Қаранг: Балашев Н. Н. Картофель и овощные культуры. – Ташкент, 1981. – С. 82 – 88.

¹ Баклажоннинг водийда дастлаб длиннофиолетивый, донской, черная красавица, беломясной каби навлари етиштирилган.

² Барбарин И. Болезнь культурных растений в Туркестанском крае // Туркестанское сельское хозяйство. – Ташкент, 1913. – №4. – С. 287 – 305.

³ Дала ёзувлари. Фарғона тумани, Кўрғонтепа кишлоғи. 2002 й.

⁴ Бу ҳақда батафсил қаранг: Балашев Н. Н. Культура картофеля в Узбекистане. – Ташкент, 1953. – С. 10 – 18; Зуев В. И., Қодирхўжаев О. Ўзбекистонда картошкачиликнинг ривожланиш тарихи // Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари. – 217- б.

⁵ Бир десятина хозирги 1, 3 гектарни ташкил этган.

⁶ Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана. Л., 1927. – С. 159.

⁷ Копопка С. Р. Туркестанский край. – Ташкент, 1912. – С. 118.

⁸ Балашев Н. Н. Картофель // Труды Узбекстанской опытной станции садоводство и огородничество имени Р. Р. Шрейдеро. – Ташкент, 1330. Вып. 11. – С. 83 – 86; Балашев Н. Н., Лучинина Е. Г. Вопросы семеноводства картофеля в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1978. – С. 43 – 48.

рилган ва яна бир қатор янги экин турлари ўзлаштирилган. Ушбу экин турлари ўзининг қандай парваришланишига кўра водийнинг турли жўғрофий ҳудудларига мослаштирилган. Масалан, водийнинг сув сероб бўлган, дарё бўйи ҳудудларида шоли ва полиз экинлари кўпроқ етиштирилган бўлса, унинг тоғ олди ва адирлик ҳудудларида жўхори ва сувсизликка чидамли бўлган буғдой навлари ҳамда бошқа экин турлари экилган.

Фарғона водийси деҳқонлари ўзининг худуди, табиий шароитидан келиб чиқиб, экинларининг навларига ҳам катта эътибор берганлар. Шу тарзда водийда уруғчилик ҳам ривожланган. Водийнинг айрим миришкор деҳқонлари етиштирган ҳосилнинг бир қисми бошқа деҳқонлар томоидан уруғчилик учун харид қилинган ёки бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан айрибошланган.

XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғона водийси деҳқончилигига кўплаб янги экин турлари кириб келган бўлса-да маҳаллий халқлар ўзларининг анъанавий деҳқончилигида азалий хўжалик юритишнинг асосий жиҳатларини сақлаб қолган. Бошқача айтганда, бундай анъанавийлик ўз ўрнида водийга хос турмуш тарзи ва маданиятидаги кўплаб этнографик белгиларнинг сақланиб туриши учун имконият яратган эди.

II БОБ. ДЕҲҚОНЧИЛИКДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МЕҲНАТ ҚУРОЛЛАРИ: УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ, ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

II. 1. Ерга ишлов беришда қўлланиладиган меҳнат қуролларини тайёрлаш усуллари ва маҳаллий хусусиятлари

Деҳқончилик инсониятнинг энг қадимги хўжалик машғулот турларидан бири бўлганлиги боис ҳам қадимдан деҳқончилик учун зарур бўладиган меҳнат қуроллари муҳим аҳамият касб этган. Дунёнинг қайси худудида деҳқончилик вужудга келган ва ривожланган бўлмасин, ўша худудда ушбу машғулот тури билан билан боғлиқ тарздаги маҳаллий ўзига хос меҳнат қуроллари шаклланиб, такомиллашиб борган.

Деҳқончилик учун зарур бўладиган меҳнат қуролларининг вужудга келиши ва уларнинг тараққиётига сабаб бўлувчи омиллар ҳамда шарт- шароитлар хусусида фанда турли қарашлар ва назариялар баён қилинган¹.

Археологик материаллар далолат беришича, Фарғона водийсида ҳам деҳқончилик меҳнат қуроллари деҳқончилик билан бир

¹ Хусусан, меҳнат қуролларини яратишда қандай, омиллар таъсир кўрсатганлиги хусусида тадқиқотчилар томондан турли назарий қарашлар баён қилинган. Чунончи, Г. Г. Громов, Ю. Ф. Новиков ва А. А. Шенниковлар меҳнат қуролларини яратишда ижтимоий-иқтисодий тупрок-географик шароитлар ҳамда жамият тараққиёти асосий фактор эканлигини таъкидлашса, тадқиқотчилар Л. М. Сабурова, Н. Н. Чебоксаров ҳамда Я. В. Чесновлар, аксинча, меҳнат қуролларининг яратилиши ва такомиллашишида этник таъсир ва боғлиқлик асосий ўрин тутганини қайд этишади. Бу ҳақда қаранг: Громов Г. Г., Новиков Ю. Ф. Некоторые вопросы. Агрэтнографических исследований // СЭ. 1967. – №1. – С. 84 – 112; Чебоксаров Н. Н., Чеснов Я. В. Некоторые проблемы агрэтнографии Юго-Восточной Азии // СЭ. 1967. – №3. – С. 43 – 62; Сабурова Л. М. По поводу статьи Г. Г. Громова и Ю. Ф. Новикова. Некоторые вопросы агрэтнографических исследований // СЭ. 1967. – №6. – С. 22 – 34; Шенников А. А. Распространение животноводческих построек у народов европейской России // СЭ. 1968. – №6. – С. 12 – 64.

вак்தда пайдо бўлган¹. Ушбу меҳнат қуроллари асрлар оша тараққий этиб борди. Маълумки, дастлаб тошдан йўниб ишланган меҳнат қуроллари пайдо бўлган. Кейинчалик тарихий тараққиёт жараёнда чўяндан ва сўнгра темирдан ишланган деҳқончилик меҳнат қуроллари яратилган. Умуман олганда меҳнат қуроллари ҳам инсоният маданияти билан ҳамоҳанг тарзда ривожланиб, тараққий этиб борган. Демак, айтиш мумкинки, меҳнат қуроллари этнос маданиятини ривожланиш даражасини белгилаб берувчи муҳим кўрсаткичлардан ҳам ҳисобланади. Зеро, у нафақат моддий неъмат ишлаб чиқарувчи восита, балки айни вақтда моддий маданиятнинг намунаси ҳамдир. Ўрта Осиё, хусусан Фарғона водийсининг турли табиий-географик зоналарида деҳқончилик қуроллари у ёки бу шаклдагисининг тарқалиши, аввало, ушбу жойнинг географик жойлашган ўрни, тупроғи, иқлими ва шу каби табиий шарт-шароитларга, қолаверса, маҳаллий аҳолининг иқтисодий ва маданий анъаналари билан боғлиқ тарзда юз берган.

Зеро, тадқиқотчи Б. Гамбург таъкидлаганидек: “Турли ландшафт зоналарида мавжуд бўлган деҳқончилик қуроллари у зига хос жиҳатлари маҳаллий хусусият касб этиши билан бирга шу ерда жойлашган этник жамоалар учун бу соҳадаги этномаданий хусусиятлар сифатида ҳам намоён бўлади”².

XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғона водийси деҳқонлари, асосан, анъанавий тарзда асрлар давомида фойдаланиб келинган бир неча турдаги меҳнат қуролларида фойдаланганлар. Чунончи, анъанавий деҳқончиликда кенг қўлланилган меҳнат қуролларига ооч, мола, кетмон, белкурак, ўроқ, бешилик (ёки панчшоҳ) ва ҳоказолар кирган. Ушбу меҳнат қуроллари у ҳар бири деҳқонларнинг кундалик турмуш тарзида у ёки бу юмушни бажаришда қўл келган.

Ўрта Осиёда кенг тарқалган ва ўзининг қадимий тарихига эга бўлган меҳнат қуролларида бири – бу оочдир. Оочнинг тузилиши ва ундан фойдаланиш усуллари борасида бир қатор муаллифлар томонидан қимматли маълумотлар баён қилинган³. Чунончи,

¹ Фарғона водийсининг қадимий манзилгоҳларидан турли деҳқончилик тош қуроллари топилганлиги I бобда қайд этилган эди.

² Гамбург Б. С. К характеристике орудий земледельцев Ферганской долины... – С. 121.

³ Қаранг: Миддендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. Спб., 1882. – С. 226

А. С. Бежкович, Н. Н. Ершов каби тадқиқотчиларнинг асарларида омочнинг қадимий турлари ҳақида маълумотлар келтирилган¹.

Ўз ўрнида шуни ҳам таъкидлаш жоизки, омоч Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида ясалиш усули ва фойдаланишига кўра умумийлик касб этса-да, минтақадаги турли этник жамоаларда у номланиши ва тузилишига кўра фарқланган.

Омоч тузилиши жиҳатидан уч қисмдан - “тоқ устун”, “тик устун” ва “омоч тиши”дан ташкил топган. Омочнинг ушбу қисмларини ўзаро бирлаштиришида ҳам минтақалар ва этносларга хос маҳаллий хусусиятлар фарқланиб турган. Масалан, унинг тоқшотиси ва асосий қисмидаги тик устунини бирлаштириб турувчи жойига Ўрта Осиёнинг ғарбий қисмларида маҳкамлаш махсус бириктиргич (скрепка) орқали бириктирилган бўлса, Фарғона водийсида эса, аксинча, бундай мослама ишлатилмаган².

Омочнинг тутқич қисми водийнинг жанубий қисми бўлган Марҳамат, Қува ва Асакада “тутқич”³, унинг ғарбий қисмида жойлашган Риштонда “дасткапак”, “дастак”⁴, Сўх тожикларида

– 227; . Фриштейн Л. А Земледельческие орудия таджиков и узбеков по материалу МАЭТХХVI // Традиционная культура народов Передней и Средней Азии. Л., 1970. – С. 150 – 153; Гамбург Б. С. К характеристике орудий земледельцев Ферганской долины и Ташкентского оазиса конца XIX-первой четверти XX в. Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 1975. – С. 109 – 110; Кисляков Н. А. К вопросу об этногенезе таджиков // СЭ. 1947. – №VI – VII. – С. 318; Мухитдинов И. Особенности традиционного земледельческого хозяйства припамирских народностей в XIX – нач. XX века. – Душанбе, 1984. С. 194; Костенко Л. Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности. – СПб., 1870. – С. 172; Шахназаров А. И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. – СПб., 1908. С. 74 – 75; Масальский В. И. Туркестанский край. Россия. Под ред. Семенова-Тянь-Шанского. – СПб., 1913. Т. XIX. С. 437; Сазонова М. В. К этнографии узбеков Южного Хорезма // Труды Хорезмского археол. – этног. экспедиции. – М., 1952. Т. I. – С. 256; Гелцер Г. П. Кетмен, омач, плуг. – Ташкент, 1923. С. 6.

¹ Бежкович А. С. Историко-этнографические особенности киргизского земледелия... – С. 38 – 39.; Очерки по истории Средней Азии и Казахстана. – Л., 1973. – С. 114 – 142; Ершов Н. Н. Сельское хозяйство таджиков Ленинадского района Таджикской ССР период Октябрьской революции. – Душанбе, 1960. – С. 42 – 46.

² Миддендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С. 227

³ Дала ёзувлари. Андижон вилояти, Марҳамат тумани, Ровот кишлоғи. 2001 й.

⁴ Ершов Н. Н. Сельское хозяйство таджиков Ленинадского района Таджикской ССР период Октябрьской революции // Труды ТИАЭЭ АН Тадж. ССР. – Сталинабад, 1960. Т. 28. – С. 49 – 56.

“муштак”¹, Хуф водийси тожикларида эса “мотак”² деб номланди.

Одатда, омочнинг қайси ўлчамдагисидан фойдаланиш шудгор қилинадиган ернинг хусусияти ва омочга кўшиладиган ишчи хайвоннинг турига боғлиқ бўлган.

Водийнинг текислик қисмидаги суғорилиб экиладиган ерларни шудгор қилиш учун ҳажми каттароқ ва оғирроқ бўлган омочлардан³ шоли сепиладиган майдонларни ҳайдаш учун эса унга нисбатан кичикроқ, ўртача ўлчамдаги омочлардан, тоғ ва тоғолди ҳудудлардаги баҳорикор ерларни шудгорлашда эса кичикроқ ва енгилроқ омочлардан фойдаланилган.

Суғориладиган катта экин майдонлари, асосан, қўш ҳўкиз ёрдамида, кичикроқ майдонлар, жумладан, шопипоялар ҳамда баҳорикор ерлар эшак ва от ёрдамида шудгорланган. Водийда экин майдонларини шудгорлашда омочга туяларни қўшиш деярли учрамаган⁴.

Тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги баҳорикор ерлар ўлчами кичик, вазни енгил бўлган омочлар билан ҳайдалган. Бу ерларда қўлланиладиган омочларга тахминан 3 кг оғирликдаги қалинроқ қилиб қуюлган, омоч тиши ўрнатилган (кийдирилган) ва шу йўл билан тошлоқ жойларни шудгорлаш вақтида омоч тишининг синиб кетишининг олди олинган⁵.

¹ Джаханов У. Земледелие таджиков долины Соха в конце XIX – начале XX в. – Душанбе, 1989. – С. 43 – 62.

² Андреев М. С. Таджики долины Хуф // Труды института Истории АН Тадж ССР. – Сталинабод, 1958. Вып. 2. Т. XXI. – С. 36 – 43.

³ Ушбу турдаги омочлар ёрдамида бир иш куниди 0, 20 гектарга тенг экин майдонига 3 – 4 маротаба ишлов бериш мумкин бўлган.

⁴ Дала тадқиқотларим давомида олган маълумотларимизга кўра, XX аср бошларида Марҳамат тумани ҳудудидаги Хасанмерган қишлоғига вақтинча келиб ўрнашган козоклар омочга туяларни қўшиб фойдаланганлар. Лекин кузатувларимиз жараёнида водийнинг қолган ҳудудларида бундай маълумотларга бошқа дуч келмадик.

⁵ Ўрганилаётган даврда водийда омочнинг ишчи учига чўян тишлар қуйилган. Бундай чўян тишлар ҳажми кенглиги ва бошқа айрим хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилган. Тадқиқотчи С. Иброҳимовнинг таъкидлашича, омочга чўян тиш қуювчи усталар халқ орасида, “дегрелар” номи билан юритилиб, улар нафақат омочга чўян тишлар қуйганлар, балки рўзгор буюмларини ҳам ишлаб чиқарганлар. Айрим манбаларда, хусусан XV – XVI ёзма манбаларида келтирилишича “дегрелар” термини билан бирга “Чўянгар” термини ҳам учрайди (қаранг Массон М. Е. К истории черной металлургии Узбекистана – М., 1947. – С. 20 – 25). Бироқ, шу

Водийнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида ярим ўтроқ аҳолининг баҳорикор деҳқончилик билан шуғулланганлиги боис, асосан ҳажми кичик ва вазни енгилроқ бўлган омочлардан фойдаланилган. Таъкидлаш жоизки, бу даврда Фарғона водийсининг суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ҳудудларида ўтроқлашаётган қирғиз, қипчоқ, турк, курама, қорақалпоқ деҳқонлари кўшни ўзбек, тожик ва уйғур аҳолидан нисбатан катта ҳажмдаги омоч турларидан ҳам фойдаланишни ўзлаштирганлар¹.

Ушбу меҳнат қуроли водийда, асосан, маҳаллий аравасозлар, дурадгорлар ва темирчи усталар томонидан тайёрланган². Уни тайёрлаш анча тажриба ва маҳорат талаб қилганлиги боис, бундай усталар халқ орасида жуда қадрланган³. Усталар омочни тайёрлашда ўрик, тут, ёнғоқ, қайрағоч, жийда каби дарахтлардан фойдаланишган. Ҳатто, айрим ҳудудларда ушбу дарахтларнинг илдизидан ҳам омоч тайёрланиб, бундай омочлар жуда сифатли маҳсулот ҳисобланган⁴. Омочнинг узок вақт чидамли бўлиши юқорида келтирилган дарахт турларига ва ишлатилишига боғлиқ бўлиб, улардан ўртача 2 йилдан 15 йилгача фойдаланилган. Омоч тайёрлашда ўша жой шароитига мос бўлган дарахтлар қўл келган. Масалан, водийнинг тоғолди қишлоқларида омоч фақат ўрик дарахтидан тайёрланган бўлса, водийнинг бошқа ҳудудларида уни тайёрлашда кўпроқ тут, ёнғоқ ва шу каби дарахтлардан фойдаланилган⁵.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Фарғона водийсига ҳам Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларида бўлгани каби тиғиз этномаданий алоқалар ҳамда иқтисодий соҳада янги технология ва иновациялар кириб келиши натижасида маҳаллий омочларда анъанавий тарзда қўлланилган чўян тишлар ўрнини темирдан тайёрланган тишлар қўлланила бошлаган. Чунки темир тишлар сифатли бўлиб, узок муддатга чидамлилиги боис ҳам чўян тишларни сиқиб чиқарган. Айнан шу боис бу даврда омочга тиш қуювчи

ўринда таъкидлаш жоизки, Фарғона водийсида чўян эритиш тарихи қадимги бориб тақалиши манбалардан маълум (Қаранг: Бичурин И. Кўрсатилган асар. – 1 – 9- б).

¹ Абдуллаев У. С. Кўрсатилган асар. – 37 – 38- б.

² Дала ёзувлари. Наманган вилояти, Косонсой тумани, Ровот қиш-лоғи. 2002 й.

³ Дала ёзувлари. Наманган вилояти, Косонсой тумани, Ровот қишлоғи. 2002 й.

⁴ Дала ёзувлари. Андижон вилояти, Марҳамат тумани, Юқорировот қишлоғи. 2001 й.

⁵ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Кўрғонтепа қишлоғи. 2001 й.

усталар худди пичоқ усталари каби ўз хунарларини сулолавий давом эттиришиб, ўзлари ишлаб чиқарган омов тишларига ўзига хос тамгаларини қўйиш одати бўлган¹.

Даврий матбуот хабарларига кўра, нафақат маҳаллий аҳоли балки Россиядан келган аҳоли ҳам ерга ишлов беришда омовдан анчамунча фойдаланишган². Бунга сабаб плуг оғир бўлгани учун уни тортишга кучли хайвон зарурлигида эди. Шунингдек даврий матбуот мақолаларида омовнинг ишлатилишидаги қулайликлар қайд этилиб, уларда таъкидланишича омовнинг ерни ағдармасдан кесиб кетиши натижасида тупрокнинг ўз намлигини йўқотмаслиги унинг устунлиги ҳисобланган³.

XX аср бошларида бир дона омов рус пулига 20 – 25 рублни, агар у буюртмачининг маҳсулотидан тайёрланса, 15 – 20 рублни ташкил қилган⁴. Бундан ташқари маҳаллий усталар ўзлари тайёрлаган омовларни деҳқончилик маҳсулотига (масалан буғдойга) ҳам айрбошлаганлар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ерга ишлов беришда, дунёнинг бошқа худудларидаги деҳқончилик билан шуғулланувчи халқларда омовга вазифадош ҳамда ўхшаш бўлган бир қанча турдаги меҳнат қуроллари (масалан рало, сох, плуг, дерпач ва х. к.) мавжуд бўлиб, ушбу меҳнат қуролларининг ўзига хос жиҳатлари, келиб чиқиши, тарқалиши билан боғлиқ кўплаб маълумотлар ва назарий қарашлар қатор муаллифларнинг тадқиқотларида қайд этилган⁵.

¹ Бу борада батафсилроқ қаранг: Гамбург Б. Г. Кўрсатилган асар. – 37 – 38- б.

² Шодмонова С. Б. Туркистон тарихи- матбуот кўзгусида. Тошкент. 2011й 81 – 82

³ Голодная степ //ТВ – 1907 – №1.

⁴ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Чимён кишлоғи. 2001 й.

⁵ Бу ҳақда қаранг: Зеленин Д. К. Русская соха, и история и виды. – Вятка, 1907. С. 9; Новиков Ю. Ф. Генезис плуга и этнография // СЭ. 1963. – №2. С. 98 – 111; Найдич-Москаленко Д. В. О Принципах классификации русских пахотных орудий // СЭ. 1959. С. 38 – 52; Громов Г. Г., Новиков Ю. Ф. Некоторые вопросы агроэтнографических исследований // СЭ. 1967. – №1. – С. 81; Сабурова Л. М. По поводу статьи Г. Г. Громов и Ю. Ф. Новикова. Некоторые вопросы агроэтнографических исследований // СЭ. 1967 – №6; Суринов В. М. К определению этнических традиций в земледелии // СЭ. 1971. – №3. – С. 51 – 59; Бежкович А. С. Еще раз об агроэтнографических исследованиях // СЭ 1971. – №5. – С. 87 – 94; Андрианов Б. В. К изучению агроэтнографии // СЭ 1976. – №3. – С. 89 – 112; Чебоксаров Н. Н. Чеснов Я. В. Некоторые проблемы агроэтнографии Юго-Восточной Азии // СЭ. 1967. – №3. – С. 130 – 142; Чеснов Я. В. Социально-

Омоч ишчи ҳайвонга махсус тайёрланган мослама воситасида бириктирилган. Ушбу мослама водийда бўйинтурук¹ ёки ярмо² деб аталган. “Ярмо” тузилиши жиҳатидан жуда содда бўлиб, ҳар бир деҳқон уни ўзи тайёрлай олган.

Ярмо, асосан, тол ёки терак дарахтидан тайёрланиб унинг узунлиги омочни қандай ишчи ҳайвонига қўшилишига боғлиқ бўлган. Масалан, хўкиз ярмосининг узунлиги 10 – 12 қарич (аниқроғи 230 – 280 см), от ярмоси эса 14 – 15 қарич (тахминан 350 см) узунликда тайёрланган. Бундан ташқари эшак учун мўлжалланган ярмо эса 9 – 10 қарич бўлиб, унинг узунлиги 200 смга тўғри келган. Юқорида кўрсатиб ўтилган ярмоларнинг ўлчамлари бир-биридан деярли фарқ қилмаган, уларнинг айлана ҳажми 10 – 12 см ни ташкил этган.

Фарғона водийси деҳқончилигида ерга ишлов беришда ишлатиладиган меҳнат қуролларидан яна бири – бу “мола”³ ҳисобланади. Ўтмишда ушбу меҳнат қуролининг уч хил тури деҳқончиликда кенг қўлланилган бўлиб, чунончи улар: – “тахта мола”, “сих (ших) мола” ҳамда “шоҳ мола”лардир.

Мола, одатда, пишиқ, қаттиқ дарахт турларидан, хусусан ўрик, тут, қайрағоч, жийда ва ёнғоқдан тайёрланган. “Тахта мола”нинг узунлиги 230 – 280 см ёки ундан ҳам узун бўлиб, унинг эни 20 – 32 см, қалинлиги эса 10 – 15 см бўлган⁴. Ушбу моладан деҳқонлар, асосан, экин майдонларини текислашда ҳамда ердаги майдароқ кесакларни майдалашда фойдаланишган. Бундан ташқари водийнинг айрим қишлоқларида “шоти мола” ҳам мавжуд бўлиб, ушбу

экономические уклады и этнические традиции в агроэтнографии // СЭ. 1972. – №4; Шенников А. А. Необходимые разъяснения // СЭ. 1973. – №4. – С. 46 – 53; Крамаржик Я. Некоторые замечания в связи с дискуссией по аграрной этнографии // СЭ. 1974. – №3. – С. 43 – 62; Чернецов А. В. О периодизации ранней истории восточнославянских пахотных орудий // СЭ. 1972. – №3. – С. 147; Он же. К изучению генезиса восточнославянских пахотных орудий // СЭ. 1975. – №3. – С. 24 – 32.

¹ Қадимда туркий халқларда ҳам ушбу асбобдан кенг фойдаланилган бўлиб, уни улар “бојундурук” шаклида талаффуз қилишган. Маҳмуд Қошғарий. Кўрсатилган асар. 1963. III – т. Б. 194.

² Джахонов У. Земледелие таджиков долины Соха... – С. 110 – 111.

³ Дала ёзувлари. Фарғона тумани, Қўрғонтепа қишлоғи. 2001 й.

⁴ Гамбург Б. С. К характеристике орудий земледельцев Ферганской долины и Ташкентского оазиса. Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 1975. – С. 114.

мола иккита тахтадан иборат бўлиб, уларнинг орасини тўртта ёғоч бирлаштириб турган. Бундай молалардан деҳқонлар йирик кесакли экин майдонларига ишлов беришда фойдаланишган¹.

XIX аср охири – XX аср бошларида водийда “сих мола” ҳам кенг тарқалган бўлиб, ушбу меҳнат қуролига ўша даврнинг айрим муаллифлари ҳам ўз асарларида тавсифлар беришган². Сих мола Фарғона водийсида, умуман Ўрта Осиёнинг барча деҳқончилик воҳаларида Россия империяси истилосидан кейин тарқалган. Этнограф У. С. Абдуллаевнинг таъкидлашича, моланинг ушбу тури водийнинг ярим ўтроқ, ярим кўчманчи аҳолисига ўтроқ аҳоли орқали ўтган³. Унинг бундай аталишига сабаб эса мола тахтасига шахмат усулида темир ёки ёғоч сихлар 6 тадан 13 тагача ўрнатилиб, уларнинг ораси турли хил ўлчамда бўлган. Бунга ўхшаш молалар Ўрта Осиёнинг турли деҳқончилик ҳудудларида, масалан, Хоразмда ҳам мавжуд бўлиб, у маҳаллий тилда “Дандона” деб юритилган⁴. Булардан, асосан, шоликорликда фойдаланилиб, ернинг кесагини эзиш, текислаш ҳамда экин майдонини ёввойи ўт илдизларидан тозалашда ҳам қўлланилган. Бундай молалар водийда дурадгор усталар томонидан тайёрланиб, уларнинг темир тишлари эса темирчи усталар томонидан ўрнатилган. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, XIX аср охирларигача водийда темир тишли молалар камдан-кам учраган. Ушбу турдаги молаларнинг сихлари эса, асосан, қайрағоч ва тут дарахтидан тайёрланган⁵.

“Шох мола” деб номланувчи моланинг учинчи турини водийга хос жиҳатлари шундаки, маҳаллий деҳқончиликда “Шох мола” ҳам кенг қўлланилганлар. Бу тайёрлашда водий деҳқонлари оддий дарахт шохларидан фойдаланганлар. Бу мослама кўпроқ баҳорикор, лалми ерларда ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи аҳоли томонидан ишлатилган⁶.

XIX аср охири – XX аср бошларида водий деҳқончилигида

¹ Гамбург Б. С. Кўрсатилган асар. – 114 – 115- б.

² Масалский В. И. Туркестанский край. – Спб., 1890. – С. 447; Шахназаров А. И. Сельское хозяйство Туркестанского края. – Спб., 1908. – С. 300.

³ Абдуллаев У. С. Кўрсатилган асар. – 42 – 43- б.

⁴ Джаббаров И. Из истории техники культуры земледелие Южного Хорезма... – С. 286 – 287.

⁵ Дала ёзувлари. Фарғона тумани, Кўрфонтепа кишлоғи. 2002 й.

⁶ Дала ёзувлари. Наманган вилояти, Косонсой тумани, Такаранг кишлоғи. 2002 й.

кенг қўлланилган деҳқончилик қуролларида бири – бу кетмон ҳисобланган. Фарғоналик маҳаллий темирчи усталар томонидан бир неча кўринишдаги кетмонлар ясалган бўлиб, улар хўжалик ишларининг тури ва тупроқнинг тузилишига қараб ясалган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тарихий манбалар¹ ва археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришича², кетмон энг қадимги меҳнат қуролларида бири ҳисобланади.

Одатда “кетмон” жуда оддий кўринишга эга бўлиб, асосан, даста ва ишчи қисмидан иборат бўлса-да, маҳаллий аҳоли уни 10 қисмга ажратган ва ҳар бир қисмнинг ўз номи бўлган. Кетмон қуйидаги қисмларга бўлинган. Унинг “тана” қисми, “бет” (ёки юза), кесадиған қисми “дам”, “дам”дан 3 – 4 см ичкарига томон чархланган қисм “авра”, авранинг устки чизиги “мағиз”. Кетмон дастаси ўрнатилган жой “зўғота”, унинг кетмон дастаси учун очилган тешикка уланган жойи “гирвон” (гирибон ёки бўйин), унинг атрофи “қўрғонча”, кетмоннинг икки чети “елка” ёки “мухра”, елканинг иккинчи томони “елка чувуқ”, унинг пастки “авра” билан туташган жойи эса “кичик чувуқ” ёки “геж” номлари билан аталган. Ушбу меҳнат қуроли водийда, одатда, темирчилар томонидан тайёрланиб, у жуда кўп меҳнат ва тажриба талаб қилганлиги боис фақат юқори малакали усталарларгина уни тайёрлаганлар.

XIX аср охирларигача водийда темир тақчиллиги сабабли кетмонлар кўпинча 5 – 6 қисмдан иборат қилиб тайёрланган. Бундай кетмонлар водий аҳолиси томонидан “беш бўлак кетмон” ёки “улама кетмон” деб аталган³.

XX аср бошларига келиб Россиянинг Марказий шаҳарларидан қалинлиги 8 мм келадиган ярим тайёр темир қуймалар келтирилган ва ушбу ярим тайёр маҳсулотлар водийда “тахта темир” деб номланган⁴. Бу темир маҳсулотлари ўша даврда анча тараққий этган Россия металлургия саноатининг маҳсулоти бўлиб, ушбу металлларга ўша даврнинг замонавий ва илғор саноат дасгоҳлари ёрдамида ишлов берилганлиги боис, ушбу темир маҳсулотлари анча сифатли бўлган. Айнан мана шундай қуйма темирлардан маҳаллий усталар сифатли кетмонларни ясаганлар.

¹ Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. – Тошкент, 1960. I – т. – 416- б.

² Анарбаев А. А. Ўзбекистонда илк давлатчилик ва унинг ўрганилиш тарихидаги баъзи бир муаммолар // *Ozbekiston tarixi*. – Тошкент, 2004. – 34, 76 – 77- б.

³ Дала ёзувлари. Андижон вилояти, Мархамат тумани ровот қишлоғи 2005 й.

⁴ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти, Қува тумани, Толмазор қишлоғи. 2001 й.

Водийда кетмон, асосан, қишлоқ хўжалигининг пахтачилик, боғдорчилик, ползчилик, сабзавотчилик ва ғаллачилик каби соҳаларида кенг қўлланилган.

Водий аҳолиси Ўрта Осиёнинг кўплаб деҳқонлари каби ерга ишлов беришда ушбу меҳнат куролининг бир неча туридан фойдаланганлар. Аҳолининг ёши ва жинсига мос ҳолда кетмонлар турлича бўлган. “Мардона кетмон” деб номланган кетмон турининг оғирлиги 10 – 15 қадок, яъни 6 кг гача бўлиб, бундай кетмонларни водийда, асосан, эркаклар ишлатишганлар, “заифона кетмон” деб аталган тури эса, асосан, аёллар учун мўлжалланган бўлиб, унинг оғирлиги 7 – 10 қадок (3 – 4 кг)ни ташкил этган. Кетмоннинг бошқа бир тури “бачкана кетмон” ёки “бола кетмон” деб юритилган ва у 3 – 4 қадок (2, 5 кг) оғирликда бўлган. Юқоридагилардан ташқари водийда яна “Товлама кетмон”, яъни қайта ишлов берилган ҳамда “Қуш нуха” кетмонлар ҳам мавжуд бўлиб, унинг бундай номланишига сабаб эса орқадан қараганда у ўтирган қуш тасвирини берган. Сифатли кетмонлардан 3 – 5 йил мобайнида фойдаланиш мумкин бўлган. Уларнинг тиғ қисми анча ёйилиб қисқариб қолгач, темирчилар унинг тиғ қисмига бошқа темир тиғ ўрнатишган бу усул “пеш” деб юритилган¹.

Фарғона водийсининг Чуст ва Кўқон шаҳарлари атрофида тайёрланган кетмонлар энг сифатли ҳисобланиб, бундай кетмонлар Ўзбекистоннинг Тошкент ва бошқа худудларига мардикорлар ва ижарачи деҳқонлар орқали тарқалган. Бундан ташқари Андижон, Шаҳрихон, Наманган, Марғилон каби шаҳарларда ва бу шаҳарларга туташ қишлоқларда яшовчи усталар томонидан тайёрланган кетмонлар ҳам сифати билан ажралиб турган. Кекса ахборотчиларимизнинг таъкидлашича, ўша даврда ўзига тўқ ер эгалари мардикор ва ёлланма деҳқонларни ишга ёллашдан аввал уларнинг асосий меҳнат куроли ҳисобланган кетмонига эътибор қаратишган. Чунки бошқа жойда тайёрланган кетмонларда 2 – 3 зарба билан бажарилган ишга, Чуст, Кўқон, Андижон, Шаҳрихон каби хунармандчилик марказларида тайёрланган кетмонларда бир зарбада эришилган. Чунки, ушбу марказларда малакали темирчи усталар кетмонни тайёрлашда маҳаллий ер хусусиятларини ҳам ҳисобга олганлар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Фарғона водийсида “омоч” деҳқончилигининг рамзи ҳисобланса, “кетмон”

¹ Дала ёзувлари. Марҳамат тумани, Ровот қишлоғи. 2002 й.

меҳнаткаш деҳқоннинг рамзи ҳисобланган. Шунинг учун у халқ оғзаки ижодида ҳам ижобий тарзда намоён бўлган. Масалан, водийда халқнинг ғами билан яшайдиган, уни ўйлайдиган, камтар, софдил, меҳнатсевар инсонларга нисбатан “кетмон кўрганнинг боласи” деган нақл ҳозиргача қўлланилиб келинади.

Умуман олганда, кетмон водий деҳқончилигида асосий меҳнат қуроли ҳисобланиб, ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Олдинги саҳифаларда таъкидлаганидек, XIX аср охирига келиб Ўрта Осиёда, хусусан, Фарғона водийсида ҳам бошқа соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам трансформацион жараёнлар, ўзгаришлар кузатилади. Бу ўринда биз водий деҳқончилигига кириб келган янги экин турлари, шунингдек, улар билан боғлиқ ноанъанавий агротехника усулларини қайд этишимиз мумкин.

Ўша даврда водий деҳқончилиги ва у билан боғлиқ соҳаларнинг қанчалик ўзгаришларга бой бўлганини маълумотлар ҳам тасдиқлайди¹. Бироқ, шу ўринда таъкидлаш жоизки, империянинг ғарбий ҳудудларидан кўчириб келинган рус деҳқонлари, дастлаб суғорма деҳқончиликка асосланган водий деҳқончилигида бир қанча муаммоларга дуч келганлар. Чунки; водийнинг ўзига хос табиий иқлим шароити, асрлар оша маҳаллий деҳқонлар томонидан ўзлаштирилган суғориш усулларининг мавжудлиги бундай муаммоларни вужудга келтириши табиий эди. Аммо вақт ўтган сайин вазият тақозосига кўра рус деҳқонларининг маҳаллий миришкорлардан ўзлаштирган деҳқончилик билимлари уларнинг бу ердаги шарт-шароитларга мослашишини тезлаштирди. Шунингдек, водий деҳқончилигида ҳам секин- асталик билан ғилдиракли плуглар, ерга уруғ қадайдиган, ўғит сочадиган мосламалардан фойдаланила бошланган².

Бу даврга келиб мустамлакачи ҳукумат вакиллари ўлкада завод ва фабрикаларда ишлаб чиқарилган техникаларни қишлоқ хўжалигига олиб киришга уринган, чунки ҳосилдорликнинг юқори бўлишидан улар ҳам манфаатдор эдилар. Бу йўналишдаги ишларни ривожлантириш мақсадида Туркистонда қишлоқ

¹ Мирошниченко О. Об орудиях для землянных работ по американскому способу // Туркестанское сельское хозяйство. – 1913. – №2. – С. 140 – 144.

² Курбатов Н. Ш. Деятельность ферганской агрономической организации в 1913 г. // Туркестанское сельское хозяйство. – 1913. – №4. – С. 260 – 265.

хўжалиги асбоб – ускуналари ва уруғчилик омборхоналари ташкил этилган. Шунингдек турли қишлоқ хўжалиги техникалари намоёни этиладиган кўргазмалар ташкиллаштирила бошланди¹ Бу кўргазмаларда маҳаллий тадбиркорлар ҳам иштирок этишиб, қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олишган. ”Туркестанский курьер” газетасида ёзилишича, Наманганлик бир киши Россия кўргазмасида Америкада ишлаб чиқарилган, буғ билан ишлайдиган плуг сотиб олган, ушбу плуг ёрдамида бир кунда 5 – 6 десятина ерга ишлов берилган².

Бу даврга келиб Туркистонда хусусан водийда ҳам нефт, буғ билан ишлайдиган тракторлар пайдо бўла бошлади³. Ўлка қишлоқ хўжалигига янги техникалар ва деҳқончиликдаги замонавий технологияларнинг кириб келишини Туркистоннинг тараққийпарвар зиёлилари хурсандчилик билан кутиб олганлар ва миллий матбуотларда қўллаб қувватлаганлар⁴

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Фарғона водийси аҳолиси қадим даврлардан деҳқончилик билан шугулланиши жараёнида ўз меҳнатларини энгиллаштириш ва самарасини ошириш мақсадида турли меҳнат қуролиларидан ҳам фойдаланишган. Водий деҳқонлари деҳқончилик меҳнат қуролилари ичида ерларга ишлов беришда қўлланиладиган меҳнат қуролиларини тайёрлашга алоҳида эътибор берганлар. Маҳаллий деҳқонлар томонидан ерга ишлов беришда омон, кетмон, курак каби турли хилдаги меҳнат қуролиларидан кенг фойдаланганлар. Омонлар водийнинг турли деҳқончилик ҳудудларида жойнинг табиий шароити, тупроқ таркиби ва бошқа маҳаллий омилларни ҳисобга олган ҳолда қаттиқ дарах турларидан тайёрланган. Бошқа бир меҳнат қуроли – кетмонлар ҳам водийда ўзининг сифатлилиги ва фойдаланишга қулайлиги билан ажралиб турган. У ҳам юқоридаги табиий ва маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда темирчи усталар томонидан

¹ Шодмонова. С. Б. “Туркистон тарихи-матбуот кўзгусида”. Тошкент “Янги нашр” 2011 й 80 – 81- бетлар.

² Тимаев К. А. Агрономическая помощь туземному населению//Туркестанский курьер – 1909-№200; Шодмонова. С. Б. Туркистон тарихи-матбуот кўзгусида. Тошкент. 2011йил 80 – 81бетлар.

³ Е-вич Гусеничный трактор//ТВ – 1914 – №112.

⁴ Абдулҳамид Сулаймон. Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик // Садои Фарғона – 1914 – №10; Рауф Музаффарзода. Тупроқ надур //Садои Туркистон. – 1914 – №14, 18.

тайёрланган. Бу даврда юз берган трансформацион жараёнлар нагижасида, деҳқончилик меҳнат қуроллари ҳам такомиллашиб борган. Деҳқончиликда қўлланиладиган меҳнат қуролларининг такомиллашиши ўз ўринда деҳқончилик маҳсулотини ривожига ижобий таъсир ўтказди.

II. 2. Ҳосилни йиғиб олишда ва сақлашда ишлатиладиган меҳнат қуроллари: тузилиши ва ўзига хос маҳаллий жиҳатлари

Дунёдаги барча деҳқончилик воҳаларида бўлгани каби Фарғона водийсида ҳам етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олиш деҳқончиликдаги энг масъулиятли вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу юмушларни ўз вақтида амалга ошириш учун эса албатта махсус ва самарали иш қуроллари зарур бўлган. Дунёнинг барча деҳқончилик ҳудудларида қадимдан ҳосилни йиғиб олишда ўша ҳудуд табиий шароитига мос келадиган махсус меҳнат қуролари тайёрланган ва улардан фойдаланилган. Хусусан, Фарғона водийси деҳқонларининг ҳосилни йиғиб олишда фойдаланадиган меҳнат қуроллари ҳам хилма-хил ва ўзига хос бўлиб, асрлар оша маҳаллий аҳоли томонидан такоиллаштирилиб борилган. XIX аср охири – XX аср бошларида водийнинг барча этник жамоалари деҳқончилик экинларини, асосан, “ўроқ” ёрдамида ўриб олганлар. Албатта, ушбу меҳнат қуролидан нафақат Фарғона водийсида, балки Ўрта Осиёнинг барча деҳқончилик ҳудудларида экилган ҳосилни йиғиштириб олишда кенг фойдаланилган ва мазкур деҳқончилик қуроли турлича номланган¹. Айнан ушбу деҳқончилик қуроли Фарғона водийси деҳқончилигига

¹ Чунончи Тожикистоннинг айрим деҳқончилик ҳудудларида ўроқни деҳқонлар “дос”, “зац”, “зирв”, “зир”, “дирв” номлари билан юритишса, Қирғизистоннинг турли ҳудудларида ўроқлар “менгел”, “орок” атамалари билан маълум бўлган. Хоразм деҳқонлари эса уни “мангад” деб атаганлар. Бу ҳақда батафсил қаранг: Рахимов М. Р. Земледелие таджиков. Каратегина и Дарваз... – С. 38; Моногорова Л. Ф. Материалы по этнографии язгулемцев... – С. 16; Андреев М. С. Таджики долины Хуф... – С. 51; Бежкович А. С. Историко-этнографические особенности киргизского земледелия. – С. 58; Джабборов И. М. Из истории техники и культуры земледелия Южного Хорезма (конец XIX – начало XX в). – Ташкент, 1961. – С. 286 – 287.

хос энг қадимий меҳнат қуролиданидан бири ҳисобланади. Водий худудида олиб борилган археологик қазилмалар жараёнида топилган материаллар, қолаверса, ёзма манбалар бу фикрни тўла тасдиқлайди¹. Хусусан, туркий халқлар этнографиясига оид муҳим тарихий манба – “Девону луғотит турк” асарида келтирилишича, қадимий туркий халқлар ўроқнинг бир неча турларидан фойдаланишиб, уларни “орғақ”, “бўчи”, “баштар” деб номлаганлар.

Ўроқ, асосан, тузилиши жиҳатидан унча мураккаб бўлмай, тутқич қисми тол ёки қайрағоч дарахти ёғочидан, тиғ қисми эса темирдан тайёрланган. Бироқ маҳаллий аҳоли ўроқни 7 қисмга бўлиб, ушбу қисмларни улар қуйидагича номлашган: ўроқнинг устки қисми “гардан”, кесадиған жойи “тиғ”, у билан даста оралиғи “бўйин” ёки “томоқ” бўйин билан гардан оралиғи “елка” дастага кирадиған учли қисми “дум” думининг иккала ёнидан кулоққа ўхшатиб чиқарилган ҳамда думни дастага қоқиб киргизилгандан сўнг қайтариб маҳкамлаб қўйиладиған жойни “кулоқ” деб аташган. Маҳаллий темирчи усталар ўроқни ҳам худди кетмон каби деҳқончилик шароитидан келиб чиқиб, тайёрлашган. Ўз навбатида шуни таъкидлаш жоизки, ўроқни тайёрлашда унинг бўйин қисмига – “занжир”, “юлдузгул”, “ғўзапўчоқ” ва “бодомгул” каби нақшлар солинган бўлиб, ушбу нақшлар нафақат безак, балки уни тайёрлаган темирчининг махсус тамғаси ҳисобланган².

Водийда ўроқларнинг, асосан, икки тури кенг тарқалган бўлиб, улар текис тиғли ва нотекис тиғли турларидир. Нотекис тиғли ўроқларнинг тиғ қисми тишсимон холда ўткирланган бўлиб, улардан пичан ёки ғўзапояларни йиғиштиришда кенг фойдаланилган. Фарғона водийсининг айрим ҳудудларида аҳоли ушбу ўроқни “нўғой ўроқ” деб ҳам аташган³. Унинг бундай номланишига сабаб, ушбу меҳнат қуролидан водийда дастлаб нўғай миллатига мансуб аёллар ғўзапояларни йиғиштиришда фойдаланганлар. Бу турдаги ўроқлар Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида, чунончи Тожикистоннинг Язгулом, Дарвоз туманларида ҳам тарқалган

¹ Бу борасида батафсилроқ қаранг: Анарбаев. А. А. Ўзбекистонда илк давлатчилик ва унинг ўрганилиш тарихидаги баъзи бир муаммолар // *Ozbekiston ta'rixi*. 2004. – №4. – Б. 76 – 77; Махмуд Қошғарий. *Девону луғотит турк*. – Тошкент, 1960. I – т. – Б. 424, II – т. – Б. 238.

² Дала ёзувлари. Андижон вилояти Мархамат тумани Ровот қишлоғи. 2004 й.

³ Иброҳимов С. Қўрсатилган асар. – 400 – 401- б.

бўлиб, маҳаллий аҳоли томонидан “радотц” “аррадос” каби номлар билан юритилган¹.

Ўроқнинг бошқа тури – текис тигли ўроқлар эса ўз ўрнида, ясашиши ва шаклига қараб водийда икки турга ажратилган. Яъни, улар “қўл ўроқ” ҳамда “бел ўроқ” деб номланган. “Бел ўроқ”нинг ҳажми бир оз каттароқ ва дастаси узун бўлгани сабабли ушбу ўроқ билан тик туриб ишлаш мумкин бўлган. Уни водийнинг айрим туманларида “чалғи ўроқ” ёки “даст ўроқ” деб ҳам номлашган. Бундай ўроқлардан водийда, асосан, беда ва пичан ўришда кенг фойдаланилган.

Водийда “қўл ўроқ”ларнинг ҳам бир неча кўринишидагилари тарқалган эди. Чунончи, “қамиш ўроқ”, “беда ўроқ”, “шохи ўроқ”, “ойнусха ўроқ” ёки “барг ўроқ”лар шулар жумласидандир. Қамиш ўроқлар, асосан, пўлат чиқиндиларидан ишланганлиги сабабли бошқа ўроқ турларига қараганда бирмунча оғирроқ ва каттароқ бўлган. Улар узоқ вақт ўткир ҳолда турганлиги боис Марказий Фарғона қорақалпоқлари улардан қамиш ўришда кенг фойдаланишган².

“Ой нусха” ўроқлар Фарғона водийсининг жанубий тоғолди ҳудудларида, айниқса Чимён, Миндон, Хонқиз қишлоқларида кенг фойдаланилган. У думалоқ, 3 кунлик ой шаклида бўлганлиги учун шундай ном билан юритилган бўлса-да, баъзида уни “барг ўроқ” деб ҳам номлашган. Ушбу ўроқни бундай номланишига сабаб маҳаллий деҳқонлар бундай турдаги ўроқдан ипак курти боқиш учун тут барглари кесишда фойдаланган³.

Маълумки, ўрим-йиғим даврида Фарғона водийсига Тожикистоннинг тоғли ҳудудлари бўлган Қоратегин ва Матчодан бир гуруҳ ўримчилар келиб, мардикорлик қилганлар. Аксарият ҳолларда улар ўзлари билан ўроқларини олиб келганлар ёки уни маҳаллий темирчилардан сотиб олганлар. Албатта, айнан ушбу мардикорлар воситасида Фарғона водийсида тайёрланган ўроқ нусхалари Қоратегин ва Матчода, Қоратегин ва Матчо тожиклари-

¹ Рахимов М. Земледелие у таджиков Каратегина и Дарваза. – С. 180 – 181. Моногарова Л. Ф. Материалы по этнографии Изгулемцев // ТИЭ. нов. сер. Т. XL. VII. 1959. – С. 16.

² Дала ёзувлари. Марказий Фарғона, Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, “Момохон” қишлоғи. Фуқ. йиғ. “Қолғондарё” маҳалласи. 2002 й.

³ Дала ёзувлари. Фарғона тумани, Қўрғонтепа қишлоғи. 2001 й.

нинг ўзига хос шаклдаги ўроқлари эса водий аҳолисида тарқалган бўлиши мумкин¹.

Водий ўзбекларига ўхшаш ўроқлар минтақадаги бошқа халқларда бўлган. Чунончи қирғизларда кенг тарқалган “менгел” деб номланувчи ўроқ нусхаси ўзининг тузилиш жиҳати билан Фарғонада кенг тарқалган ўроққа ниҳоятда ўхшайди. Бу нусхадаги ўроқлар қирғизларга Фарғона водийси аҳолисидан ўтганлиги борасида мутахассислар қатор мулоҳазалар билдирганлар. Чунончи, тадқиқотчи А. С. Бежкович ҳам қуйидаги сўзлари билан тасдиқлайди: “Қирғизларнинг айтишича, - деб ёзади у, - ўроқ уларда бундан 90 – 100 йил муқаддам пайдо бўлган ва у маҳаллий ўзбеклардан ўтган...”². Боз устига, Фарғона водийсидаги яримкўчманчи (яримўтрок) аҳоли, жумладан қирғизлар ўроқларни маҳаллий темирчи усталардан ёки бозорлардан харид қилганлар. Ушбу усталар, асосан, ўтрок ўзбек ва тожик халқининг вакиллари эди³.

Бундан ташқари водий ўроқларининг бошқа хуудларга тарқалганлиги хусусидаги фикрларни Л. А. Фриштейн ҳам тасдиқлаб, Тожикистоннинг Хингоу дарёси ҳавзасидаги қишлоқларда ҳосилни йиғиштириб олишда маҳаллий ўроқлардан ташқари, водийнинг Қўқон ўроқлари ҳам кенг қўлланилганини ёзади⁴. Юқоридагилардан кўринадики, ҳар бир этноснинг моддий маданияти ва турмуш тарзидаги ўзгаришлар, унга қўшни бўлган этноснинг маданий тараққиётига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Ўроқлар ҳосил турига қараб ўроқчилар томонидан танлаб олинган, Масалан, деҳқонлар шolini ўриб-йиғиб олиш учун бўйни узун, ингичка ўткир тигли ўроқлардан фойдаланишган. Чунки бундай ўроқлар шoли бошоғидаги ҳосилни камроқ нобуд бўлишини таъминлаган. Водийда кенг юзали, бўйни калта ўроқлардан асосан беда ва шунга ўхшаш чорва молларига озуқа сифатида бериладиган ўсимликларни ўришда фойдаланилган.

Ҳосил йиғиштириб олингач, уни янчиш учун хирмонлар тай-

¹ Абдуллаев У. С. Кўрсатилган асар. – 41 – 42- б.

² Бежкович А. С. Историко-этнографические особенности киргизского земледелия... – С. 58.

³ Абдуллаев У. С. Ўша асар. – 42 – 43- б.

⁴ Фриштейн. Л. А. Земледельческие орудия таджиков и узбеков (по материалам МАЭ). Традиционная культура народов Передней и Средней Азии. – Л., 1970. – С. 177.

ёрланган. Бундай хирмонни тайёрлаш деҳқончиликда алоҳида аҳамият касб этиб, унинг учун иложи борича текис ва шабада яхши эсадиган баландроқ жой танлаб олинган. Хирмон тайёрлаш учун аввал майдон бегона ўтлардан тозаланиб, текислангач, яхшилаб сув сепилади ва у бир оз қуригач, кўтарса бўладиган тошлар билан уриб ёки от ёки ҳўкизлар юрғизилиб қотирилган. Айрим муаллифларнинг ёзишича, Ўрта Осиёнинг айрим ҳудудларида хирмонни текислаш учун махсус мосламалар ҳам мавжуд бўлган¹. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, водийнинг айрим қишлоқларида деҳқонлар учун ажратилган махсус хирмонлар мавжуд бўлиб, бундай хирмонлар водийда “гала хирмон” деб юритилган². “Зироатнома” аса-рида келтирилишича, хирмондаги ҳосилни чумолилардан сақлаш учун хирмон атрофига майин оқ тупроқ ёки эланган кул сепиб чиқилган³.

Йиғиб олинган ҳосил хирмонга қўл кучи ёки от ва эшак ёрда-мида олиб чиқилган. Булардан ташқари етиштирилган ҳосилни хирмонга олиб келишда “чанани” эслатувчи мосламалар ҳам қўлланилган⁴, бундай махсус мосламалар Ўрта Осиёнинг бир қатор ҳудудларидаги деҳқонлар томонидан ҳам кенг фойдаланилган ва турли номлар билан юритилган⁵.

Водийлик деҳқонлар ҳосилни хирмонга ташиб чиқишда икки ғилдиракли аравалардан ҳам кенг фойдаланганлар⁶. Бундай ара-валар маҳаллий аҳоли орасида “Қўқон арава”⁷, ёки “сарт арава”

¹ Ушбу мослама Хуф водийсида “Шираун-тапуч” Матчо тожикларида эса “хир-мантапи” деб юритилган. Андреев М. С. Таджики долины Хуф... – С. 79.

² Дала ёзувлари. Фарғона вилояти, Кува тумани, Толмазор қишлоғи, 2001 й.

³ Хасаний М. Зироатнома Тошкент: Мехнат, 1991. – 18- б.

⁴ Дала ёзувлари. Фарғона тумани, Қўрғонтепа қишлоғи. 2001 й.

⁵ Шаниязов К. Ўзбеки-карлуки. – Ташкент, 1964. С. 54; Бежкович А. С. Историко-этнографические особенности киргизского земледелия. Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана // ТИЭ. Нов. сер. Т. ХСVIII. – С. 58 – 59; Басилов В. Н. Хозяйство западных туркмен-ёмудов в дореволюционный период и связанные с ним обряды и верования // Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана. – Л., 1973. – С. 182 – 183.

⁶ Водийнинг ўрганилаётган даврдаги асосий юк ташиш воситаси аравалар хусусида батафсил қаранг: Маджи А. Е. Арба ферганская // Известия АН Тадж ССР. Отд. общ. наук. – Душанбе, 1976. – №2. (84). – С. 197.

⁷ Дала ёзувлари. Марҳамат, Фарғона, Кува, Косонсой, Чуст, Мингбулоқ ва Норин туманлари. 2001 й.

деб юритилган¹. Ушбу юк ташиш воситаси водийда турли номлар билан юритилиши ҳақида тўхталадиган бўлсак, унинг “Қўқон арава” деб номланишига сабаб, кекса ахборотчиларимизнинг таъкидлашича, ўрганилаётган даврда бундай турдаги араваларнинг энг сифатлиси Қўқоннинг аравасоз усталари томонидан тайёрланган. Ахборотчиларимизнинг эътироф этишларича, ўша даврда энг катта арава бозори ҳам Қўқон шаҳрида бўлган².

Араванинг иккинчи номланиши эса, бизнингча, водийнинг яримкўчманчи ёки ярим ўтроқ этнослари томонидан берилган бўлиши мумкин. Чунки ўша даврда водийнинг ўтроқ ҳаёт кечирувчи аҳолисига нисбатан юқоридаги халқлар (қирғиз, кипчоқ ва бошқалар) томонидан “сарт” атамаси қўлланилган. Ушбу турдаги аравалардан ўтроқ аҳоли кўпроқ фойдаланган. У водийнинг аравасоз усталари томонидан тайёрланиб³, қуйидаги асосий қисмлардан иборат бўлган: иккита от ёғоч (шотиси), айланаси уч метрдан бўлган иккита ғилдирак, ғилдиракларни бирлаштирувчи арава ўқи ҳамда асосан ёғочдан ишланган супа қисми. Ушбу араваларга ўртача катталиқда бўлган 50 тагача бугдой боғи сиғдирилган.

Аравалар водийда Россия пулига 25 – 30 рубль ёки 10 чорак, яъни 800 кг бугдой билан баҳоланган. Араваларни ҳеч қандай таъмирсиз 3 йилгача ишлатиш мумкин бўлган. Сўнгра у қайта таъмирланиб, улардан 10 – 12 йилгача фойдаланилган. XX аср бошларига келиб аравалар нархи янада ошган. Бунга сабаб бу даврда ўз шахсий аравасига эга бўлган деҳқонлар етиштирган ҳосилни, кўпроқ пахтани маҳаллий рус сармоядорларига олиб бориб сотишган. Шахсий аравага эга бўлмаган деҳқонлар эса уларнинг ёрданидан фойдаланишга ёки ўз ҳосилини шуларга сотишга мажбур бўлганлар. Улар эса, ўз навбатида деҳқонлар ва шаҳар сармоядорлари ўртасида воситачига айланадилар⁴.

XX аср бошларига келиб водийда тўрт ғилдиракли аравалар ҳам пайдо бўлди. Улар, асосан, рус деҳқонлари томонидан олиб келинган бўлиб, водийнинг айрим туманларида бундай араваларни “кўтак” арава деб юритилган⁵.

¹ Джаҳонов У. Кўрсатилган асар. – С. 98 – 99.

² Дала ёзувлари. Фарғона тумани, Хонқиз, Чимён қишлоғи. 2002 й.

³ Ахборотчиларимиздан аниқланишича, ҳар бир туман ёки қишлоқнинг ўз аравасоз устаси бўлган. Ушбу усталар ҳам ўз хунарларини сулолавий давом эттиришган.

⁴ Дала ёзувлари. Фарғона тумани Қорғонтепа қишлоғи. 2002 йил.

⁵ Дала ёзувлари Марҳамат тумани Ровот қишлоғи.

Ҳосил хирмонга йиғиб олингач, уни янчиш бошланган. Ҳосилни янчиб олишнинг водийда бир неча усуллари бўлган. Чунончи, биринчи усулга кўра ҳосил икки кафт орасига олиб ишқаланган. Бу усулдан водийнинг камбағал хонадонлари кўпроқ фойдаланишган. Унга кўра хали яхши пишиб етилмаган буғдой бошоклари қозонда қуритиб олинган, сўнгра қўл кафти билан унинг дони ажратиб олинган Сўх тумани деҳқонлари ушбу усулни “Кафмол” деб атаганлар. В. В. Андриановнинг фикрича, бу усул ибтидоий тузумнинг термачилик даврига бориб тақалади¹. Ушбу қадимий усул Тожикистоннинг Хуф водийси ҳамда Вахан ва Ишкашим туманларида, шунингдек, шимолий Қирғизистоннинг айрим туманларида ҳам кузатилган².

Иккинчи усул ҳам биринчи усулга яқин бўлиб, ушбу усулга кўра буғдой бошоклари оёқ остига олиб янчилган. Ундан ташқари ушбу усул орқали мош, ловия каби ҳосил турлари ҳам янчиб олинган. Ушбу усул ҳам дунёнинг кўплаб деҳқончилик ҳудудларида кенг тарқалганлиги хусусида маълумотлар учрайди³.

Учинчи усулда эса деҳқонлар ўз ҳосилларини “тўқмоқлаш” орқали янчиб олганлар. Ушбу усулдан хонадонидида ишчи ҳайвони бўлмаган камбағал оилалар фойдаланиб водийнинг Сўх туманида ушбу усул “лат қардан” деб юритилган⁴.

¹ Андрианов В. В. Земледелие наших предков. – М.: Наука, 1978. – С. 26.

² Бу ҳақда батафсил қаранг: Андреев М. С. Таджики долины Хуф. – Сталинабад, 1958, Вып. 2. – С. 82. Фриштейн Л. Ф. Способы молотыбы у северных киргизов // Полевые исследования Института этнографии АН СССР. – М.: Наука, 1975. – С. 91.

³ Ушбу усул Шимолий Қирғизистоннинг айрим деҳқончилик ҳудудларида, Мурғоб воҳасида, XIX асрда Воронеж губерниясида ҳамда тадқиқотчи А. И. Максимов томонидан австралия аборигенлари ҳамда Калифорния Ҳиндуларида аниқланган. Бу ҳақда батафсил қаранг: Фриштейн Л. Ф. Способы молотыбы у северных киргизов... – С. 93; Бежкович А. С. Кўрсатилган асар. – С. 53; Русский Историко-этнографический Атлас. Под ред А. А. Александрова и др. – М.: АН СССР, 1961. – С. 88 – 89.

⁴ Ушбу усул ҳақида тадқиқотчи М. С. Андреев шундай ёзади: “...тўқмоқлаш усули билан ҳосилни янчиб олиш Осиёнинг жуда кўп ҳудудларини камраб олади, шахсан мен, – дейди у, – Қобул шахри атрофларида, шу усулни учратдим ва Афғонистоннинг бошка ҳудудларида ҳамда Фарғонада ҳам мавжудлиги ҳақида эшитдим. Бундан ташқари ҳудди шундай усул Химолай ёнбағирларида ҳам кенг қўлланилади”. Қаранг: Андреев М. С. Таджики долины Хуф... – С. 82; Бу ҳақда яна Джахонов У. Кўрсатилган асар. – 58 – 59- б; Наливкин В. П. // ТВ. 1880. – №28.

Тўртинчи усулда эса ҳосил ўғир, жувоз ёки келилар ёрдамида янчиб олинган. Бу усул кўпроқ хирмонда янчилмай қолган ёки кипиғи ажралиши қийин бўлган ҳосилга нисбатан қўлланилган.

Бешинчиси эса “вал” усули бўлиб, ушбу усулдан Ўрта Осиёнинг барча деҳқончилик ҳудудларида кенг фойдаланиб, у водийнинг Сўх туманида¹ ҳамда Сурхондарё, Қашқадарё томонларда “чопар” деб ҳам юритилган². Вал ҳам, асосан, дарахт шохларидан тайёрланиб, шохлар икки ёки уч ходага маҳкамланади, оғирроқ бўлиши учун шохлар устига тошлар ва қоқларда кум қўйилади. Валнинг кенглиги 4 метр қалинлиги 50 – 60 см. гача бўлиб, уни, одатда, иккита хўкизга тортиришган. Валнинг устига водийнинг айрим туманларида одам ҳам ўтказилиб, бу юмуш кўпроқ болалар зиммасига юклатилган³. Водийнинг Косонсой туманида вал усулини маҳаллий аҳоли “гирди вал” деб ҳам аташган⁴. Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, манбаларда ёзилишича, вал усули водийда бошоқли экинларнинг баъзи бир турлари, масалан, арпа ҳосилини янчишда умуман фойдаланилмаган⁵. Чунки, ушбу экин турининг донлари юмшоқ бўлганлиги сабабли бу усулда янчилса, уларнинг аксарияти кукунга айланиб кетган.

Ҳосилни янчишнинг олтинчи усули – бу “пайҳон” усулидир. Бу усул Ўрта Осиёнинг айрим туманларида “галагов” ёки “хўп” деб ҳам юритилган⁶. Қирғизлар эса бу усулни “темин басуу” ёки “кирман бастыруу” (хирмон бостириш) деб атаганлар⁷. Бу усулни қўллашда хирмон ўртасига махсус қозик ёки устун ўрнатилиб, ушбу устун водийнинг айрим туманларида “Мўмик”, “ўмик” ёки “ғов” атамалари билан юритилган⁸. Унинг баландлиги 2 – 3 метр атрофида бўлиб, устунга 5 – 6 та хўкиз ёнма-ён қилиб боғланган ва бир киши томонидан айлантириб ҳайдала бошлаган. Айрим туман-

¹ Джаханов У. Земледелие таджиков долины Соха конце XIX – нач. XX в. – Душанбе, 1989. – С. 96 – 97.

² Шаниязов К. Узбеки-карлуки. – Ташкент, 1964. – С. 55.

³ Дала ёзувлари. Косонсой тумани, Ровот қишлоғи. 2002 й.

⁴ Дала ёзувлари. Косонсой тумани, Ободон қишлоғи. 2002 й.

⁵ Гамбург Б. С. Кўрсатилган асар. – С. 120.

⁶ Шаниязов К. Узбеки-карлуки. – Ташкент, 1964. – С. 55.

⁷ Фриштейн Л. А. Способы молотбы у северных киргизов. – С. 90 – 91; Полевые исследования Института этнографии. – М., 1974.

⁸ Дала ёзувлари. Фарғона, Мингбулок туманлари, Чимён, Момохон қишлоқлари. 2002 й.

ларда эса қозиқ ўрнида бирор киши туриб ёки хўкиз боғланиб га- лагов бошқарилган. Шунини таъкидлаш жоизки, қадимги туркийлар ушбу усулни ҳосилни янчиб олишда кенг қўллашиб, улар ўртадаги хўкизни “оп” деб аташган. С. Муталибовнинг таъкидлашича “хўп хайдамоқ” сўзи ана шундан келиб чиққан¹. Бизнингча ҳам ушбу фикр ҳақиқатга анча яқиндир.

Водий қирғизларида ҳосилни янчишда “тош мола” деб ата- лувчи янчиш мосламаси мавжуд бўлиб, ушбу моланинг асосий қисми оҳак ва кумдан тайёрланган². Бунда тош молалар цилиндр шаклида олти ёки саккиз қиррали қилиб ишланиб, унинг узунли- ги 55 – 60 см, диаметри 30 – 40 см бўлган. Молани тортиш учун цилиндр ичидан темир ўк ўтказилган. А. С. Бежковичнинг ёзиши- ча, бу мослама қирғизларга шарқдан уйғурлар томонидан, шимол- дан эса украин эмигрантлари томонидан XIX аср охири - XX аср бошларида олиб келинган. Буларнинг бир-биридан фарқи украин тош моласининг қирраси кўпинча олти қиррали бўлиб, тош ичи- дан ўтган ўк устига тўртбурчак (квадрат) ҳолатида ёғочдан мосла- ма ўрнатилган. Бундай тош молалар XIX аср – XX аср бошлари- да Фарғона водийсининг айрим тоғолди ҳудудларида яшайдиган қирғизларда кўпроқ қўлланилган³.

Водий деҳқонлари ҳосилни янчишда юқоридаги усуллардан ташқари яна бир усулдан фойдаланганлар. Унга кўра, ҳосил ки- чик-кичик боғларга бўлиниб тўнкага ёки каттароқ тошга урил- ган. Ушбу усул билан водийда кўпроқ шоли ҳосилини янчишда фойдаланилган. Ахборотчиларимиз таъкидлашларича, бу усул кейинроқ “корейс усули” деб ҳам юритилган⁴.

Ҳосил янчишида водий деҳқонлари беш панжали, тўрт панжали, уч ҳамда икки панжали ёғочдан тайёрланган меҳнат қуролларида фойдаланишган. Ушбу меҳнат қуроллари водийда ўрик, қайрағоч ва тут каби дарахт ёғочларидан тайёрланиб, уларни маҳаллий усталар, яъни ёғочдан ҳар хил рўзғор буюмлари ишлаб чиқарувчи йиқчилар (айрим туманларда “дукчи”) ясаганлар⁵. Баъзи манба-

¹ Маҳмуд Қашгарий. Кўрсатилган асар. – 70- б.

² Бежкович А. С. Историко-этнографические особенности киргизского зем- леделия; Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана // ТИЭ. Нов. сер. Т. ХСVIII. – С. 63.

³ Бежкович А. С. Ўша асар. – Б. 64.

⁴ Дала ёзувлари. Мингбулоқ тумани, Момохон кишлоғи. 2002 й.

⁵ Дала экспедицияларимизда аникланишича, “Йиқчилик” касби сулолавий

ларда кўрсатилишича, ушбу меҳнат қуроллари маҳаллий аҳолига лўлилар томонидан ҳам тайёрланиб сотилган ёки бирор маҳсулот турига айрбошланган¹. Бу меҳнат қуроллари Ўрта Осиёнинг барча деҳқончилик ҳудудларида кенг тарқалиб, ва турли номлар билан юритилган².

Фарғона водийсида ушбу меҳнат қуроли “беш илик” икки панжалари “айри” номлари билан водий тожикларида эса “панджшоҳ”, “чоршоҳ”, “сешоҳ”, “душоҳа”³, атамалари билан оммалашган. XX аср бошларига келиб бу меҳнат қуролларининг темирдан ясалган турлари ҳам оммалаша борди. Уларни водийда эндиликда темирчи усталар тайёрлай бошладилар. Шунга таъкидлаш жоизки, водий аҳолиси XX асрга келиб ушбу меҳнат қуролнинг барча нусхаларига (икки, уч, тўрт, беш панжали) нисбатан “бешилик”, водий тожиклари эса “панджшоҳ” атамасини қўллай бошладилар. Бешликлардан водий аҳолиси, асосан, янчилган ҳосилнинг сомонини ажратишда, ҳосилни ғанақ қилишда, сомонларни ғарам қилиб босишда ва бошқа турли ишларни бажаришда кенг фойдаланишган.

Водийда янчиб олинган ҳосилни тозалашда деҳқонлар ёғоч қурақлардан фойдаланишган. Ушбу меҳнат қуроллари ҳам водийда йикчилар ёки дурадгор усталар томонидан тайёрланган⁴. Улар водийда нафақат ҳосилни тозалашда балки турли юмушларни ба-

давом эттирилган. Масалан, водийнинг Қува тумани Толмозор қишлоғида ўрганилаётган даврда “Исмон йикчи”. “Мадумар йикчи” каби усталар бўлиб, уларнинг авлодлари ҳозирда ҳам ушбу касб билан шугулланишади.

¹ Гамбург Б. С. Кўрсатилган асар. – С. 120 – 121.

² Ушбу меҳнат қуроли юқори Зарафшон воҳаси Дарвоз, Хингоу дарёси хавзаси, Язгулом, Юқори Қашқадарё, Исфара, Сўх туманларида “Чор шоҳ”, “Панджшоҳ” номлари билан Тожикистоннинг Сайроб туманида “Шоҳак”, Хуф туманида “Секунд”, Хоразм ўзбекларида эса “Ява” номлари билан юритилган. Таъкидлаш жоизки, Хоразм ўзбекларининг “Ява” деб номланувчи ушбу меҳнат қуроли юқорида келтирилган меҳнат қуролларида тузилиши жиҳатидан анча фарқ қилган. Бундан ташқари, Бешкент тумани ўзбекларида ушбу меҳнат қуроли 8 панжали қилиб ҳам ясалган ва маҳаллий тилда “Дандона шоҳа” деб юритилган. Бу ҳақда батафсил қаранг: Фриштейн Л. А. Земледельческие орудия таджиков и узбеков... – С. 184 – 158; Земледелие помирских таджиков Вахара и Ишкашима в XIX – начале XXв. – М., 1975. – С. 59 – 60.

³ Джахонов У. Земледелие таджиков долины Соха... – С. 96 – 97.

⁴ Дала ёзувлари. Фарғона, Мархамат, Қува туманлари, Миндон, Ровот, Толмозор қишлоқлари. 2002 й.

жаришда ҳам қўл келганлар. Ушбу курул меҳнат турига қараб ҳар хил хажм ва турли кўринишларда тайёрланган. Водийда “курак”, “бел”, “зили бел”, “кафи бел” номлари билан юритилган¹. Улардан Ўрта Осиёнинг турли деҳқончилик ҳудудларида ҳам кенг фойдаланилган².

Бугдойнинг чориларини, янчилмай қолган ҳосил донлари ва қолган ортиқча чиқиндиларини тозалаш учун водий деҳқонлари, асосан, “ғалвирлардан” фойдаланишган³. Ғалвирлар икки турга бўлиниб, уларнинг бири тешиклари катта-катта ва олти бурчак кўринишида бўлган ғалвирлар бўлиб, бу маҳаллий тилда “парах ғалвир”⁴ ёки “фарох”⁵, деб юритилган. Шунга ўхшаш ғалвирлардан Ўрта Осиёнинг бошқа деҳқончилик ҳудудларида ҳам фойдаланилиб, турли номлар билан юритилган⁶.

Ғалвирларнинг иккинчи тури бу – тешиклари кичик бўлган ғалвирлар ҳисобланиб, улар, асосан, ун элашда ишлатилган ва “элак” деб юритилган⁷. Айрим ҳудудларда эса ғалвирларнинг “кепчик”⁸ деб аталувчи тури ҳам мавжуд бўлган. Аммо бундай ғалвирларнинг тўр тешиги бўлмай, улар водий деҳқонларига ғаллани тозалашда қўл келган.

Ушбу рўзғор анжоми, асосан, думалоқ шаклдаги қосқон ҳамда теридан тўкилган тўрдан иборат бўлиб, улар турли хажмда ва кўринишда бўлган. Уларни XIX аср охири – XX аср бошларида,

¹ Джаҳонов У. Кўрсатилган асар. – 94 – 95- б.

² Бу ҳақда батафсил қаранг: Андреев М. С. Таджики долины Хуф... – С. 43; Рахимов М. Р. Земледелие таджиков бассейна реки Хингоу... – Сталинабад, Изд АН Тадж ССР. 1957. – С. 36 – 37. Мухиддинов И. Земледелие памирских таджиков Вахана и Ишкашима... – С. 65; Фриштейн Л. Ф. Способы молотья у северных киргизов. Полевые исследование Института этнографии АН СССР. – М.: Наука, 1975. – С. 185 – 187.

³ Гамбург Б. С. Кўрсатилган асар. – С. 121.

⁴ Дала ёзувлари. Фарғона тумани, Қўрғонтепа кишлоғи. 2002 й.

⁵ Джаҳонов У. Земледелие таджиков долины Соха конце XIX – нач. XX в. – Душанбе, 1989. – С. 98 – 99.

⁶ Бу ҳақда қаранг: Улар жанубий Хоразмда “гир”, Тожикистоннинг Хуф туманида “фарахбиз”, Самарқанднинг айрим туманларида “тангарас”, Қашқадарё воҳасида эса “чиғил” деб аталган. Фриштейн Л. А. Земледельческие орудия таджиков и узбеков // МАЭ. Т. XXVI. Традиционное культура Передней и Средней Азии. – Л., 1970. С. 190.

⁷ Дала ёзувлари. Чуст тумани, Ободон кишлоғи. 2002 й.

⁸ Гамбург Б. С. Кўрсатилган асар. – С. 121.

асосан, Ўрта Осиёда яшовчи лўлиларнинг турли гуруҳлари тайёрлашиб, ҳосил янчилаётган ҳирмонларда, ғаллага айрибошлашган ёки бозорларда сотишган¹. Бир дона ғалвир ўша давр рус пулига 50 – 60 копеек турган².

Ҳосил тозалангандан кейин унинг чориси янчилмай қолган ҳосил донлари ҳам ташлаб юборилмаган. Уларни янчишда водийда “кели”лардан фойдаланилган³. “Кели”лар асосан ўрик, ёнғоқ ва тут ғўлаларидан тайёрланган бўлиб, улар икки қисмдан иборат бўлган. Маҳаллий аҳоли томонидан келилар шоли ва жўхори янчишда ҳамда қаттиқ нонларни эзиб талқон қилишда кенг қўлланилган. Бундай келилар дурадгор усталар ва йикчилар томонидан буюртма асосида тайёрланган⁴. Ушбу келилар бошқа халқларда ҳам мавжуд бўлиб, уни водий қирғизларида кели⁵, Чуй водийси қирғизлари эса “соқу”⁶ номлари билан юритганлар. Маҳмуд Қошғарий асарида қадимги туркий халқлар ҳосил янчишда фойдаланилган шунга ўхшаш рўзгор анжоми ҳақида маълумот берилиб, у ўша даврда “Қондигу” номи билан юритилган⁷.

XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғона водийсида ҳосилни сақлашда ҳам ўзига хос усуллари қўлланилган. Ҳосилни сақлашнинг водийда кенг таркаган усулларида бири – бу “ўрада” сақлаш усулидир. Бу жуда қадимий усул бўлиб⁸, ўрани тайёрлашда ернинг рельефи алоҳида аҳамият касб этган. Айрим манбаларда бундай ўраларда ҳосилни 3 йилгача сақлаш мумкинлиги ҳақида маълумот берилса⁹, “Зироатнома” асарида эса бундай усулда сақланадиган ҳосил 50 йилгача сифатини йўқотмаслиги қайд

¹ Дала ёзувлари. Фарғона тумани, Кўрғонтепа кишлоғи. 2001й.

² Гамбург Б. С. Кўрсатилган асар. – С. 65 – 66.

³ Дала ёзувлари. Марҳамат тумани, Ровот, Хасанмерган, Шукурмерган ва Юкорировот кишлоқлари. 2001 й.

⁴ Дала ёзувлари. Марҳамат тумани, Ровот кишлоқлари. 2001 й.

⁵ Дала ёзувлари. Чуст тумани, Ғалаба ж/х, Қораққўрғон кишлоғи, “Соғава қирғиз” маҳалласи. 2002 й.

⁶ Бежкович А. С. Историко-этнографические особенности киргизского земледелия; Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана // ТИЭ. Нов. сер. – М., 1976. Т. ХСVIII. – С. 97 – 68.

⁷ Маҳмуд Қошғарий. Кўрсатилган асар. 1 боб. Б. 453.

⁸ Ҳосилни сақлаш учун тайёрланган ўралар Чустда археологик қазилмалар пайғида ҳам топилганини I бобда айтиб ўтганмиз.

⁹ Шониёзов К. Кўрсатилган асар. – 179- б.

этилади¹. Булардан ташқари ўра сўзи Маҳмуд Қошғарий асарида ҳам “Ору” шаклида тилга олинади². Ҳосил сақлашнинг водийдаги бундай усули ҳақида В. П. Наливкин ҳам ўз асарида келтириб ўтади³. Ҳосилни ўрада сақлаш усуллари Ўрта Осиёнинг бошқа этнослари, жумладан, қирғизларда ва қозоқларда ҳам мавжуд бўлиб, уларда бу “ороо” деб юритилган. Ҳосилни сақлашда водий аҳолиси ёғоч сандиқлардан ҳам кенг фойдаланган.

Ушбу сандиқлар маҳаллий тилда “туя сандиқ” деб юритилиб, бу усулдан бой хонадонларда кўпроқ фойдаланилган⁴. Ушбу усул водийнинг ўтроқ аҳолисида кўпроқ оммалашган бўлиб, сабаби ушбу усулда ҳосил кемирувчилардан ишончли равишда сақланган. Ушбу сандиқларнинг номланишига келсак кекса ахборотчиларимизнинг таъкидлашича, бу сандиқлардан даставвал савдогарлар турли молларни ташишда фойдаланишган. Ушбу сандиқлар ўша даврнинг энг қулай юк ташувчи воситаси ҳисобланган туяларда ташилганлиги сабабли ушбу ном келиб чиққан бўлса керак. Водийда ҳосил сақлашнинг яна бир усули ҳам мавжуд бўлиб, бу усулда қамиш ёки қовғадан тўқилган “чиғ” ёки “четан”⁵ деб аталувчи ҳажми ҳар хил катталиқда бўладиган матонинг четларига ёғоч боғланиб, тўртбурчак шакл ҳолатига келтирилиб омборхоналарнинг шифтидаги тўсинларга ҳар томондан боғланган ва унинг ичига буғдой ёки шолилар ташланган. Бу усулдан мақсад ҳам ғаллани юқорида келтирилган кемирувчилардан сақлаш бўлган⁶.

Ҳосилни сақлашда водийнинг Косонсой, Риштон, Чуст туманларида лойдан ясаган катта-катта хумлардан фойдаланилган⁷. Аммо водийнинг бошқа ҳудудларида эса бу усул камдан-кам қўлланилган. Водийда ҳосил сақлашнинг яна бир усули мав-

¹ Фанн-и кишту зироат. М. Ҳасаний таржимаси. Зироатнома. – Тошкент, 1991. – 18 – 19- б.

² Маҳмуд Қошғарий. Кўрсатилган асар. 1 боб. – 115.- б

³ Наливкин В. // Туркестанские ведомости. 1880. – №29.

⁴ Дала ёзувлари. Фарғона тумани, Чимион қишлоғи. 2001 й.

⁵ Бундай буюмларни водийда, асосан, қорақалпоқлар тайёрлашган ва улар “мордон” ёки “бордон” деб номланган. Водийнинг айрим туманларида бу усулда ҳосил сақлашни “бордон” усули деб юритилиши ҳам ана шу номдан келиб чиққан бўлса керак.

⁶ Дала ёзувлари. Марҳамат тумани, Ровот қишлоғи. 2001 й.

⁷ Дала ёзувлари. Косонсой тумани, Ободон, Токаранг ва Ровот қишлоқлари. 2002 й.

жуд бўлиб, унда омборхоналар бурчагига бир қатор гувала ёки юпқа пахса девор урилиб лой билан сувалган. Унинг таги эса 40 – 50 см. кўтарилиб ходалар қўйилган лой ва гуваладан қилинган тўсиқ девор шу ходалар устига қурилган. Ушбу усул ҳам самарали ҳисобланган. Ушбу усул водийнинг Хўжанд вилоятида ҳам кенг тарқалган бўлиб, у ерда бундай ҳосил сақлагичлар “кандук” деб юритилган⁸. Шу ўринда келтириб ўтиш ўринлики, Маҳмуд Қошғарий асарида ҳам ҳосил сақлашда фойдаланиладиган ушбу буюм “кэндук” шаклида тилга олинса-да, у хум шаклида бўлишлиги таъкидланади⁹.

Водий деҳқонлари оз миқдордаги ловия, жўхори, мош ва шунга ўхшаш ҳосил турларини сақлашда ошқовокнинг “қовок” деб аталувчи навидан фойдаланганлар. Бундай ҳосил сақловчи қовоклар водийнинг Сўх туманида “донкади” деб юритилган¹⁰.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, Фарғона водийсида ҳосилни йиғиштириб олишда фойдаланиладиган меҳнат қуроли ҳам хилма-хил ва ўзига хос бўлган. Водийликларнинг ушбу меҳнат қуролларидан жуда қадим замондан фойдаланиб келаётганини археологик маълумотлар ҳам тўла тасдиқлайди. Шунингдек тарихий манбаларда ҳам туркий қабилаларнинг “орғақ”, “бўчи”, “баштар” каби меҳнат қуролларидан фойдаланганликлари қайд этилган. Демак, бу асрлар давомида такомиллашиб келган ушбу меҳнат қуролларининг ўрганилаётган даврга келиб бир неча турлари пайдо бўлишига сабаб бўлган. Ҳосилни ўриб-йиғиб олишда ишлатиладиган асосий меҳнат қуроли “ўрок”нинг биргина водийда бир неча нусхаси, яъни “ойнусха ўрок”, “шохи ўрок”, “беда ўрок”, “қамиш ўрок” каби турларининг мавжудлиги юқоридаги фикримизга далил бўла олади. Водийликларнинг ушбу меҳнат қуроли маҳаллий усталар томонидан жуда сифатли қилиб ишланганлиги боис, унга бўлган талаб водийга қўшни худудларда ҳам кенг тарқалишига олиб келди. Ўрганилаётган даврда водийда ҳосилни йиғиб, териб олишда, уни ташишда, янчиш ва сақлашда фойдаланиладиган меҳнат қуролларини тайёрлаш ва улардан фойдаланилишида турли усул-

⁸ Ершов Н. Н. Сельское хозяйство таджиков Ленинабадского района // ТаджССР. – Сталинабад, 1960. – С. 138 – 139.

⁹ Маҳмуд Қошғарий. Кўрсатилган асар. I том. – 444- б.

¹⁰ Джаханов У. Кўрсатилган асар. – С. 78 – 79.

лар қўлланилган. Таъкидлаш жоизки, водий худудида истиқомат қилган халқларда бу соҳада ўзига хос этномаданий анъаналар шаклланган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки ўрганилаётган даврда водий деҳқончилиги кўплаб ўзгаришларга бой бўлди. Бу пайтга келиб ўлкага турли инновацион технологиялар, водий аҳолиси учун янгилик бўлган қишлоқ хўжалик техникалари ва асбоб ускуналари кириб келган. Буларга суғориш насослари, плуглар, ўғит сочадиган, уруғ экадиган техникавий мосламалар, нефт, буғ билан ишлайдиган тракторларни олишимиз мумкин. Албатта, бундай мосламалардан аввало Туркистонга кўчиб келган русийзабон аҳоли фойдаланган. Бироқ вақт ўтиши билан маҳаллий аҳоли ҳам жуда оз бўлсада анъанавий меҳнат қуролларидан ташқари юқоридаги мосламалар ва техникалардан фойдалана бошлаган.

III БОБ. ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЎЗБЕКЛАРИНИНГ ДЕҲҚОНЧИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАРИ

III. 1. Экин экиш ва парвариш қилиш билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар: тарихий асоси, маҳаллий хусусияти ва трансформацияси

Анънавий деҳқончилик маданиятини, хусусан унинг шаклланиши, у билан боғлиқ урф-одат ва маросимларни, қолаверса аграр культларни илмий жихатдан тадқиқ этиш тарихчи олимларни, жумладан, этнографларни ҳамиша қизиқтириб келган ва бу борада мутахассислар томонидан бажарилган изланишлар туфайли маълум бир илмий натижаларга ҳам эришилган¹.

Маълумки, асрлар давомида деҳқончилик хўжалигини юритиш бўйича тўпланган катта тажриба ва усуллар, нозик фенологик кузатишлар кашф қилинган. Булар асосида эса ўзига хос деҳқончилик анъаналари ҳамда маросимлари шаклланган. Таъкидлаш жоизки, мазкур анъаналарда диний-мифологик қарашлар ва ритуаллар ҳам муҳим аҳамият касб этган. Умуман олганда, деҳқончилик билан боғлиқ урф-одатлар, маросимлар халқ тафаккурининг ғаройиб мўъжизаларидан биридир. Ўзбек халқи ҳам қадимдан уларга амал

¹ Гулямов Я. Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. – Ташкент, 1957. – С. 122; Заднепровский Ю. А. Древнеземледельческая культура Ферганы. – М., 1962. – С. 78 – 83; Мухаммаджонов А. Қуйи Зарафшон воҳасининг суғорилиш тарихи. – Тошкент, 1972. – 376- б; Андрианов Б. В. Земледелие наших предков. – М., 1978. – С. 90; Антонова Е. В. Очерки культуры древних земледельцев Передней и Средней Азии. Опыт реконструкции мировосприятия. – М., 1984. – С. 262; Анарбаев А. А., Максудов Ф. А. Древний Маргилан. Из истории земледельческой и городской культуры Ферганы. – Ташкент: Фан, 2007; Ўзбекистон худудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдишлари ва замонавий жараёнлар. – Тошкент, 2006. Б.

килиш баробарида уларга тааллуқли қоидалар, дуолар, айтимлар ва аломатларни яратган¹.

Дехқонларнинг табиат инжиқликлари олдидаги ожизлиги, сермашаққат меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилнинг табиий офатлар туфайли нобуд бўлиши ва табиатнинг номаълум кўринмас кучларидан кўрқув ва муаммолардан кутулиш чораларини излаш ҳам деҳқончилик билан боғлиқ қатор магик маросимлар бажарилишига асос бўлган. Мазкур маросимлар ва урф-одатлар илдизи жуда узоқ даврга бориб тақалиб, қадимги анимистик тасаввурлар билан боғлиқ бўлган. Деҳқончилик билан боғлиқ равишда ўтказилган урф-одатлар, маросимлар турли аграр культларнинг магик (сеҳргарлик) кучига бўлган ишонч асосида шаклланган.

Таниқли немис фольклоршуноси В. Маннхардт илк бор деҳқончилик билан боғлиқ турли афсоналар ва образларда ўсимликлар оламининг жонланиши сирлари намоён бўлиши муаммосини илгари сурган эди². Унинг таъкидлашича, маросимлар ва культлар асосида инсон табиатдаги ўзга мавжудотлар сингари ўсимликларда яшайди, деган нуқтаи назар мавжуд бўлган. Олимнинг фикрича, руҳнинг ўсимликка эврилиши тўғрисидаги қуйи мифология юқори илоҳлар тўғрисидаги мифологияга асос бўлган. Айнан қуйи мифология ўзига хос яшовчан бўлганлиги туфайли, унинг излари деҳқончилик маросимларида яхши сақланиб қолган³.

Машхур инглиз тадқиқотчиси Ж. Фрэзер Маннхардт маълумотларига таянган ҳолда қадимий аграр дунёқарашга оид манзарани қайта тиклаб, унинг ривожланиш босқичларини кўрсатади ва антик культлар маданиятнинг турли ривожланиш босқичларида оралиқ бўғин сифатида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди. Қолаверса, замонавий диншунослик фани асосчиларидан бири бўлган Ж. Фрэзер тарихий таққослаш усули асосида илк мифологик қарашлар ва ритуаллар билан Европа халқлари деҳқончилик маросимларининг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиб беришга урунган⁴.

¹ Аширов А. “Авесто” ва деҳқончилик анъаналари хусусида айрим мулоҳазалар // O‘zbekistonda ijtimoiy fanlar. – Тошкент, 2005. – №. 1 – 2. – 212- б.

² Mannhardt W. Wald-uhd Feldkulte. – Berlin, 1862. – P. 24.

³ Покровская Р. Я. Земледельческая обрядность // Календарные обычаи и обряды в странах зарубежной Европы: Исторические корни и развитие обычаев. – М., 1983. – С. 67.

⁴ Каранг: Фрэзер Дж. Золотая ветвь. – М.: Политиздат, 1986. – С. 243.

Дарҳақиқат, деҳқончилик билан боғлиқ равишда ўтказилган урф-одатлар, маросимлар турли аграр культларнинг магик (сеҳргарлик) кучига бўлган инонч асосида шаклланган. Шу боисдан ҳам деҳқончилик билан боғлиқ удум ва маросимларнинг кўплари исломгача бўлган табиат ҳодисаларини илоҳийлаштириш, осмон ва ер илоҳларига сиғинишга асосланган. Шарқнинг деҳқончилик воҳалари аҳолиси қадимий турмуш тарзида муҳим ўринни эгаллаган ўлиб қайта тирилувчи илоҳлар култи таниқли диншунос ва этнограф В. Н. Басилов фикрича, айнан ислом таъсирида унутилган¹. Бироқ этнолог олим А. Ашировнинг таъкидлашича, қадимги аграр культлар ислом кириб келиши билан буткул йўқ бўлиб кетмаган, балки исломий қарашлар билан синкретик (қоришган) ҳолда сақланиб қолган ва, ҳатто, даврлар оша XX асргача етиб келган².

Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари қатори водий ўзбеклари ҳам деҳқончилик анъаналарини Шарқ халқлари тақвими асосида олиб борган. Баҳорги дала ишлари, маҳаллий тақвимга кўра, янги йил – куёшнинг балик (хут) буржидан кўй (ҳамал) юлдузлар туркумига ўтган вақтдан бошланган. Ҳозирги амалдаги ой календари бўйича бу 21 мартдан бошланиб 21 апрелгача бўлган даврни ўз ичига олади³. Бошқачасига, дастлабки деҳқончилик юмушлари Наврўз тантаналари билан бир пайтда бошланган.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ўзбекларда баҳорги дастлабки ерга ишлов бериш ишларида баъзан ҳафта кунларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Чунончи, Андижонда баҳорги ер ҳайдашни шанба куни бошлашни маъкул деб билганлар⁴. Бизнингча, бу қадимги деҳқончилик ирим- сиримларига кўра ҳосиятли ва ҳосиятсиз кунлар тушунчаси билан боғлиқ бўлса керак.

Хоразмда эса ҳосил баракали бўлиши учун душанба ва чоршанба

¹ Басилов В. Н. Божество аграрных культов // Культ святых в исламе. – М., 1970. – С. 10.

² Аширов А. А. Ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида қадимий диний эътиқодлар (Фарғона водийси материаллари асосида. Тарих фанлари док. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация қўлёзмаси. - Тошкент, 2008. – 141-б.

³ Кисляков Н. А. Старинные приёмы земледельческой техники и обряды связанные с земледелием, у таджиков бассейна реки Хингуй // СЭ. – 1947. – №1. – С. 21; Нарзикулов А. Деҳқон тақвими. – Тошкент: Меҳнат, 1991. Б. 7 – 11.

⁴ Дала ёзувлари. Андижон вилояти, Булокбоши тумани. 2004 й.

ба кунлари ер ҳайдаб экин экиш хайрли амал ҳисобланган. Бошқа кунлари ер ҳайдаш хосиятсиз деб ҳисоблангани боис ҳафтанинг бошқа кунлари ушбу фаолият билан шуғулланиш тақиқланган. Бу кунларда ер агар кундуз куни ҳайдалса шимолга қараб, кечаси ҳайдалса жанубга қараб шудгорланган¹.

Умуман олганда, ўзбек халқининг аجدодлари қадимдан ҳафта кунларини ва ўша кунлари рўй берадиган табиат ҳодисаларини кузатиб, махсус “солнома” ва “ҳафтанома”лар тузишганки, бу манбаларда ҳафтанинг қайси куни қандай ишлари амалга ошириш мумкин ёки мумкин эмаслигини белгилаб берган². Масалан, ҳафтаномада шундай битикларга дуч келишимиз мумкин: “Шанба (Зухал)-деҳқончилик қилмоқ яхшидур, бир донага минг дона баракат берур, ҳаргиз бефойда бўлмас. Якшанба (Қуёш)-деҳқончилик қилмоқ яхши эмас, офат тушгай. Душанба (Ой)- деҳқончилик қилмоқ яхшидур. Сешанба (Миррих)-агар зироат қилса, қурт, сичқон ё ҳайвондин ул зироат шикаст топгай. Чоршанба (Аторуд)-аммо деҳқончилик қилмоқ яхшидур, баракат пайдо бўлур, хирмон олмоқ яхшидур. Пайшанба (Муштарий)-ҳамма қорларга яхшидур. Жума (Зухра)-деҳқончилик қилмоқ яхшидур”³.

Деҳқончилик билан боғлиқ ўзига хос маҳаллий агромаданият анъаналарида баҳорги экиш мавсумида далага биринчи қўш чиқариш маросими муҳим амалий аҳамият касб этган. Чунки етиштирилган ҳосилнинг мўл бўлиши ва йил баракали келиши экиш мавсумининг ўз вақтида сифатли ўтказилишига боғлиқ бўлган⁴. Айнан шу боис ҳам жаҳон халқлари этнографиясида далага илк бор қўш солиш, ерга уруғ сепишга алоқадор маросим ва удумлар кенг қўламда ўтказилган ҳамда бу жараён махсус этнография адабиётларида тадқиқ этилган⁵.

¹ Leonid Pavlovic Potapov. Materialien zur Kulturgeschichte der Uzbeken... – P. 74.

² Щербак А. М. Сал-наме (по рукописи В – 721), хранящейся в рукописном отделе ЛО ИВАН // Письменные памятники Востока – 1971. – М., 1974. – С. 171 – 180.

³ Ҳафтанома. – Тошкент, 1990. – 2 – 8- б.

⁴ Жўраев М. Ўзбек халқ аграр маросимлари тизимида “шоҳ мойлар” ёки “биринчи қўш” удуми // Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар. – Тошкент, 2006. – 84- б.

⁵ Чурсин Г. Праздник выхода плуга у горских народов Дагестана // Известия Кавказского историко-археологического института. – Тифлис, 1927. Т. 5. – С. 124 – 156; Чибирев Л. А. Народный земледельческий календарь осетин. – Цхинвали,

Фарғона тумани Каптархона қишлоғида авваллари далага дастлабки қўш чиқарилаётганда деҳқонлар янги либосларини кийиб, ушбу кунни тўкин-сочинлик ва шоду хуррамликда ўтказишга ҳаракат қилганлар¹. Удумга кўра биринчи қўшни қишлоқнинг ёши улуғ, обрўли кишиларидан бири бошлаб берган. Таниқли фольклоршунос олим Б. Саримсоқовнинг таъкидлашича, ушбу куннинг бундай тантана билан ўтказилиши биринчи кун магиясига алоқадор бўлган². Биринчи кун магиясига кўра, бирор-бир фаолият ёки йилнинг бошланиши қандай бўлса, ўша фаолият йил ниҳоясига қадар ана шундай руҳда давом этади, деган тасаввур ҳукмронлик қилади³. Қолаверса, кекса ёшли, пиру бадавлат, иши доим олдинга кетадиган тадбиркор, обрўли кишининг биринчи қўшни ҳайдаб бериш одати унинг хўжалик юритишдаги бой тажрибаси билангина боғлиқ бўлмаган. Бу ўринда узоқ умр кўрган, серфарзанд, бадавлат кишининг ўзига хос рамзий фазилатлари заминга, етиштириладиган ҳосилга ўтишига қаратилган ўзига хос магик қонуният айнан кекса кишининг дастлабки қўшни бошлаб беришига сабаб бўлган. Деҳқонларнинг биринчи марта ер ҳайдаш учун қўш ва хўкизларни ҳам махсус тайёрлаш одати маълум маънода қадимги аграр культлар билан боғлиқ⁴. Ўрта Осиёда қадимда хўкиз серпуштлик рамзи ҳисобланган ва шу боис ерни омоч билан ҳайдаш орқали унинг ғайритабиий хусусияти ерга ва етиштириладиган ҳосилга ўтиши мумкин⁵, – деган архаик қараш асос бўлган бўлса керак.

Ўрта Осиё халқлари, жумладан, Фарғона водийси ўзбекларида деҳқончилик ҳомийси ҳисобланган Бободехқон култи ва ушбу культ билан боғлиқ ҳолда бажарилувчи жуда кўплаб урф-одат ва

1976. С. 12 – 34; Календарь и календарные обряды народов Дагестана. – Махачкала, 1987. – С. 8 – 17; Хаджиева Т. Х. Эстетическая и утилитарно-магическая функция календарных песен балкарцев и карачаевцев (весенне – летний цикл) // Календарно-обрядовая поэзия Северного Кавказа. – Махачкала, 1988. – С. 60 – 78; Жўраев М. Ўзбек халқ аграр маросимлари тизимида “шоҳ мойлар” ёки “биринчи қўш” удуми... – 83 – 90- б.

¹ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Каптархона қишлоғи. 2003 й.

² Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклари. – Тошкент, 1986. – 52 - б.

³ Биринчи кун магияси ва биринчи савдога бўлган магик инонч борасида багафсилроқ қаранг: Покровская Р. Я. Земледельческая обрядность... – С. 71.

⁴ Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари... – 14 – 36- б.

⁵ Штернберг Л. Я. Первобытная религия в свете этнографии... – С. 431.

расм-русумлар кенг тарқалган. Аниқроғи деярли дехқончиликда ўтказиладиган барча урф-одат ва маросимларда, шунингдек, уруғ қадашда уни парваришлаш ва йиғиб олишда “Бободехқон”га эътиқодда бўлинган¹. Дехқончилик ҳомийси ҳисобланган Бободехқон халқ орасида ўзининг қатор ижобий хислатлари билан ажралиб кулът тарзда машҳур бўлган. Чунончи маҳаллий дехқонлар тасавурида у ҳалол меҳнат билан кун кўрувчи, бошқалар ҳақидан ҳазар қилувчи дехқонларнинг ҳалол меҳнатининг ривожига ва ҳосилига барака ато этувчи пир ҳисобланган².

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Бободехқон кулътига ўхшаш дехқончилик кулътларига эътиқод қилиш, ер юзининг бошқа ҳудудларида, чунончи, Ҳиндистон, Ҳиндихитой Африка, Шимолий ва Жанубий Америка дехқонлари орасида ҳам мавжуд³.

Фарғона водийси аҳолиси орасида “Бободехқон” кулъти билан бир вақтда “Хизр бува” кулъти ҳам оммалашган⁴. Ушбу кулът водий аҳолиси ҳамда Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари тасавурида эзгу-савоб ишларни амалга оширувчи, инсонларга ёрдам қўлини чўзувчи, адашганларга йўл кўрсатувчи, турли мушкулотлардан халос этувчи авлиё сифатида намоён бўлган⁵. Водий аҳолиси дехқончилиги бароридан келган, омади чопган кишиларни “Хизрназар” одам “Хизр суйган” одам деб атаганлар, таъкидлаб ўтиш жоизки, шу кунларда ҳам Фарғона водийси аҳолиси ора-

¹ Шу ўринда қайд этиш ўринлики, Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида ушбу кулътга нисбатан “Бободехқон” атамасидан ташқари “Хўжа Абдулло дехқон”, “Хўжаи Хидир” номлари ҳам қўлланилган. Бу ҳақда қаранг: Мухиддинов И. Обряды и обычаи, связанные с земледелием у памирских таджиков Вахана и Ишнашима в XIX – начале XX в. // СЭ. 1973. – №3. – С. 9; Рахмонов Ф. Ш. Қашқадарё воҳаси аҳолисининг зироатчиликка оид урф-одатлари ва маросимлари (XIX асрнинг охири – XX аср бошлари) тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этган диссертация. – Тошкент, 2002. – 40 – 51- б.

² Бартольд В. В. Ислам. – ПГ, 1918. С. 115 – 116; Сухарева О. А. Ислам в Узбекистане. – Ташкент, 1960. – С. 28; Он же. К вопросу о генезисе профессиональных культов у таджиков и узбеков // Труды АН ТаджССР. 1960. Т. 120. – С. 197 – 207; Мурадов О. Следи анимистических представлений у таджиков средней части долины Зерафшана // Известия АН ТаджССР отд. общ. наук. 1976. – №3 (85) – С. 98 – 101.

³ Токарев С. А. Ранние формы религии и их развитие. – М.: Наука, 1964. С. 383.

⁴ Дала ёзувлари. Мархамат, Фарғона, Кува, Косонсой, туманлари. 2002 й.

⁵ Муродов О. Кўрсатилган асар. – С. 98 – 99; Поярков Ф. Из области киргизских верований // Этнографический обозрение. Кн. 11. 1991. – С. 28 – 29.

сида Хизр бува култи билан боғлиқ хилма-хил ривоятлар мавжуд. Қолаверса, деҳқончилик ҳомийси Бободехқон ва Хизр бува иштироки билан боғлиқ урф-одат ва маросимларга исломий тус берилиши, яъни уларни илоҳийлаштириш халқ орасида мазкур ҳомийлар мавқеини янада оширган.

Юқоридагилардан шу нарса маълум бўладики, деҳқончилик ҳомийси Бободехқон образи ўзининг узоқ тарихига эга. Этнолог А. Аширов деҳқончилик хўжалик анъаналарига боғлиқ ҳолда кенг тарқалган “Бободехқон” культининг келиб чиқиш асосига кўра, Митра илоҳи билан боғлиқлигини тарихий-этнографик материаллар асосида исботлашга ҳаракат қилган¹. Дарҳақиқат, ушбу образ қадимги аждодларимизнинг табиий ҳодисаларни илоҳийлаштириш, ҳосилдорлик илоҳларига топиниш анъаналари замирида пайдо бўлган ҳамда ҳомий куч тимсоли сифатида мифологик қаҳрамонлар қаторидан ўрин олган. Юқорида номлари тилга олинган ва бошқа деҳқончилик культларининг Ўрта Осиё халқлари ҳаётида тутган ўрни ва улар билан боғлиқ анъаналар борасида кўплаб муаллифлар маълумотлар берган².

Фарғона водийси ўзбекларининг анъанавий деҳқончилик маросимлари тизимида осмон ва сайёралар ҳаракати билан боғлиқ қатор урф-одат ва маросимлар ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Маълумки, самовий ёриткичлар асрлар мобайнида инсонларни қизиқтириб келган. Ўзбек халқининг аждодлари йил фасллариининг ўрин алмашиши муддатлари билан бирга юлдуз буржларини ҳам жуда яхши билишган. Ҳолбуки, самовий ёриткичлар ҳаракатини кузатишга асосланган ҳаётий тажрибалар уларнинг

¹ Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент, 2007. Б. 14 – 46.

² Андреев М. С. По поводу процесса образования примитивных среднеазиатских древних цеховых сказаний (рисола) // Этнография. 1927, – №1 – 2. – С. 84; Сухарева О. А. Ислам в Узбекистане. – Ташкент, 1960. С. 140; Его же. Пережитки демонологии и шаманства у равнинных таджиков // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М., 1975. – С. 80 – 94; Басилов В. Н. Культ святых в исламе. – М.: Мысль, 1970. – С. 10 – 25; Его же. Хозяйства западных туркмен ёмудов в дореволюционный период и связанные с ним обряды и верования // Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана. – Л., 1973. – С. 201; Рассудова Р. Я. Значение культовых мест для освещения истории земледелия в Ферганской долине // Краткие содержания докладов годичной научной сессии института этнографии АН СССР, 1970. – Л., 1971. – С. 23 – 30; Пешерева Е. М. Ягнобские этнографические материалы. – Душанбе, 1976. – С. 84.

кундалик ҳаётида, хусусан, деҳқончилик анъанларида муҳим амалий аҳамият касб этган. Шунинг учун ҳам деҳқонлар юлдузлар ҳаракати, Қуёш ва Ойнинг ҳолатига қараб об-ҳаво қандай бўлишини аниқлай олишган. Бу эса деҳқончиликнинг бароридан келишида муҳим аҳамият касб этган.

Деҳқонларнинг асрлар давомида табиатни изчил кузатиш натижасида орттирган тажрибалари асосида деҳқончилик тақвими пайдо бўлган¹. Қишлоқ хўжалигида қўлланилган деҳқон тақвими ҳар бири 90 кунлик муддатни ўз ичига олган фасллардан ташкил топган: баҳорги тўксон (ҳамал, савр, жавзо), ёзги тўксон (саратон, асад, сумбула), кузги тўксон (мезон, ақраб, қавс) ва қишки тўксон (жаддий, далв, хут). Ёзги жазирама иссиқ ва қишки совуқ даврлар катта ва кичик чиллаларга бўлинган. Деҳқончиликда фаслларнинг бундай бўлинишлари ҳақида рус тадқиқотчилардан бири Н. Наливкин тўхталган².

Фарғона водийсида деҳқончилик билан боғлиқ бўлган йил ҳисобининг бошқа бир қатор усуллари ҳам мавжуд бўлган. Чунончи водийлик деҳқонларда ўзига хос тарзда қўлланилган усуллардан бири – инсон тана аъзоларига қараб ҳисоблаш усулидир. Бундай усулни Сўх туманида “ҳисобий мардий” деб юритилган³. Ушбу усул халқ орасида жуда кенг оммалашган бўлиб, у жуда қулай бўлган ва мураккаб ҳисоб-китобни талаб қилмаган, бу эса оддий деҳқон учун жуда қўл келган. Йил ҳисобининг бу усули инсон

¹ Ўрта Осиёда деҳқончилик тақвими билан бир пайтда турли тақвим турлари ҳам мавжуд бўлган. Уларга: 1) Ернинг Қуёш атрофида айланишига асосланган шамсий тақвим; 2) Ой фазаларининг доимий ўзгаришга асосланган камарий тақвим; 3) Қуш қайи ёки долға ҳисоби (мавсумий қушларнинг кўкламда учиб келиши ва қишлоқ учун кузда иссиқ ўлкаларга учиб кетиш муддатларига асосланган маҳаллий вақт ҳисоби-Фенологик календар); 4) Тўғал ёки тўқуш ҳисоби; 5) Тошув ҳисоби (яъни дарё тошқинлари асосида). 6) Мучал ҳисоби; 7) Чорва ҳисобларини олишимиз мумкин. Ушбу тақвим турларидан ташқари XIX аср охири – XX аср бошларида водийнинг айрим туманларида Эрон қуёш календари ҳам мавжуд бўлган. Ушбу тақвимлар ҳақида батафсил қаранг: Жўраев М. Ўзбек халқ тақвими ва мифологик афсоналар. Бухоро, 1994. – 5 – 6- б; Нарзиқулов А. Деҳқон тақвими. – Тошкент, 1991. – 8; Джахонов У. Кўрсатилган асар. – С. 80 – 88; Лившиц В. А. Зороастрийский календарь // Бикерман Э. Хронология древнего мира. Ближний восток и античность – М.: Наука, 1975. – С. 6 – 15. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент, 1986. – 40 – 42- б.

² Наливкин В. П. // ТВ. 1880. – №5.

³ Джахонов У. Кўрсатилган асар. – С. 82 – 83.

оёқларидан бошланиб, унинг бош қисмигача давом этган. Масалан, инсон оёгининг остки қисми ҳамда оёқ бармоқлари ва тирноқлари 7 кунга ажратилган бўлса, инсон оёқларининг тиззадан тепа қисми 8 кун ҳисобланган. Шунингдек, инсоннинг бўйин қисмига 30 кун ажратилган бўлиб, шу йўсинда инсоннинг тана аъзоларига маълум миқдорда кунлар тақсимланиб чиқилган. Бу усул Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида ҳам мавжуд бўлган ва турли атамалар билан юритилган¹.

Юқорида қайд этганимиздек, халқ орасидаги тақвим ҳисобдонлари бир пайтнинг ўзида фенологик кузатувларни ҳам олиб боришган. Бизга маълумки, табиат ўзгаришларини доимий равишда кузатиб бориш ва таққослаш фенологик кузатувларнинг муҳим омили ҳисобланади². Ушбу кузатувчилар об-ҳавонинг қандай келишини йилнинг қайси ҳайвон мучалида бўлишига ҳам боғлашиб, ўз тахминларини баён қилишган. Масалан, маҳаллий ҳисобдонлар фикрича, қўй, қуён, балиқ, ит ва тўнғиз йили серҳосил йиллар бўлар экан.

Маълумки, янги фасл – баҳор бошланиши билан аҳоли орасида, айниқса, деҳқонларда бир қатор ўзига хос байрам ва маросимларни нишонлаш бошланган. Наврўз келиши билан водийнинг барча қишлоқларида байрам ва сайллар ўтказилган, сумалаклар пиширилган. Баҳорда, яна водийнинг турли ҳудудларида “гул сайли”, “ўрик гули” сайли “лола” сайли анъаналари ўтказилган³.

Байрамлар билан бир қаторда водийда баҳорги деҳқончилик юмушларига тайёргарлик ҳам бошланган. Бўйинтуруқ омов ва мола каби деҳқончилик анжомлари янги деҳқончилик мавсумига тахт ҳолга келганлиги кўздан кечирилган. Водий аҳолисида эрта баҳорда деҳқончилик ишлари бошланишидан олдин “худойи”лар ўтказиш, яъни жонлиқ сўйилиб, ис чиқариш одати кенг тарқалган эди.

Ушбу худойилар масжид ёки мазорлар яқинида ўтказилиб, унга кекса деҳқонлар, оқсоқоллар бошчилик қилишган. Илгари бундай маросимлар учун қишлоқ хонадонларидан буғдой ва озиқ-

¹ Майский П. Исчисление полевого периода сельскохозяйственных работ у горцев Памира и Верхнего Винча // СЭ. 1934. – №4. – С. 102 – 104.

² Головач А. Г. Фенологические наблюдения в садах и парках. – М., 1951. – С. 8.

³ Пещерева Е. М. Праздник тюльпан (лола) в сель. Исфара Кокандского уезда-В. В. Бартольд. Ташкент, 1927. – С. 373 – 383

овқат маҳсулотлари йиғилган бўлса, кейинчалик маълум миқдорда маблағ ҳам йиғилиб, ушбу пулга бирор жонлиқ сотиб олинган ва қурбонлиқ учун сўйилган. Таомлар танаввул қилинган, маҳалла муллеси Қуръон оятларидан тиловат қилган ва оқсоқоллар ушбу худойи савобини “ўтганларнинг” руҳи покларига бахшида этишиб, келаётган йил хосиятли, деҳқончилик учун серҳосил ва баракали бўлишини Оллоҳдан сўраганлар¹. Бундан ташқари водийда яна дарवेशоналар ҳам ўтказилиб, у ҳам “худойига” ўхшаш тарзда амалга оширилган².

Таниқли элшунос Э. Б. Тайлор хайри худойи маросимларини худди илтижо ва дуолар каби инсониятнинг илк, энг қуйи босқич тараққиётига хос деб ҳисоблайди³. Умуман, қурбонликлар қилиш диннинг энг илк шаклларида то замонавий ва жаҳон динларига хос одатлардан биридир⁴. Масалан, қадимги Шумерда ҳўкиз, си-

¹ Аширов А. А., Саримсоқов А. Фарғона водийси ўзбекларининг деҳқончилик билан боғлиқ маросимлари ва урф-одатлари // Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари... – 98 – 100- б.

² Бизнингча, ушбу маросимларнинг водий аҳолиси томонидан деҳқончилик юмушлари бошланишдан аввал ўтказилиши, унинг дастлабки кўринишидан бироз фарқ қилади. Манбаларда келтирилишича, юқоридоғи ҳар икки маросим нафақат водий, балки Ўрта Осиёнинг бошқа деҳқончилик ҳудудларида ҳам баҳорги экин-текин ишлари тугаллангандан сўнг ёки қурғоқчилик бўлсагина амалга оширилган. К. Шониёзовнинг ёзишича, худойилар қурғоқчилик йилларида ўтказилиб, унга кўра қишлоқ аҳолиси бузук ёки бирор қўйни сўйишиб ундан тайёрланган таом билан қишлоқнинг камбағал-қашшоқ оилаларини ҳамда турли йўловчи ва мусофирларни меҳмон қилишиб, эвазига Оллоҳдан ёмғир сўраб илтижо қилишларини сўрашган. Деҳқонлар агарда бундай одамлар Оллоҳга илтижо қилса, Оллоҳ уларнинг дуосини тезроқ ижобат қилади, деб ишонишган. Дарвишона маросими ҳам дастлаб бироз бошқачароқ бўлиб, ушбу маросим ҳам асосан қурғоқчилик йилларида амалга оширилган. Унга кўра, икки-уч кишидан иборат қишлоқнинг ҳурматли кишилари хонадонлардан турли хил озик-овқат маҳсулотлари ёки пул йиғишиб, йиғилган маҳсулот ёки маблағни ўша қишлоқнинг ночор, камбағал оилаларига беришиб, улардан Оллоҳга илтижо қилишларини сўрашган. К. Шониёзовнинг таъкидлашича, дарвишона сўзи “дунё” кезувчи дарвишларга хайр садақа бериш маъносини берад экан. Водийнинг айрим туманларида юқоридоғи маросимлар айрими ўзига тўқ хонадон бошлиқлари ёки маълум бир кишилар томонидан шахсий маблағ ҳисобидан ҳам ўтказилган. Ушбу маросимлар ҳақида батафсил қаранг: Шониёзов К. Ш. Ўзбеки-карлуки. – Ташкент, 1964. С. 51; Джаханов У. Қўрсатилган асар... – 111 – 112- б.

³ Тайлор Э. Б. Первобытная культура. – М., 1990. – С. 465.

⁴ Дунёнинг кўплаб халқларидаги қурбонлик маросими борасида батафсилроқ қаранг: Токарев С. П. О жертвоприношениях // Природа. – 1983. – №10. – С. 32.

гир, қўй каби ҳайвонлар билан бирга баъзан қушлар ҳам сўйилган, егулик неъматларидан ҳам тангриларга эҳсон этилган¹. Этнолог олим А. Ашировнинг таъкидлашича, деҳқонлар томонидан ҳосилни йиғиб олишдан аввал хайри худойи қилиш уни беэиён йиғиштириб олиш мақсадида ёвуз руҳлар, инсу жинслар хуружининг олдини олишга қаратилган².

Фарғона водийсида эрта баҳорда деҳқончиликни яхши биладиган кексалар далаларга чиқиб тупроқни шудгорлаш учун этилган ёки этилмаганини аниқлашган. Агар ер хайдаш учун тайёр бўлса, деҳқончиликнинг яна бир удуми ҳисобланган “шоҳмойлар” маросими ўтказилган. Ушбу маросим удумга кўра қозон осилиб, унга ёғ қуйиб қиздирилган ва унда бўғирсоқ ва чалпак пиширилиб, сўнгра худди шу қозондаги ёғ билан оиладаги кексароқ киши ҳўкизнинг шохини, елкасини, туёқларини ва, ҳатто, ирим қилиб омочнинг тишини ҳам мойлаган. Ушбу маросим водийнинг Сўх тумани тожиқларида “говхунуккунон” ёки “юғмунон” деб аталган³. Ушбу маросим Ўрта Осиёнинг бошқа деҳқончилик худудларида ҳам мавжуд бўлган⁴.

Фольклоршунос Б. Саримсоқовнинг таъкидлашича, “Шоҳмойлар маросими деҳқонлар билан боғлиқ урф-одатларнинг энг асосийси бўлиб, бу удум зироатчилик маросимларига йўл очган. Шунинг учун деҳқонлар шоҳмойларни зўр тантана билан ўтказишга интилишган”⁵. Шоҳмойлар пайтида ҳўкизларга кўз тегмаслиги учун ирим қилиниб туморлар тақилган. Шоҳмойлар маросимларининг барча расм-русумлари қилинғач, мулла томонидан “деҳқончилик рисоласидан” парчалар ўқилган. Шундан сўнг ҳўкиз бўйнига бўйинтуруқ солинган. Бўйинтуруқни солишда деҳқонлар ҳўкизнинг бўйинларини қашлаб қуйидаги сўзларни айтишган: “Бисмиллаҳир раҳмонир раҳийм, э жонивор худонинг маҳлуқи, сени ота-боболаринга, ота-боболарим қўш қўшган ота-

¹ Эшонқулов Ж. Фольклор, образ ва талқин... – 33- б.

² Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари... – 22 – 34- б.

³ Джаханов У. Земеледелие таджиков долины Соха в конце XIX – нач. XX в. – Душанбе, 1989. – С. 110 – 111.

⁴ Андреев М. С. Таджики долины Хуф. – Л.: Изд. АНССР. Т. II. 1958. – С. 62; Кисляков Н. А. Старинные приемы земледельческой техники и обряды, связанные с земледелием у таджиков бассейна р. Хингоу // СЭ. 1947. – №1. – С. 114 – 15; Шаниязов К. Узбеки-карлуки. – Ташкент, 1964. – С. 51.

⁵ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент, 1986. – 198- б.

бобонг ота-бобомга хизмат қилган, энди сенинг галинг, яхши бўлсанг емингни, ёмон бўлсанг бошингни ейсан”¹. Хўкизлар далага олиб чиқилгач, биринчи бўлиб қўшни ёши улуғ кекса деҳқонлар кучлари етгунча 2 – 3 бора ҳайдаб бориб келишган. Бу омоч ҳайдашда ҳар бир омоч юргизилган чизик ораси 3 – 4 газ ораликда бўлиб, маҳаллий тилда “хаг” водийнинг айрим туманларида эса “ранг” деб юритилган². Омоч ҳайдашнинг биринчи кунини деҳқонлар ўзлари хоҳлаганича миқдорда ерни шудгорлаб, кейин қўш ҳайдашни тўхтатишган, лекин хўкизларнинг бўйинтуруғи олинмасдан экин майдони ичида айлантириб юрилган бу водийда “совутиш” деб юритилган³. Баҳорга деҳқончилик билан боғлиқ маросимлар ўтказилиб бўлингач, деҳқонлар ишга киришганлар. Ерларга ишлов беришда деҳқонлар бир-бирига ёрдам қўлини чўзишиб, ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилишган. Чунки, аксарият ҳолларда деҳқонларнинг кўпчилигида ишчи ҳайвонлар ёки ишчи кучи етарли бўлмасди. Бундай шериклик қилиш усули “алғов”, “ҳамгав”, “ҳамқуш” деб ҳам юритилиб, Ўрта Осиё ва дунёнинг бошқа деҳқончилик худудларида ҳам бу усул кенг қўлланилган⁴. Ушбу усул нафақат ерларга ишлов беришда, балки ҳосилни парваришlashда, уни йиғиштириб олиш ҳамда янчишда ҳам кенг қўлланилган. Шу ўринда қайд этиш жоизки, ерга ишлов бериш вақтида деҳқонлар ўзаро келишиб, бир бирининг омоч ёки хўкизларидан ҳам фойдаланишган. Ижара ҳақи эса ҳосил пишиб етилгандан сўнг қайтарилиб, бу водийнинг айрим туманларида “қўш ҳақи” деб юритилган. Ўша даврдаги бой оилаларда эса барча имкониятлар етарли бўлганлиги боис, улар ўз ерларига ишлов беришда ёлланма ишчилар меҳнатидан фойдаланишган. Ушбу мулкдорлар ўз ерларини кўп ҳолларда чоракорларга ижарага бе-

¹ Дала ёзувлари. Марҳамат тумани, Ровот кишлоғи. 2001 й.

² Джаханов У. Земеледеление таджиков долины Соха в конце XIX – нач. XX в. – Душанбе, 1989. – С. 110.

³ Дала ёзувлари. Косонсой тумани, Ободон кишлоқлари. 2002 й.

⁴ Мазкур усул дунёнинг бошқа халқлари, хусусан Кавказ ўлкасининг туркий қорачой (карачай) халқида ҳам мавжуд бўлиб, ушбу усулни улар “Сабан негерлик” ёки “Мамматлык” деб юритишган. Бу усул дунёнинг турли худуд ва халқларида мавжудлиги ҳақида батафсил қаранг: Шаниязов К. Узбеки-карлуки. – Ташкент, 1964. – С. 50 – 51; Его же. К этнической истории узбекского народа. – Ташкент, 1974. – С. 174 – 175; Шаманов И. М. Народный календарь карачаевцев // СЭ. 1971. – №5. – С. 114.

ришган. Чоракорлар ерларидан ажралган ёки камбағал деҳқонлар бўлиб, улар қилган меҳнати эвазига ҳосилнинг 4 дан бирига эгалик қилган. Ҳар бир қишлоқнинг ўз бойлари бўлиб, масалан, Чуст тумани Ғова қишлоғида Ислом бой, Комил бой кабиларни олишимиз мумкин. Ушбу мулкдорлар ерларида кўплаб ижарачи ва чоракорлар меҳнат қилишган¹. Экин майдонлари шудгорланиб бўлингач, уруғ сепиш бошланган, ушбу юмушни ҳам ёши улуғ отахонлар бошлаб беришган. Деҳқончилик рисоласида келтирилишича, ерга уруғ қадаётган деҳқоннинг қалби ва жисми пок бўлиши, Оллоҳнинг номини дилига жо қилган ҳолда унинг барча фарзларини бажариши, чинюракдан, холис ниятлар билан, ҳатто ишчи ҳайвонларга ҳам озор етказмасдан, уларни сўкмасдан керакли дуоларни ўқиган ҳолда ҳосил уруғини фақат ўнг қўлида сепиши лозим бўлган².

Бизнингча, ушбу кўрсатма, гарчи исломий манбада келтирилган бўлса-да, унинг илдизлари қадимга бориб тақалади. Хусусан, “Авесто”да таъкидланишича, кимда-ким ерга ўнгу сўл, сўлу ўнг қўллари билан ишлов берса, мўл-кўл буғдой сепса, унга туганмас бойлик ва бахт ато қилинар экан³. Юқоридаги кўрсатмага мувофиқ нуроний отахонлар уруғ сепишдан олдин дуо ўқиб шундай дейдилар: “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим, бу мени қўлим эмас, Бободеҳқону, Хизрбуваларнинг қўли, қатта-қатта деҳқончилик пирларининг қўли”⁴. Уруғ сепаётган отахон биринчи сиқимлаб олган уруғини “Қушлару, курт-кумурсқалар ҳақи” деб уч бора сепгач, сўнг “Илоҳим сепган бир дона уруғимиз минг донага айлансин” деб дуо қилган⁵. Деҳқончиликдаги кўш ҳайдаш ва уруғ сепишнинг нуроний киши томонидан бошлаб берилиши Тожикистоннинг турли деҳқончилик ҳудудларида ҳам учраб, у “чуфт баророн”

¹ Дала ёзувлари. Чуст тумани, Ғова қишлоғи. 2002 й.

² Ушбу маросимлар ҳақида деҳқончилик рисоласида ҳамда А. Ф. Мидендорф ва В. П. Наливкинлар ҳам маълумотлар қолдирганлар бу ҳақда қаранг: Мидендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. – Спб., 1882. – С. 384 – 395.

³ Исҳоқов М. “Авесто”да чорва ва чорвадор // Академик Яхъё Ғуломов номидаги республика илмий семинарининг Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар мавзусидаги 37- йиғилиш материаллари. – Тошкент, 2007. – 45 – 50- б.

⁴ Демак, ушбу жумлалардан шундай хулоса қилиш мумкинки, водий деҳқонлари Бободеҳқон култи билан бирга бошқа деҳқончилик пирларига ҳам эътиқод қилганлар.

⁵ Дала ёзувлари. Фарғона тумани, Ҳонқиз қишлоғи. 2001 й.

ёки “човюғи” маросими деб юритилган¹. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, манбаларда келтирилишича, айрим жанубий ва Жанубишарқий Осиё мамлакатларида бундай деҳқончилик маросимлари ҳукмдорлар томонидан бошқарилган².

Кекса деҳқонлар томонидан уруғ сепиш рамзий маънода бошлаб берилгач, барча деҳқонлар уруғ сепишга киришганлар. Ерга уруғ қадаётган деҳқонлар ер эгаси томонидан озиқ-овқат ва егуликлар билан таъминланган, бироқ айрим ҳолатларда ушбу деҳқонларга қишлоқдаги фарзандсиз оилалар, оиласида бемор одам яшайдиган оилалар турли таомлар пишириб келиб беришган ва ҳақларига дуо қилишларини сўрашган. Бундай қилинишига сабаб водийда ерга уруғ қадаётган деҳқонлар энг савоб иш қилаётган кишилар ҳисобланган ва уларнинг дуоси ижобат бўлади, яъни ушбу деҳқонлар томонидан қилинган алқов ва дуолар туфайли ўша оиладаги мушкулотлар бартараф бўлади, беморларга Оллоҳ шифо бериб, фарзандсиз оилаларда фарзанд дунёга келади, деб ишонилган³.

Маҳаллий аҳоли ҳосилдорлик яхши бўлиши об-ҳавога боғлиқ бўлган қурғоқчилик деҳқонлар учун офат ҳисобланган. Бизга маълумки, суғорма деҳқончиликка асосланган Ўрта Осиёнинг барча худудларида сувни ва ёмғирни эъзозлаш алоҳида аҳамият касб этган. Сув билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар ўзининг узок тарихига эга. “Авесто”да ер, сув ва ҳосилдорликнинг худоси деб “Анахита” талқин қилинади⁴.

Б. Ғофуровнинг таъкидлашича, зардуштийлик даврида Анахитага аталган гимнлар, қасрлар ва ҳайкаллар ҳам мавжуд

¹ Ершов Н. Н. Сельское хозяйство таджиков Ленинабадского района. Тадж. ССР. Перед октябрьской революции. – Сталинабад: Изд. АН Тадж ССР. 1960. – С. 127 – 128; Рахимов М. Р. Сельское хозяйство // таджики Каратегина и Дарваза. – Душанбе, 1966. Вып. 1. – С. 183 – 185

² Масалан, кунчиқар мамлакат Японияда ерга қўш солиш шудгорлаш император томонидан рамзий маънода бошлаб берилган. Бу ҳақда қаранг: J. Linuma, The Ne-No-Ni-Kara-Suki of shosoin // Tools and Tiliage. 1969. Vol. 1. – №2. – P. 105 – 107.

³ Дала ёзувлари. Марҳамат тумани, Шукурмерган қишлоғи. 2001 й.

⁴ Ушбу культнинг келиб чиқиши ва дунёнинг бошқа худудларидаги шунга ўхшаш культларнинг бу билан боғлиқлиги хусусида батафсил қаранг: Дрезден М. Мифология Древнего Ирана // Мифология древнего мира. Под ред. Якобсон В. А. – М., 1977. – С. 337 – 364.

бўлган¹. Айрим манбаларда кўрсатилишича, Анахитага атаб зардуштийлик даврида, ҳатто, одамлар ҳам қурбон қилинган². “Авесто” китобида Анахита доимо гўзал, бақувват, хушқомат, камарини баланд боғлаган, олтин зийнатли кўп бурмали мурсак кийган бир қиз сифатида таърифланган³.

Ўрта Осиёда Анахита култи билан бирга сув ва намгарчилик пири сифатида “Эр хубби” ёки “Хубби” култи ҳам мавжуд бўлган. Бу култ ҳақида кўплаб муаллифлар томонидан маълумотлар ёзиб қолдирилган⁴. Ушбу култ ҳақида академик Я. Ғуломов куйидагиларни ёзади: “Табиийки, ислом дини ёйилгандан сўнг ҳам халқ исломгача бўлган сув худоси Хубби ҳақидаги афсонани сақлаб қолди, натижада у мусулмон агиографик адабиётига кириб келди”⁵. Эр хубби култига сиғиниш водийнинг Сўх туманида кўпроқ сақланиб қолган эди. Сўх дехқонлари эрта баҳорда ариқларга сув очишдан олдин дарё бўйида турли жонлиқлар сўйиб Эр хубби култига атаб қурбонлиқ қилишган. Бу ерда Эр хуббини “йигит хубби” деб аташган⁶. Шу ўринда қайд этиш ўринлики, Сўх дарёсининг бошланиш қисмида “йигит али пирим” зиёратгоҳи ҳам мавжуд бўлиб, бу ерда маҳаллий аҳоли қурбонлиқлар қилиб туришган, Рассудованинг таъкидлашича, ушбу зиёратгоҳ Ҳазрат Али номи билан боғлиқ⁷. Бу каби намгарчилик ва ёғингарчилик култларига сиғиниш дунёнинг бошқа халқларида ҳам мавжуд бўлганлиги манбаларда қайд этилган⁸.

Қолаверса, водий дехқонлари қурғоқчилик йиллари ёмғир қақирини билан боғлиқ турли маросимлар ўтказганлар. Водийнинг Қува тумани Толмазор қишлоғида яшовчи 94 ёшли Нишонбой

¹ Гафуров Б. Г. История таджикского народа. – М., 1955. – С. 39

² Жавлиев Т. Табиат, инсон ва дин. – Тошкент, 1986. – 45- б.

³ Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент, 1965. 1- китоб. – 44- б.

⁴ Ғуломов Я. Ғ. Хоразмнинг суғориш тарихи. 1959. – 33- б; Муҳаммад-жонов А. Хўжауббон қудуғи муқаддаси // Фан ва турмуш. 1986. – №9. – 6 – 7- б.

⁵ Ғуломов Я. Ғ. Кўрсатилган асар. – 32- б.

⁶ Джаҳонов У. Кўрсатилган асар. – 125 – 126- б.

⁷ Бундан ташқари Р. Я. Рассудова Фарғона водийсидаги бундай зиёратгоҳларнинг бир нечтаси ҳақида маълумот бериб, у ушбу зиёратгоҳларни айнан суғориш тизимлари билан боғлиқ эканлигини қайд этади ҳамда суғорма дехқончилик тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутишини таъкидлайди. Бу ҳақда қараңг: Рассудова Р. Я. Культурные объекты Ферганы как источник по истории орошаемого земледелия // СЭ. 1985. – №4. – С. 96 – 104.

⁸ Басилов В. Н. Култ святых в исламе. – М., 1970. – С. 26 – 27.

отанинг маълумот беришича қурғоқчилик йиллари қишлоқда Оллоҳдан ёмғир сўраб хайри худойилар ўтказилган. Ушбу худойилар одатдаги худойилардан шуниси билан фарқ қилганки, унда қатнашаётган оқсоқоллар сони 7 киши ёки 17 киши бўлиши шарт бўлган. Ушбу маросимга бизнингча, икки хил фикр билдириш мумкин. Биринчидан, ушбу маросим замирида юқорида келтирилган 7 рақами ва унинг магик қудратига ишониш ётган бўлса, иккинчидан, водий аҳолисида ҳозиргача 7 дан бири хизр, яъни 7 кишидан бирининг дуоиси албатта ижобат бўлади, деган тушунча сақланиб қолган. Юқоридаги худойиларни ўтказишда ҳам ушбу тушунчага амал қилинганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Водийнинг Фарғона туманидаги айрим қишлоқлар аҳолисида хайри худойи қилиш билан бирга ўз экин майдонлари четларига қурбақа ушлаб осиб қўйиш одати бўлиб, одамлар қурбақа ёмғир чакиради деб ишонишган. Қизиқ, ҳозирги кунга қадар водийда “қурбақани ўлдирган одамнинг тўйида ёмғир ёғади” деган тушунча сақланиб қолган. Қурбақа образининг ёғингарчилик билан боғлиқлиги тўғрисида дунё халқларининг кўпчилигида турли талқинлар учрайди. ¹ Ўрта Осиёда қурбақанинг намгарчилик тимсоли сифатида талқин қилинганлигини Л. И. Ремпель тасдиқлаб қуйидагиларни ёзади: “Ўрта Осиё халқларининг санъатида қурбақа образидан намгарчилик ва ёмғир ифодаси бахт ва омад тимсоли, бамисоли тумор сифатида фойдаланилган”².

¹ Масалан, Қадимги Чинликлар эътиқодича, қурбақа жуда кўп яшаб, қариса, қурғоқчиликка сабаб бўлувчи ёвуз руҳларни еб қўядиган даражада кучли бўлиб қолар экан. Агар ана шундай “Қароматли” қурбақани бешинчи ойда сояга қўйиб, қуритса, дарҳол ёмғир ёғар эмиш. Тибетликлар эса қурбақани чуқурчага кўмиб қўйиб, устига таёқ сукиб қўйса, ёмғир тинади деб ирим қиладилар. Доғистонда яшовчи Лак ва Даргин этносларида эса бевақт ёққан ёғингарчиликни тўхтатиш учун ўзи тукқан онаси, буvasи, катта момоси, яъни “уч онаси” тирик бўлган аёл яшил матодан қурбақага “иштон” тикиши керак деб ўйлайдилар. Яшил либос кийдирилган қурбақани эса тарнов учи ёки айвон пештоқига илиб қўйиб “ёмғир тинсин, куёш чиксин” дейилса, ёғингарчилик тўхтар эмиш. Бу ҳақда батафсил қаранг: Евсюков В. В. Мифология Китайского неолита. – Новосибирск, 1989. – С. 94 – 95; Халилов Х. М. Историческая общность национального своеобразия обрядовой поэзии народов Дагестана и Северного Кавказа // Дагестанский фольклор во в заимосвязи с иноэтнически фольклором. – Махачкала, 1985. – С. 19; Календарные обычаи и обряды народов Восточной Азии // Годовой цикл. – М., 1988. – С. 276.

² Ремпель Л. И. Цепь времени вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. – Ташкент, 1987. – С. 37.

Водийнинг Сўх туманида ёмғир чақириш билан боғлиқ бўлган бошқа расм-русумлар ҳам бажарилган. Масалан, Сўх қишлоқларида “таришкунак” деб номланган одат бўлиб, бу одатга кўра қишлоқ эрақлари ярим яланғоч ҳолда кўчага чиқишиб бир-бирининг устидан сув куйишган, ҳатто, бирор кишини аксарият ҳолатларда маҳалла имоми ёки мулласини сув оқаётган ариққа ташлашган. Шу кунлари қишлоқ аҳолиси хоҳлаган хонадонга киришган ва у ерда уларни бажонидил меҳмон қилишган. Бундай кунларда қишлоқнинг барча хонадонларида маросимий таомлар, кўпинча чалпак пиширилган. Бу таом маҳаллий тилда “Кашки чавари” деб аталган¹. Водийнинг бошқа ҳудудларида эса деярли ҳар баҳорда қишлоқ аёллари катта йўл ёқаларига қозон осилиб, чалпак пиширишган ва, асосан, йўловчиларга ҳамда қишлоқ аҳолисига улашишган.

Фарғона водийсининг шимолий туманларида ёмғир чақиришнинг “сув хотин” ёки “сув хотин” деб аталувчи удумлари қайд этилган². Ушбу удум ўтмишда Ўзбекистоннинг Зарафшон, Қашқадарё воҳаларида кенгроқ тарқалган³. Маросимнинг водийга хос томони шундаки, у кўпроқ кекса аёллар томонидан уюштирилган. Бу маросимни улар кўпроқ “яда қилиш” маросими деб атаганлар. Бизнингча, бу ном ушбу маросимнинг қадимий туркийлардаги Яда тоши маросими билан чалкаштирилиши оқибатида келиб чиққан бўлса керак.

Бизга маълумки, қадимда туркий қавмлар орасида “Яда” тоши воситасида дуо ўқиб ёмғир чақириш удуми кенг тарқалган⁴. Дала –

¹ Джаханов У. Кўрсатилган асар. – 112- б.

² Джаханов У. Кўрсатилган асар. – 118.

³ Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. – Ташкент, 1974. – С. 174 – 175.

⁴ Ушбу тош ҳақидаги маълумотларни Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Ибн ал-Факих, Насириддин, В. Бартольд, С. Е. Малов ва М. Жўраев каби муаллифларнинг асарларида учратамиз. Бу ҳақда батафсил қаранг: Беруний А. Минерология / Сборник сведений для познание драгоценностей. Перевод Беленцкого А. М. – М., 1963. – С. 184; Маҳмуд Қошғарий. Девону луготит турк. – Тошкент: Фан, 1963. III – т. – 460- б; Ибн ал-Факих. Китоб ахбор ал-булдон. (тарж). Материалы по истории туркмен и Туркмении. – М. – Л., 1939. – С. 153; Рашиддун. Сборник летописей истории монголов. Сочинения. Рашид-Эддина. История Чингизхана. Рус перевод Березина И. Н. – СПб., 1868. – С. 180; Малов С. Е. Шаманский камень яда у тюрков Западного Китая // СЭ. 1947. – №1. – С. 154; Жўраев М. “Яда тошига қон етқач” ёки “ёмғир тоши” ҳақида афсона // Ёшлик. 1990. – №1. – 60 – 62- б.

этнографик тадқиқотларда бундай тошлар билан ёмғир чақириши мумкин бўлган шахслар ҳақида тайинли маълумот йиға олмадик. Ёмғир чақириш билан боғлиқ расм-русумлар Ўрта Осиёнинг деҳқончилик билан шуғулланувчи бошқа халқларида ҳам учрайди. Масалан, этнограф В. Н. Басиловнинг ёзишича, туркманларда ёмғир пири деб “Буркут Баба” образига сиғинилган ва унга атаб турли маросимлар ўтказилган¹. Туркман халқида ёмғир пирига атаб турли афсона ва ривоятлар тўқилган.

Булардан ташқари Н. Муҳиддиновнинг маълумот беришича, Тожикистон Республикасининг айрим туманларида эса ёмғир чақиришнинг ғайри оддий усуллари қўлланилган. Масалан, “сувга одамнинг бош чаноғи қўйилса, ёмғир ёғади” деб ишонилган². Шу ўринда қайд этиш ўринлики, қурғоқчилик йиллари юқоридагига ўхшаш маросимлар дунёнинг бошқа ҳудудлари аҳолиси томонидан ҳам ўтказилган. Масалан, Шарқий Европа, Кавказ ва Балқон ярим ороли халқларида юқорида келтирилган “тиришқунак” маросимига жуда ўхшаш маросим ўтказилиб, унда нафақат эркаклар, балки аёллар ҳам қатнашган ҳолда улар ҳам бир бирларини, қишлоқ руҳонийсини ёки олдиндан махсус тайёрланган ва бутун маросим давомида қишлоқ бўйлаб айлантирилган “қўғирчоқни” сувга ташлашган. Бундан ташқари серб, балгар ва грекларда эса юқорида келтирилган “сув хотин” ёки “сув хотин” маросимига жуда ўхшаш кетадиган маросим ўтказилиб, унда қурғоқчилик йиллари бирор қиз танлаб олиниб (баъзан “лўли” қизлар танланган) унга яшил новда ва япроқлардан кийим кийдирилган ҳамда бутун қишлоқ бўйлаб айлантирилган одамлар эса унга сув сепишган. Рус ва украин халқларида эса қурғоқчилик йилларида баъзан ғайри оддий удумлар ҳам амалга оширилган. Унга кўра бирор бир ўзини ўзи ўлдирган, ичкиликдан ўлган ёки шунга ўхшаш ўлим топган бирор бир одамнинг мурдаси қабрдан кавлаб олиниб, бирор дарё ёки ботқоқликка ташланган³.

Биз юқорида ёмғир чақириш билан боғлиқ қатор урф-одат ва

¹ Басилов В. Н. О туркменском “пире” дождя Буркут Баба // СЭ. 1963. – №3. – С. 15 – 18

² Муҳиддинов И. Земледелие памирских таджиков Вахана и Ишкамиша в XIX – нач. XX в. – М., 1975. – С. 100 – 101.

³ Токарев С. А. Сущность и происхождение магии // Труды института этнографии АН СССР. Нов. сер. – М., 1959. Т. L1 (51). – С. 68 – 69.

маросимлар ҳақида тўхталиб ўтдик. Шу ўринда эътироф этиш ўринлики, нафақат Фарғона водийсида, балки Ўрта Осиёнинг бошқа деҳқончилик ҳудудларида ҳам ёмғирни тўхтатиш билан боғлиқ маросимлар ҳам ўтказилган. Ёмғирни тўхтатиш учун водийнинг айрим туманларида ғайри оддий усуллар қўлланилган. Масалан, Андижон вилоятининг Марҳамат тумани ва Фарғона вилояти Қува туманида одамлар ёмғирни тўхтатиш учун шу кишлоқда яшаб ўтган ва яшаётган кал ёки кўса одамларнинг исмларини тоқ сонлар билан санашган (яъни 1, 3, 5, 7 ва ҳоказо). Улар шу саноғ 41 тага етказилса, ёмғир тўхтайдиган деб ишонишган¹. Агар саноғ 41 тага етказилса, у ҳолда ҳисобланаётган каллар сони 21 тани ташкил этган.

Водийнинг Сўх туманида ёмғирни тўхтатиш учун бир неча маросимлар ўтказилиб, уларнинг аксарияти олов билан боғлиқ бўлган. Бу ҳақда У. Джахонов ўз фикрини билдириб, ушбу удумларни Ўрта Осиёнинг айрим ҳудудларида учрайдиган “аловпарак” маросимига боғлиқ деб тахмин қилади². Улардан бири қуйидагича: оиланинг тўнғич фарзанди Оллоҳдан ўзини сақлашни сўраб илтижо қилади ва баланд ёқилган олов устидан сакраб ўта бошлайди. Бу пайтда қолган каттаю кичик тоғора челақ ёки бошқа темир буюмларни баланд овоз чиқариш учун бир-бирига уриб шовқин солишади. Тўнғич ўғил ёрдамида ёнғарчиликни тўхтатиш мақсадида ўтказилган бундай удум озарбайжонларда ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра оиланинг тўнғич ўғил фарзанди болтанинг муҳрасини ёмғирга қўйган ва “Мен қора тумшукли тулкиман, мен бу ёмғирни тўхтатаман” деб афсун ўқиган³.

Юқоридагига ўхшаш маросим водийнинг бошқа туманларида ҳам ўтказилган, аммо бу кишлоқларда олов ёқилмаган, балки кишлоқ аҳолиси, асосан болалар кўчаларга тоғора, челақ ва шунга ўхшаш буюмларни олиб чиқиб шовқин солишган⁴.

Ҳосилни етиштиришда ва уни сақлашда ҳам водийда турли расм русумлар бўлган. Масалан: экинларга “кўз” тегмаслиги учун экин майдонига бегона одам киргизилмаган ёки экинзор ичига

¹ Дала ёзувлари. Марҳамат тумани Ровот кишлоғи. 2002 й. Ушбу одат кўпроқ водийнинг чорвадор чўпонларида кузатилади.

² Джахонов У. Кўрсатилган асар. – 112 – 113- б.

³ Ямпольский З. И. О Безрелигиозности первобытной магии // СЭ. 1971. – №1. – С. 72 – 73.

⁴ Дала ёзувлари. Фарғона тумани. Кўрғонтепа кишлоғи. 2002 й.

бирор ҳайвоннинг бош чаноғи ёки тош илиб қўйилган. Бундан ташқари, экинзорларни қушлардан сақлаш мақсадида ёғочдан хоч шаклида устун ясаиб, унга эски кийимлар кийдириб қўйилган. Бундай қўриқчилар водийнинг айрим туманларида “Қорақошак”¹ ёки “қоратқи шайтон”² деб аталган. Водий ҳудудида жойлашган ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи аҳоли ўз экин майдонларидаги ҳосилни қушлардан қўриқлашда ҳам маҳаллий деҳқонлар томонидан қўлланилиб келинаётган усуллардан кенг фойдаланганлар. Водийда ҳосилни “қанотли ўғрилар”дан қўриқлаш усулларида ҳам чорвадор халқлар турмуш тарзига хос бўлган айрим этник жиҳатларни илғаб олиш мумкин. Масалан, кенгрок даладаги ҳосилни қушлардан сақлаш учун ўтроқ аҳоли доира (дўмбира) шиқилдоқ ва бошқа товуш чиқарувчи анжомлардан фойдалансалар, ярим ўтроқ аҳоли отда бутун далани кезиб чиққанлар ва тўрва халтасидаги тошларни экинзор бўйлаб отганлар³.

Экинзор ва ғаллазорларни бундай усуллар билан сақлаш ва қўриқлаш туркий халқларда қадимдан мавжуд бўлган. “Девону луғотит турк”да келтирилишича, экинзорларни ёмон кўзлардан сақлашда қуйиладиган қўриқчи қадимда “абақи” деб аталган бўлса, ҳосилни қушлардан қўриқлаш учун қўйилган қўриқчи “қосғўк” деб номланган⁴.

Юқоридаги маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Фарғона водийсида экин экиш ва уни парвариш қилиш билан боғлиқ бўлган бир қатор урф-одатлар ва расм-русумлар мавжуд бўлган. Ушбу расм-русумлар ҳам асрлар давомида шаклланган ва улар водий деҳқонларининг асрлар оша шаклланган тафаккури ва дунёқарашининг маҳсулидир. Юқорида келтирилганидек, водий аҳолисида экин экиш ва уни парваришlash ҳамда йиғиб олиш жараёнида Бободехқон култига сиғинилган. Ушбу культ билан боғлиқ этикодлар Ўрта Осиёнинг барча деҳқончилик ҳудудлари аҳолисида мавжуд бўлган бўлса-да, унинг водийга хос хусусияти шундаки, деҳқончилик билан боғлиқ маросимларни ўтказишда Бободехқон вазифасини рамзий маънода ёши улуғ кекса кишилар

¹ Джаханов У. Земеледеление таджиков долины Соха в конце XIX – нач. XX в. – Душанбе, 1989. – С. 112 – 113.

² Дала ёзувлари. Мингбулоқ тумани, Момохон қишлоғи. 2001 й.

³ Абдуллаев У. С. Кўрсатилган асар. – 44 – 45- б.

⁴ Маҳмуд Қошғарий. Кўрсатилган асар. II том. – 155, 334- б.

бажарса, водийда бу вазифани ота-боболари миришкор деҳқон ўтган, меҳнатсевар, билимдон, дили пок халқ таъбири билан айтганда “қўли енгил” ўрта ёшлардаги кишилар ҳам адо этган. Бундан ташқари, водийда Бободехқон култи билан бирга Хизрбува образига ҳам сиғинилган. Ушбу образ водий аҳолиси томонидан нафақат деҳқончилик, балки бошқа соҳаларнинг ҳам ҳомийси сифатида қадрланган. Фарғона водийси аҳолиси деҳқончиликда яна халқ тақвимларига ҳам катта эътибор берганлар ва, ҳатто, водийда ушбу деҳқончилик ва бошқа тақвимлар билан боғлиқ турли маросимлар ҳам ўтказилган. Шунингдек, водийда экинни парвариш-лаш, ёғингарчилик ҳамда намгарчилик билан боғлиқ бўлган ўзига хос урф-одат ва маросимлар ҳам ўтказилиб, булар водий анъанавий деҳқончилигида ўзига хос аҳамият касб этган.

Ўзбек халқи анъанавий деҳқончилик машғулоти билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатларда ўлиб, қайта тирилувчи табиат култи излари, гарчи қолдиқий кўриниш тарзида бўлса-да, етиб келганини ва аксарият ҳолатларда исломий қарашлар билан ўзаро синкретик тарзда амалга оширилишини кузатдик. Ислом динининг айнан ушбу хўжалик тури билан боғлиқ архаик культларга нисбатан бағрикенглиги қадимий диний-мифологик тасаввурлар асосидаги деҳқончилик расм-русумлари ва урф-одатларидан кўзланган асосий мақсад соф диний таълимот билан эмас, балки ҳаёт давомийлигини таъминлашга қаратилган меъёрлар, яъни мўлкўл ҳосил етиштириш ва уни нес-нобуд қилмасдан йиғиб олишга қаратилганлигига амин бўлдик.

III. 2. Ҳосилни йиғиб олиш ва сақлаш билан боғлиқ удумлар ва расм-русумларнинг маҳаллий жиҳатлари

Фарғона водийси аҳолиси орасида ҳосилни йиғиб олиш ва сақлаш билан ҳам боғлиқ бир қатор ўзига хос расм-русумлар шаклланган. Табиийки, ҳосил пишиб етилгандан сўнг, уни йиғиштириб олиш тайёргарликлари бошланган. Аввало, ҳосилни йиғиб олиш учун мўлжалланган ўроқ ва бошқа меҳнат қуроллари созланган.

Ҳосил ўрим-йиғимини бошлаш учун маҳалла оқсоқоли ва имоми кекса деҳқонлар, тажрибали ўримчилар ҳамда маҳаллий тақвим ҳисобдонлари билан маслаҳатлашган ҳолда бирор кунни белги-

лаганлар. Бу мавсум деҳқончиликнинг энг масъулиятли даври ҳисобланиб, унга кишлок оқсоқоли ва кекса деҳқонлар раҳнамолик қилишган. Ўрим-йиғим, асосан, водий кишлокларида “хашар” йўли билан амалга оширилиб, у қачон, кимнинг даласида уюштирилиши оқсоқол томонидан белгиланган. Ўримга кишлокнинг барча ишга яроқли эркаклари жалб қилинган. Бу даврда ҳеч ким четда турмаган, дангаса, ишёқмас кишилар қаттиқ танқид остига олиниб, халқ орасида изза қилинган.

Айрим ўзига тўқ бой хонадонлар ҳосилни тезроқ йиғиб олиш мақсадида четдан ҳам ёлланма ишчи олганлар, ҳосил ўримчилари водийда “ўроқчи”, “ўримчи” ёки тожикларда “даравгар”, “даст-каш” номлари билан юритилган. Ҳар бир ўримчи ишни бошлашдан аввал: “Бисмиллаҳир роҳманийр роҳим, эй Оллоҳ ишимизга ўзинг барака бер бизни Бободехқону, Хизр буваларнинг рухлари қўллаб, ҳосилимиз мўл, рискимиз улуғ бўлсин”, дея дуо қилган. Ўримни кекса деҳқонлар рамзий маънода бошлаб беришган. Сўнг ўримни ёш ўроқчилар кўтаринки кайфият билан давом эттиришган¹. Ҳосил ўришнинг водийда “қаптар думи”, “ғавза” каби усуллари мавжуд бўлиб², уларнинг қай бири ўроқчи учун қулай бўлса, у шу усулдан фойдаланган. Водийнинг айрим туманларида кекса отахонлар ўроқчилардан ҳосил ўрим-йиғими мавсумида турли нопок ишлардан сақланишни, ҳатто, ўз аёлларига ҳам яқинлашмасликларини талаб қилишган. Уларда ҳосил ўрими пок ният ва ҳалол қўл билан бажарилмаса, у ҳолда ҳосилнинг баракаси учиб, ишлар юришмай қолади деган тушунча мавжуд бўлган³. Фарғона водийси

¹ Водийликларнинг ўзига хос томони шундаки, ўриш жараёнида ўроқчилар орасидаги аскиячилар ҳазил мутойибалар қилишиб, кўтаринки кайфиятни туширмасликка ҳаракат қилишган бўлса, Ўзбекистоннинг бошқа деҳқончилик ҳудудларида, хусусан, Сурхондарёнинг айрим кишлокларида эса ўрим жараёнида ўроқчилар 2 гуруҳга ажралишиб, ҳар бир гуруҳдан 1 тадан қўшиқчи ишни тўхтатмаган ҳолда мусобақа ўтказишган. Унда турли халқ дostonлари ва термалари куйланган, қайси қўшиқчи аввалроқ тўхтаб қолса, унинг гуруҳи мусобақада мағлубиятга учраган. Бу ҳақда қаранг: Хидоятлов И. О характере сельского хозяйства многонациональных районов Сурхондарьинского области в дореволюционное время // СЭ. 1970. – №2. – С. 133 – 139.

² Ушбу усулларга кўра 1- усулда ўрилган бугдой поялари бешбармоқлар орасига олинадди. Иккинчи усулга кўра эса “қўл ўрилган бугдой поясига тўлади”.

³ Бизнингча, ушбу удум ҳам ўзининг қадимий илдизларига эга. Чунки ибтидоий даврда ҳам юкоридагига ўхшаш табу (яъни тақиқ)лар мавжуд бўлиб, унга кўра овга кетаётган ибтидоий овчиларнинг аёллар билан мулоқотда бўлишлари

аҳолиси орасида ҳосил ўрим-йиғим даврида “куён қочди” маросими ҳам ўтказилиб, у водийнинг Сўх туманида “Талошак” деб ҳам юритилган¹. Шунга ўхшаш маросимлар Ўрта Осиёнинг бошқа деҳқончилик ҳудудларида ҳам ўтказилиб, улар “шоғол кетди”, “тулки қочди” номлари билан юритилган². Ушбу маросимга кўра ўрим мавсуми охирида ҳосилни оз қолган қисмини ўроқчилар ҳар тарафдан ўриб кела бошлашади. Бу пайтда атрофдаги кузатувчилар ва ўроқчилар “куён қочди” деб қичқира бошлашади. Бу пайтда охириги тутам буғдойни ўриб олиш учун ҳаракат қилинади. Кимда - ким охири бир тутам буғдойни қўлга киритса, ўша ўроқчи омадли ҳисобланган. Ўримни бу усулда тезлатишдан мақсад водийликларда ер ҳосил тугай бошлаши билан ўлишни бошлайди. Агар тезда ўрим ниҳоясига етказилса, у қийналмайди деган тушунча мавжуд бўлган. Ушбу маросим Хоразм ва Қашқадарё воҳаларидан “обло барака” маросими билан деярли бир хил кўринишга эга бўлиб, обло барака маросими ҳақида Б. Саримсоқов шундай ёзди: “Ҳашарчилар буғдой ўришнинг сўнгида бир парча ўрилмай қолган ерни ҳар томондан ўраб, аста келаверадилар. Бундай пайтда ҳар бир ўроқчи охириги тутам буғдойни ўриб олишга ҳаракат қилади. Охириги тутам буғдой эса “она буғдой” деб юритилади. Қайси бир ўроқчи ана шу тутамга етиб олса “еттим, еттим обло барака берсин”, деб уни ўриб олган. Шундан кейин у барча ўроқчиларга фурсати билан зиёфат қилиб беради. Она буғдой тутам ҳолда боғланиб уйга олиб кетилади ва баҳорги экин пайтигача сақланади”³.

Этнограф М. Р. Раҳимовнинг таъкидлашича; “Обло барака” деб юритилувчи маросим Қоратегин ва Дарвоз тожиклари ҳамда бошқа ҳудудларда яшовчи тоғлик тожиклар орасида ҳам ўтказилиб, уларда ҳам юқоридагига ўхшаш тушунча мавжуд бўлган⁴. Баъзан водийнинг айрим қишлоқларидан ери кам деҳқонлар ўзаро би-

ва, ҳатто, бир жойда туришлари ҳам тақиқланганлиги айрим манбаларда қайд этилади.

¹ Джахонов У. Кўрсатилган асар. – 113 – 114- б.

² Раҳмонов Ф. Қашқадарё воҳаси аҳолисининг зироатчиликка оид урф-одатлари ва маросимлари (XIX асрнинг охири – XX аср бошлари). Автореф. тарих фан. ном. дис... – Тошкент, 2002. – 100 – 102- б.

³ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент, 1986. – 55- б.

⁴ Раҳимов М. Р. Следы древних верований в земледельческих обычаях и обрядах таджиков Каратегина и Дарваза в XIX – нач. XX в. – М., 1959. – С. 82.

рикиб “шерик”лик қилганлар ва бир-бирига ғалла ўримида кўмаклашганлар¹.

Ҳосил ўриб бўлингач, янчиш учун хирмон тайёрлана бошлаган. Хирмон тайёр бўлгач, унга ҳосил ташиб келтирилади. Хирмонга ҳосил йиғиб бўлингач, барча деҳқонлар, қишлоқ оқсоқоллари ва солиқчилар йиғилишган. Шу кун водийнинг кўпгина қишлоқларида хирмоннинг ўзида бирор-бир жонлик сўйилиб, ис чиқарилган ва ўша ернинг ўзида таом тайёрланган. Бу “хирмон оши” деб аталиб, уни хирмондаги ҳосил эгаси уюштирган². Таом еб бўлингач, агар қатнашаётган бўлса, қишлоқ муллеси, у бўлмаса тўпланганлар ичидаги энг ёши улуғи Қуръон тиловат қилган ва хирмонга Оллоҳдан барака тилаган. Хирмонда водий деҳқонлари тасавурида доимо фаришталар ва малоикалар турган. Улар хирмонни пайғамбар Халилуллоҳ, яъни Иброҳим пайғамбарнинг мулки деб ҳисоблашган³. Деҳқонлар хирмонга гўшти харом бўлган ҳайвонларни, масалан, ит ёки эшакларни ҳамда ҳомиладор аёлни кўйишмаган. Лекин ночор, камбағалроқ деҳқонлар ҳосилни янчиш учун ноилож эшаклардан фойдаланишган. Лекин водийнинг тоғолди ҳудудларида яшовчи бошқа халқлар, масалан, қирғизлар итни муқаддас ҳисоблашган⁴. Хирмондаги ҳосил водийда юқорида келтирганимиздек “Вал”, “Гала Гов” усулида янчилган. Хирмонда ҳайвонлар орқали бажариладиган ишлар “Хўп” деб аталган. Водий деҳқонлари худди ҳосилни йиғиштириб олишдаги каби, уни янчиб тозалаб олишда ҳам ўзаро шерикчилик қилишган. Улар нафақат ўзлари, балки ўз ҳайвонларидан ҳам шерикчилик ишларида, хашарларда фойдаланишган. Бундай ўзаро ёрдам инсонларнинг бир-бирига кўмаклашиш халқимизнинг бағри кенглигини ҳамда меҳр-оқибатлилигини намоён қилибгина қолмай, балки бундай урф-одатларнинг тарихий илдизлари жуда қадимийлигини ҳам билдиради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “Девону луғотит

¹ Кармышева Б. Х. Об узбекских трудовых крестьянских песнях // Труды Академии наук Таджикской ССР. Т. СХХ, 1960. – С. 72.

² Далаёзувлари. Косонсой, Чуст, Норин ва Фарғона туманлари қишлоқлари. 2002 й.

³ Джаханов У. Земеледелие таджиков долины Соха в конце XIX – нач. XX в. – Душанбе, 1989. – С. 115.

⁴ Абрамзон С. М. Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. – Л.: Наука, 1971. – С. 288 – 289.

турк” асарида келтирилишича, бу одат қадимий туркийларда ҳам мавжуд бўлиб, у “Лучнут” деб юритилган¹.

Хирмонда ҳосил унча кўп бўлмаса, олдинги бобда келтирганимиздек хирмонга 2 – 3 метрли хўп чўпи ўрнатилган. Ҳосилни янчиш мобайнида, меҳнат оғир бўлганлиги боис, деҳқонлар бир қатор ўзига хос қўшиқларни кўйлаганлар². Бу ўринда халқ орасида кенг оммалашган “Майда” кўшиғини келтириш мумкин. У Ўрта Осиёнинг бошқа халқларида ҳам бўлиб, у қирғизларда “Он майда”³, тожикларда эса “Майдо”⁴ каби номлар билан юритилган. Бу кўшиқлар айтимлари галағов ҳайдаётган одамнинг кайфиятига боғлиқ бўлган.

Қуйида “Майда” айтимидан бирини келтириб ўтишни жоиз деб ҳисобладик:

Эй жон яратдинг мени,
Эй овло яратган мени,
Эй бандаларни ичинда,
Ой чигуна банда мени.
Майдаё майда.

Эй қибладан келган шамол,
Эй боғим вайрон айлади.
Эй бемалол келган ўлим,
Бағримни вайрон айлади.
Майдаё майда.

Кичкинамада шўх эдим,
Муллони кўлида хур эдим,
Беқурб бир махлук эдим,
Жавобларим майдоё майда⁵.

¹ Махмуд Қошғарий. Кўрсатилган асар. I том. – 421- б.

² Кармышева Б. Х. Об узбекских трудовых крестьянских песнях // Труды АН ТаджССР. 1960. – С. 73.

³ Богданова М. И. О классификации жанров киргизского фольклора // Труды киргизского филиала АН СССР. – Фрунзе, 1943. Т. 1. Вып. 1. – С. 150.

⁴ Эчодиёти дағанаки аҳоли Кулоб. – Сталинобод, 1956. – 165- б; Намунаи фольклори диёри Рудаки. – Сталинобод, 1958. – 183 – 185- б.

⁵ Джахонов У. Кўрсатилган асар. – 240- б.

Ушбу кўшиқлар мазмуни галаговни бошқараётган одамнинг ёшига ҳам боғлиқ бўлган. Жумладан, ёш йигитлар ушбу кўшиқ орқали ўзининг ички ҳиссиёт ва кечинмаларини ифодалайди. Масалан:

Томга ёйдим олача, олача¹ гули парча,
Ман ёримни севаман танда жоним борича майда-майда,
майдаё-майда.

Сувга келган ёримни майдё-майда,
Қирк кокили селкиллар майдаё-майда,
Юракгинам дуккилар майда-майда.

Юқоридаги сатрлардан кўринадики, ҳосилни янчишдаги ушбу кўшиқларда деҳқонларнинг орзу-истаклари, қувончу шодликлари, қайғу-ғамлари акс эттирилади.

Ҳосил янчилгандан сўнг, уни шамолга созуриш бошланади. Унда деҳқон сомон тагига тўкилган буғдойни куракда олиб шамолга кўндаланг турган ҳолда тепага отган. Ҳосил тепага отилганда шамолда унинг чорилари ва хашаклари ажралган.

Эсаётган шамолнинг тез ва секин эсишига қараб “Қуюқ шамол” ҳамда “Суюқ шамол” деб аталган. Шамолнинг эсишига қараб ғаллани тепага отиб шопирувчи одам ҳосилни тепароққа ёки пастроққа отган. Янчилган ҳосилни тозалашда шамолнинг аҳамияти катта бўлган, албатта. Агар шамол эсмаса, деҳқонлар шамол пирига атаб жонлиқ сўйиб “ис чиқаришган”².

Водийда шамол пири сифатида Ҳайдар культига сиғинилган. Кўпгина тадқиқотчилар Ҳайдар ҳақидаги халқ қарашлари пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис саломнинг куёви Ҳазрати Али тўғрисидаги афсоналар асосида юзага келганлигини таъкидлайдилар.³ Шамол пири Ҳайдарнинг Ҳазрати Али образида тасаввур қилиниши В. Н. Басиловнинг таъкидлашича, фақат водий ўзбекларигагина хос бўлган талқиндир⁴. Ўрта Осиё халқларининг

¹ Олача-шолча.

² Дала ёзувлари. Фарғона тумани, Аввал кишлоғи. 2002 йил.

³ Басилов В. Н. Заключение // Древние обряды и культуры народов Средний Азии. – М., 1986. – С. 201; Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент, 1986. – 136- б; Асотирлар ва ривоятлар. – Тошкент, 1991. – 33- б.

⁴ Басилов В. Н. Кўрсатилган асар. – 202- б.

кўпчилигида Ҳайдар култи ҳазрати Али шахси билан боғлиқ ҳолда талқин қилинмайди.

Ўзбекларнинг шамол билан боғлиқ бундай қарашлари ҳақида фолклоршунос олим М. Жўраев куйидагиларни ёзади: “Ҳайдар образининг бундай икки хил талқинга эга эканлиги Алининг шамолни ўзига бўйсундира олиши ҳақидаги халқ қарашларининг унутилиши натижасида юзага келган ҳолат эмас, балки Ҳайдар мустақил мифологик образ сифатида исломгача ҳам мавжуд бўлганлигидан далолат беради”¹. М. Жўраевнинг фикрича, “Ҳайдар” атамасининг келиб чиқиш ўзаги “Авесто”да номи тилга олинган шамол худоси “Vata” – атамасига боғлиқ, Б. А. Литвинский ҳам “Авесто”да икки нафар шамол худосининг номини, яъни “vayu” ва “Vata” илоҳларини кўрсатиб ўтган. Бу мифологик атамаларнинг ўзагидаги “va” калимаси, қадимги ҳинд-эрон тилларида “эсмоқ” (яъни шамол эсиши) маъносини билдирад экан.² Унинг фикрича, “Vata” жанубдан эсадиган шамол худосининг исмидир.

Осетин Абхаз фольклоридаги шамол култи ва айрим мифологик образларнинг қадимий шамол худоси “Vata” ёки “vayu”га алоқадорлигини тадқиқотчилардан С. Л. Зухба³ ва Ж. Дюмезиллар⁴ ҳам қайд этган эдилар.

Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидаги каби водийда ҳам шамол қақирининг турли шеърий айтимлари мавжуд бўлган. Куйидаги айтимни водийда анча оммалашганлигини кузатиш мумкин.

Ҳайдаро-ҳайдар,
Кокилингни силкит.
Хотинингни уйқу босди,
Болангни сув босди.
Ҳайдаро-ҳайдар,
Кокилингни силкит.

¹ Жўраев М. Ўзбекларнинг шамол билан боғлиқ мифологик тасавурлари. “Ҳайдар култи” // Ўзбек тили ва адабиёти. 1997. – №4. – 45 – 46- б.

² Литвинский Б. А. Семантика древних верований и обрядов памирцев // Средняя Азия и ее соседи в древности и средновековье. – М., 1981. – С. 104 – 105

³ Зухба С. Л. Абхазская народная сказка. – Тбилиси, 1970. – С. 187.

⁴ Дюмезил Ж. Осетинский эпос и мифология. – М., 1976. – С. 149 – 151.

Ҳайдар култида унинг кокили магик кудратга эга, деб ҳисобланган. Тасаввур қилинишича, деҳқоннинг илтижосини эшитиб йўлга чиққан Ҳайдарни кокиллари силкинганда шамол юзага келар эмиш.

Сочнинг магик кудратига ишониш ҳақидаги турли фикрларни бошқа муаллифлар ҳам қайд этганлар.

Тадқиқотчи, Н. И. Гоген-Торннинг фикрича, ибтидоий ўтмишда одам сочини алоҳида магик кудрат манбаи, ҳосилдорлик тимсоли деб ўйланган¹. С. П. Толстовнинг таъкидлашича ҳам қадимги даврларда ҳукмдорлар ўз мамлакатида ҳосилдорликнинг йўқолишини олдини олиш учун соч олдириш, ҳатто сочини бошқаларга кўрсатишларини ҳам хосиятсиз ҳисоблаганлар². Бизнингча, олдинги бобдаги кал ва кўса одамларнинг экин экишга қўйилмасликларининг сабаби ҳам юқорида келтирилган маълумотларга боғлиқ бўлиши мумкин.

Сомондан ажралган биринчи дон (дон тўдасини) “пайхун”, “пайхин”, “пайхоб” ёки “пойхом” каби атамалар билан юритилган³. Пайхинда ҳали янчилмаган бошоқ чорилар мавжуд бўлади. У қайта хирмонга ёйилиб янчилган⁴. Агар чори оз миқдорда қолса, у қопга солиниб уйга олиб кетилган ва келиларда янчилган. Энг тоза дон тўдаси “Чош” деб аталган. Хоразмда эса, уни “чаш”, “қизил”⁵ каби номлар билан юритишган. Янчилган буғдой парок ғалвирда эланган ва тозаланган. Хирмонни ёмон кўздан сақлаш мақсадида хирмон ўртасидаги устунга ёки хирмоннинг бирор четига каттароқ тош, отнинг бош суяги ёки эчкининг бош суяги илиб қўйилган. Бизнингча, хирмон четига “тош илиш” водийнинг ўтроқ аҳолисига хос бўлган бўлиши мумкин. Чунки ҳозирда ҳам водий аҳолиси орасида “кўзингга тош” ирими (яъни қайтарик, афсун) мавжуд бўлиб, у ёмон кўздан ҳар кимни ва ҳар қандай нарса-ни асраш учун қўлланилади. Бу каби иримларга ишониш уларга қарши турли оғзаки қайтарик ва афсунлар ўқиш одати дунёнинг

¹ Гоген-Торн Н. И. Магическое значение головных уборов в свадебных обрядах Восточной Европы // СЭ. 1933. – №5 – 6. – С. 76 – 88

² Толстов С. П. Древний Хорезм. – М., 1948. – С. 319

³ Шониёзов К. Кўрсатилган асар. – 55- б.

⁴ Дала ёзувлари. Марҳамат тумани, Ровот қишлоғи. 2001 й.

⁵ Сазонова М. В. К этнографии узбеков Южного Хорезма. – Л.: Наука, 1978. – С. 37.

барча худудларида мавжуд бўлган¹. Айрим муаллифларнинг қайд этишича, юқоридагига ўхшаш иримлар ўзининг архаик қатламига эга бўлиб², уларнинг пайдо бўлиши камида неолит даврига тўғри келиб ва, ҳатто, айримларида палеолит даври белгиларини ҳам кузатиш мумкинлиги манбаларда эътироф этилган³. Зеро, ҳақиқатан ҳам жуда кўплаб афсун ва қайтариқларда Э. Тейлор таъкидлаганидек, ... ибтидоий давр акс этиб туради⁴. Бунга ўхшаш оғзаки афсун ва қайтариқларни қўллаш водий аҳолиси томонидан нафақат деҳқончиликда, балки кундалик ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам хозиргача кузатилади.

Кейинги кўринишлар, яъни турли ҳайвонларнинг бош суякларини хирмон четларига илиб қўйиш бизнингча, водийнинг ўтрок аҳолисига унинг тоғолди худудларида яшовчи ярим кўчманчи ва кўчманчи этносларидан ўтганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Хирмон ёнидан ўтаётган йўловчилар хирмонда меҳнат қилаётганларга қарата “Хирмонга барака”, дея саломлашишган, ўз навбатида ишлаётганлар ҳам унга қарата “Айтганингиз бўлсин”, деб жавоб қайтаришган.

Янчилган ҳосилни уйга ташиб кетилишдан аввал водийда “Чошбардарон” ёки ҳосил белини боғлаш маросими ўтказилган. Ушбу одат водийнинг туманларида “Қизил кўтариш”, “Сурх банди” деб ҳам юритилган. Унга кўра хирмон эгаси чошга мулла ҳамда бошқа чошдан ҳақдор бўлганларни таклиф қилган. “Чош” устига (тўпланган дон тўдаси) Нон ёки ёғоч бешлик айрим туманларда эса кесак ёки тош қўйилиб, у “барака кесаги” деб юритилган. Сўнгра чош атрофи ёғоч курак ёрдамида айлана килиб чизилган ва шу йўл билан ҳосилнинг бели боғланган. Бу

¹ Қаранг: Токарев С. А. Ранние формы религии. – М., 1964. – С. 94 – 104; Кадыров Р. К. Обрядовый фольклор таджиков. – М., 1964. – С. 2 – 6; Сухов А. Д. Философские проблемы происхождения религии. – М., 1967. – С. 171; Талалаев Ю. А. О происхождении некоторых магических обрядов // Некоторые вопросы всеобщей истории. – Ростов на Дону. 1967. – С. 127 – 142 – 151; Ямпольский З. И. О безрелигиозности первобытной магии // СЭ. 1971. – №1. – С. 74 – 75.

² Астахова А. М. Художественный образ и мировоззренческий элемент в заговорах. – М., 1964. – С. 2 – 3.

³ Формозов А. А. Памятники первобытного искусства на территории СССР. 1966. – С. 67.

⁴ Тейлор Э. Первобытная культура. – М., 1939. – С. 361.

билан гўёки деҳқон ҳосилни ёвуз кучлардан ҳимоялаган. Шундан сўнг, мулла Қуръондан суралар ўқиб, тиловат қилади ва хирмон эгасига ҳосил боғланганини билдиради.

Шундан сўнг, ҳосил эгаси кўлига ғалвир олиб, уни буғдой билан тўлдирган ва “Чош” атрофини айланиб ғаллани сепиб чиққан ҳамда ғалвирни тескари ҳолатда боши узра биланд кўтарган. Шу билан маросим тугалланган. Ушбу маросим Ўрта Осиёнинг бошқа деҳқончилик ҳудудларида ҳам қайд этилган¹.

Шундан сўнг, хирмон эгаси бирор жонлиқ сўйиб, келганларни меҳмон қилган. Таом танаввул қилиб бўлингач, бу ерда қатнашаётган мулла яна Қуръондан суралар ўқиган ва шу билан зиёфат тамомланган.

Зиёфатдан сўнг, ғалла турли ҳақдорларга ҳосилга қараб ажратила бошланган. Улар имом, солиқчи, мироб, элликбоши, мингбошилар бўлиб, имом ва миробнинг ҳақи олдиндан белгилаб қўйилган. Ушбу бериладиган ҳосил “хирож” ёки “кафсан” деб юритилган. Кафсан тарқатилишидан олдин водийда “ҳақулло” маросими ўтказилган. У қуйидагича амалга оширилган: ҳосил эгаси қиблага қараган ҳолда чош олдига ўтириб, Қуръондан суралар ўқигач, кўлидаги ғалвирларга дон тўлдириб олиб унинг учдан бир қисмини чош атрофига сочиб юборган, колганини эса халтага солган. Ушбу ҳосил масжидга, етим-есирларга, қаровчиси йўқ чолкампирларга берилган.

“Ҳақулло” яъни “Оллоҳ ҳаққи” деб номланувчи ушбу маросим ўтказилишининг яна бир сабаби шу маросим орқали деҳқонлар ҳосил покланади, деб ҳисоблашган. Бу тушунча, Хоразм деҳқонларида ҳам мавжуд бўлган². Ҳосил қопларга солиниб, олиб кетиш учун тайёр бўлганда ҳосил эгаси яна бир ҳовуч ғаллани дон тўдаси, яъни Чош турган жойга сепиб юборган. Бу водийда “Ҳизр бува” ҳақи дейилган. Водийнинг Сўх туманида эса “Ҳирманбардорон”³ деб юритилган худди шундай одат Қашқадарё воҳаси деҳқонларида ҳам мавжуд бўлган. Аммо бу ерда сепиб юборилган буғдой “қушлар ҳаққи” деб юритилиб, бу одат деҳқонлар

¹ Мухиддинов И. Кўрсатилган асар. – 104- б. Снесаров Г. П., Букиннич Д. Д. Земледельческий Афганистан. Изб. Труды в пяти томах. – М., – Л., 1959. Т. 1. – С. 203 – 204.

² Снесаров Г. Н. Кўрсатилган асар. – 221 – 223- б.

³ Джаҳонов У. Кўрсатилган асар. – 117- б.

томонидан қуш кўринишида учиб келган аجدодлар руҳини шод этиш мақсадида амалга оширилган¹.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, XIX аср охири – XX аср бошлари Фарғона водийси деҳқончилигидаги урф-одатлар ва маросимлар ўзининг маҳаллий хусусиятлари ва жиҳатлари билан ажралиб турган. Ушбу маросимлар ҳам водий деҳқончилик маданиятининг ўзига хос кирраларидан биридир. Ана шу деҳқончилик маданияти ривожланиши жараёнида шаклланган урф-одатлар деҳқонларнинг ўзларига маъқул тушганлиги учун ҳам уларнинг ижтимоий ҳаётидан муҳим ўрин эгаллаган.

¹Рахмонов Ф. Қашқадарё воҳаси аҳолисининг зироатчиликка оид урф-одатлари ва маросимлари. Тарих фан. ном. дисс... – Тошкент, 2002. – 124 – 125- б.

ХУЛОСА

Тарихдан маълумки, инсоният цивилизациясининг қадимги марказлари пайдо бўлиши ва ривожланида деҳқончилик маданияти муҳим омил бўлган. Турли минтақаларга хос анъанавий деҳқончилик маданияти тарихини комплекс тарзда ўрганиш тарихнинг турли босқичларидаги ижтимоий-иқтисодий тизимни ва ишлаб чиқариш кучлари тараққиётини хўжалик-маданий типлар тарихи муаммоларини илмий таҳлил қилишда ғоят муҳимдир.

Шубҳасиз, бу борада деҳқончилик – ўзбекларнинг ҳам қадимги анъанавий хўжалик машғулотларидан бири ҳисобланган. Асрлар давомида тажриба ва усуллар, нозик фенологик кузатишлар асосида ўзига хос деҳқончилик маданияти шаклланган. Мазкур агромаданият асосида халқ тафаккурининг ғаройиб мўъжизалари ва ижтимоий, сиёсий ва этномаданий алоқалар асосида шаклланган ноёб маҳаллий анъаналар мавжуд.

Маълумки, Ўрта Осиё, хусусан Фарғона водийси қадимги даврдан деҳқончилик ривожланган минтақалардан бири ҳисобланган. Шу боис ҳам водийга хос деҳқончилик анъаналари ва маҳаллий агромаданиятни ўрганиш ҳам ҳозирги кунда кечиктириб бўлмайдиган заруриятдир.

Қадимий ёзма манбалар ҳамда археологик материаллар Фарғона водийсининг суғорма деҳқончилик маданияти ривожланган қадимий маданий ўчоқлардан бири эканлигини тасдиқлайди. Яқин-яқингача фанда водийда илк суғорма деҳқончилик милоддан аввалги II минг йилликнинг охирлари ва I минг йилликнинг биринчи ярмида пайдо бўлиб, у майда дарёларнинг ботқоқлашган адоқларида ва баҳорда сув оқиб, сўнг қуриб қоладиган муваққат тоғ сойларининг этак қисмларида оддий лиман (кўллама) усулида амалга оширилган, деган илмий хулоса мавжуд эди. Бироқ, сўнгги йилларда олиб берилган археологик изланишлар юқоридаги илмий фаразни инкор этмоқда. Археологлар, сўнгги илмий тадқиқотларга асосланган ҳолда, водийда илк суғорма деҳқончилик дарё ва сойларнинг қуйи дельтасида эмас, балки адир орти ҳавзасида бошланганини ҳамда унинг хронологик даври ҳам анча илгарига сурилганлигини тадқиқотлар жараёнида исботлаб беришди.

XIX асрохири – XX аср бошларига келиб водий деҳқончилигининг кўплаб ўзига хос жиҳатлари сақланиб қолган эди. Буни ерларга ишлов беришда, экинларни экишда ва суғоришда, экин майдонларини ўғитлашда ҳамда экин турлари ва уларни парваришлашда кўришимиз мумкин. Фарғона водийсида ерга экин экишнинг турли усуллари мавжуд. Жумладан, омоч остига экиш, молалаб экиш, уялаб экиш, такрорий экин экиш ва ҳамда тўксонбости каби водий деҳқончилигига хос бўлган уруғ қадаш турлари бўлган.

Қадимдан водийда ерларни ўғитлашнинг ҳам ўзига хос усуллари мавжуд бўлиб, ерларни ўғитлашга деҳқонлар алоҳида аҳамият берганлар. Водийда эски девор кесакларидан, гўнгдан ҳамда турли чириндилардан ерларни ўғитлашда кенг фойдаланилган.

Фарғона водийсида кўплаб экин турлари мавжуд бўлиб, XIX аср охири – XX аср бошларида минтақада асосан буғдой, арпа, шоли, тарик, жўхори, макка, мош, ловия, нўхат каби экинлар экилган. Шунингдек, бу даврда маҳаллий аҳоли ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёжини кондириш мақсадида зиғир ҳамда кунжут каби ўсимликларни ҳам экишган. Водий деҳқонлари бу экин турларини етиштиришда уларнинг навларига экин майдонига, ҳосилдорлигига катта эътибор беришган. Деҳқонлар асрлар оша экин навларининг янги, ҳосилдор, зараркунандаларга чидамли турларини яратишга интилишган. Шуларнинг натижаси ўларок фақат водий деҳқончилигига хос бўлган ҳамда маҳаллий шароитда юқори ҳосилдорликни таъминловчи экин навлари, хусусан, бошоқли экинлардан буғдой, жўхори, шоли каби ўсимликларнинг маҳаллий навлари етиштирилган.

Кўқон хонлиги Россия томонидан босиб олиниши билан ўлкага янги иноэтник экин турлари, хусусан, картошка, помидор, бақлажон, карам каби янги экинлар кириб келган. Шу билан бирга водийда пахта етиштиришга катта эътибор берилган. Чунки, Россия сармоядорлари Ўрта Осиёда кўпроқ пахта етиштиришдан манфаатдор эдилар. Шу давргача водийда пахтанинг айрим маҳаллий навлари мавжуд бўлиб, улардан маҳаллий цехларда бўз, олача каби матолар тўқиш учун фойдаланилган бўлса, XIX аср охири – XX аср бошларига келиб эса пахтани кўпроқ етиштириш, унинг серҳосил навларини яратиш, Ўрта Осиёни хом ашё базасига айлантириш чоризм сиёсатининг асосий мақсадига айланган.

Фарғона водийсида анъанавий деҳқончиликда турли меҳнат

куролларидан кенг фойдаланилган бўлиб, ҳар бир меҳнат куроли аниқ бир функцияни бажарган. Қолаверса, меҳнат куролининг тайёрланиши ўша ҳудуднинг табиий шароитига ҳам боғлиқ бўлган. Фарғона водийсида кенг оммалашган деҳқончилик меҳнат куролларидан яна бири – бу “кетмон” ҳисобланиб, улар деҳқоннинг жисмоний имкониятларини, жинси ва ёшини эътиборга олиб, ҳар хил тузилишда, турли оғирликда тайёрланган ҳамда турлича номланган. Водийнинг Андижон, Қўқон, Наманган, Чуст, Шохрихон темирчилари томонидан тайёрланган кетмонлар нафақат водийда, балки Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида ҳам яхши сифати билан ажралиб турган ва ўз мавқеига эга бўлган.

Фарғона водийсининг деҳқончилик меҳнат куролларидан яна бири – бу ҳосилни йиғиштириб олишда кенг фойдаланиладиган “ўроқ”дир. Ўроқнинг водийда теккис тиғли ва нотекис тиғли турлари мавжуд бўлган. Теккис тиғли ўроқлар ҳам ўз навбатида икки турга, яъни “қўл ўроқ” ҳамда “бел ўроқ”га ажратилган. Қўл ўроқларнинг водийда турлари жуда кўп бўлган ва улар турли вази-фаларни бажарган. Унинг турларига мисол қилиб “камиш ўроқ”, “беда ўроқ”, “шохи ўроқ”, “ойнусха ўроқ” ёки барг ўроқларни олишимиз мумкин. “Бел ўроқ”лардан водийда асосан беда, пичан ўришда фойдаланилиб, “чалғи”, “ўрис ўроқ” номлари билан юритилган. Нотекис тиғли ўроқлар Ўрта Осиёнинг айрим ҳудудларида ҳам мавжуд бўлиб, турлича номланган. Водийда эса ушбу ўроқлардан нисбатан камроқ фойдаланилган. Уларни водийда кўпроқ “нўғой ўроқ” номи билан юритишган. Водий ўроқларининг турлари кўпайишига ва уларнинг Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларига тарқалишда водийга турли томонлардан ёллан-ма ишчи сифатида келган мардикорларнинг роли катта бўлган. Шу ўринда келтириб ўтиш жоизки, юқорида келтирилган меҳнат куроллари деҳқонлар томонидан жуда қадимдан фойдаланилиб келинган ва такомиллашиб борган. Уларнинг номларини Маҳмуд Қошғарий асарида қайд этилиши ҳам бунинг исботидир.

Фарғона водийси аҳолисининг деҳқончилик билан боғлиқ урф-одат ва маросимлари ҳам ўзининг чуқур тарихий илдизларига эга. Водий ўзбеклари анъанавий деҳқончилик урф-одатларида ўлиб қайта тирилувчи табиат култи излари аксарият ҳолларда исломий қарашлар билан ўзаро синкретик тарзда яшаб келмоқда. Умуман олганда, ўзбек халқининг қадимий аграр култиларини тадқиқ

этиш, биринчидан, қадимги деҳқончилик билан боғлиқ диний эътиқодий қарашлар тавсифига доир муҳим янги материаллар беради. Иккинчидан, уларнинг исломий қарашлар билан ўзаро уйғунлашиш қонуниятларини аниқлашда муҳим илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Деҳқончилик ҳомийси Бободехқон култи билан боғлиқ маросимлар ўтказилишидан мақсад, ҳар бир мавсум олдидан деҳқонлар Бободехқон, Хизр боболардан мадад беришини сўраб илтижо қилишган. Ушбу маросимлар ўзининг қадимий илдизларига эга бўлишига қарамай ислом дини кириб келиши билан янада бойитилди, яъни дастлаб турли культларга ҳамда илоҳий кучларга аждодлар руҳига сиғиниш билан бошланган удумлар эндиликда “Қуръон”дан суралар ўқиш билан тўлдирилди. Деҳқонлар Оллоҳнинг қудрати ва марҳаматига ишониш ва унга эътиқод қилиш билан ўзларига руҳий мадад олганлар.

Деҳқонлар хайри худойилар ўтказиш, қурбонликлар қилиш орқали Оллоҳга илтижо қилиш билан бирга ўзининг қадимий культлари бўлган Эр Хубби, Ҳайдар образларини ҳам унутмади. Оқибатда ушбу культлар ислом агиографик адабиётига кириб келди ва исломгача бўлган эътиқодий қарашлар ҳамда исломий қарашлар билан бирга қоришган синкретик тарзда давом эттирилди. Булардан ташқари, водийда ёмғир чақириш билан боғлиқ “яда” маросими, 7 ёки 17 кишилик худойилар, қурбақалар ёрдамидаги ёмғир чақириш маросимлари ҳам мавжуд бўлганки, улар орқали халқимизнинг нақадар бой маънавий меросга эга эканлигига гувоҳ бўламыз.

Фарғона водийси аҳолисининг деҳқончилик билан боғлиқ билимларига яна деҳқон тақвими билан боғлиқ ҳисоб-китоблар ҳамда фенологик кузатувларни ҳам қўшишимиз мумкинки. Зеро, булар ҳам аждодларимизнинг асрлар оша тўплаган маънавий тафаккури ва онгининг маҳсулидир.

Маълумки, деҳқон тақвими барча зироатчилик билимларининг асоси ҳисобланган. Чунки, деҳқонлар ана шу тақвимга қараб деҳқончиликнинг барча юмушлари – ерларга ишлов бериш, экинни, парваришлаш, ҳосилни йиғиштириб олиш каби ишларни амалга оширишган. XIX аср охири – XX аср бошларига келиб водийда, Ўрта Осиёнинг бошқа халқларида бўлгани каби, арабларнинг Ой ва Қуёш тақвимлари ҳамда 12 ҳайвон цикли билан боғлиқ туркий йил

тақвими мавжуд эди. Аммо ўша даврда водийнинг айрим туманларида қадимий Эрон Қуёш тақвими ҳам сақланиб қолган. Булардан ташқари водийнинг Сўх туманида кун ва ойларни инсон тана аъзоларига бўлиб ҳисоблаш тақвими ҳам мавжуд бўлган.

Шуниси диққатга сазоворки, водийда юқорида келтирилган мусулмон ой ҳисоблари билан боғлиқ бўлган иримлар урф-одат ва маросимлар ҳам мавжуд бўлган. Бунга мисол қилиб Сафар ойи давомида ва охирида унга атаб ўтказиладиган ирим ва маросимларни олишимиз мумкин.

Йиллар давомида табиат ҳодисаларини кузатиш, уларни таҳлил қилиш халқ ҳисобдонларида эмпирик (тажрибага асосланиш) билимларининг шаклланишга олиб келган. Улар ўз кузатувларига асосланиб об-ҳавонинг қандай келишини, келаётган йил хусусиятларини олдиндан айтиб беришга интилганлар. Аксарият ҳолларда уларнинг билим ва тажрибалари деҳқонлар учун жуда қўл келган.

Хуллас, водий ўзбекларининг анъанавий деҳқончилик маданиятини ўрганиш минтақадаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва маданияти ҳамда турли тарихий даврларда юз берган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар таъсирида трансформациялашувини ўрганишда муҳим манбалардан бири бўлади, этнология фанидаги маълум бўшлиқни тўлдиради, деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

І. Адабиётлар

1. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. 4- том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 349 бет.
2. Каримов И. А. Ўзбекистан: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1- том. Тошкент: Ўзбекистан, 1996. – 364 бет.
3. Каримов И. А. Ўзбекистан ХХІ аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.
4. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўк- Тошкент, – Шарқ. 1998, 33 бет.
5. Азиатская Россия. – Спб., 1914 г. Т. II. – С. 237.
6. Bezovic A. Zur Frade der Rinderanschirring in Ostcup-Opa// Nanodopisnu ucstnik ceskoslovensky. Brno, 1969. III–IV, pnc, 3 b. P. 147.
7. Bouiger D. C. England and Russia in Central Asia. Vol I. – L. 1879.
8. Curtis W. E. Turkistan, the Heat of Asia. – N. Y, 1911. – 28 p.
9. Linuma J. The Ne-No-Hi-Kara-Suri of shosoin || Tools and Tiliage. - Vol. 1. – 1969 – №2. P. 105 – 107.
10. Rawlison H. England fnd Russian in the East. – L., 1875.
11. Schuyler. Turkestan Njtes of a journey in Russian Turkestan. Khokand, Bukhara and Kuldja. – L., Vol 1 – 2. 1877.
12. Skrine F/H/ and Ross B. B. The heart of Asia A. histori of Russian Turkistan and Central Asisn // Khanats from the Earliest Times. – L., 1899.
13. Vitaluy K. T. Expedition Saientifique Franse en Russia, en Sibeie et dans le Turkestan. P. 68 – 87, – 95.
14. Abu Ishak al Farisi al-istakhri. Vioe regnonum// Biblioteka geograhorum (BGA) ED M. J. de Goege B. J. lugoluni Bataworum. 1967. P. 334.
15. Абдуллаев. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. Тошкент, ”Янги аср авлоди” 2005 – 35 – 42 бетлар.
16. Абдулхамидов А. Из истории орошаемого земледелия в зоне Соха // ОНУ. – 1967. – №9. – С 48.
17. Абдулхамидов А. Из истории народной ирригационной практики в зоне предгорий Узбекистана в XIX – начале XX в. (историко-

этнографическое исследование) – Ташкент, Фан., 1981. 161 – 66 с.

18. Абдулхамидов А. Общинные традиции в орошаемом земледелии дореволюционного Узбекистана (XIX – начала XX в.) // СЭ. – 1987. – №2. – С. С. 100 – 107.

19. Абдулхамидов А. Орошение в предгорьях Узбекистана. Ташкент-Фан – 1990. 40 – 43 с.

20. Абдураимов М. А. Пережитки сельской общины в узбекском кишлаке Хумсан (XIX – начало XX вв.) // СЭ. – 1959. – №4. – С. 43 – 54.

21. Абдураимов М. А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI – XIX вв. – Ташкент. Фан, 1966. Т. 1. – 369 – 371 с.

22. Абдураимов М. А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве XVI – первой половине XIX века. – Ташкент. Фан, 1970. Т. II. – 286 – 290с.

23. Абдухолик Абдурасул ўғли. Қадимги Фарғона тарихидан. Тошкент. Фан. 2002.

24. Абрамзон СМ. Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. – Л.: Наука, 1971.

25. Абу Абдаллар Йакут. Ал-Хамавий “Муджам ал-булдан”. В 3 т. Фан. Тошкент, 360 – 364 с.

26. Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплами). – Тошкент. Қомуслар бош таҳририяти. 1- китоб, 1991. – 30 б; 2- китоб, 1996. – 43 б; 3- китоб, 1994. – 66 б; 4- китоб, 1992. – 77 б.

27. Абу Исоқ, Иброҳим ибн Махмуд, ал-Фарси ас-Истахрии. Китаб масалик ал-Мемалик МИКК. – М., Наука. 1973. Т. I. 86 – 92 с.

28. Абул-Касим ибн Хавкал //Труды САГУ. Вып. XI. Ташкент, 1957.

29. Абулқозий Баҳодирхон. Шажарайи турк. – Тошкент. Чўлпон, 1992. – 192 б.

30. Акромов З. М. Фарғона водийси. – Тошкент., Фан. 1957 й. 8 – 10 бетлар.

31. Алексеев Н. А. Ранние формы религии тюркоязычных народов Сибири. – Новосибирск: Наука, 1980.

32. Алексеев Н. А. Шаманизм тюркоязычных народов Сибири. – Новосибирск: Наука, 1980.

33. Алиакбарова Н. М., Гольдферб Б. О, Эргашева А. Размещение населения Ферганской долины (демографический аспект). – Ташкент,

Фан. 1990. С. 18 – 19.

34. Алимова Д. А., Каримов Э. И. О задачах отечественной исторической науки в Узбекистане на современном этапе // ОНУ. – Тошкент, – 1996. – №6. С. 73 – 78.

35. Амброз А. К. Раннеземледельческие культовые символы (“Ромб с крючками”) // СА. – М., 1965. – №3. – С. 18 – 20.

36. Аминов А. М. Экономическое развитие Средней Азии (со второй половины IX в. до первой мировой войны). – Ташкент: Гос. изд. УзССР, 1959. С. 290 – 298.

37. Анарбаев А. Ўзбекистонда илк давлатчилик ва унинг ўрганилиши тарихидаги баъзи бир муаммолар // Ozbekiston tarixi. – Тошкент, 2004. 3 – 14- бетлар.

38. Анарбаев А. А. Ўзбекистонда илк суғорма дехқончиликнинг шаклланиши ва антропоген ландшафтни ташкил топиши // Р. Фуломов номидаги республика илмий семинарининг “Ўзбекистон ҳудудида дехқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлари” мавзусидаги 37- йиғилиш материаллари. – Тошкент, 2006. 9 – 15- бетлар.

39. Анарбаев А., Исманов А. Д., Максудов Ф. А., Древнеземледельческая культура Южной Ферганы и образование антропогенного ландшафта // Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда. – Тошкент, 2005. 98 – 115- бетлар.

40. Анарбаев А., Насриддинов Ш. Фарғонанинг қадимги дехқончилик маданияти антропоген ландшафтни ташкил топишига доир баъзи бир масалалар // Мустақиллик йилларида ватанимиз тарихини янгича ўрганишнинг долзарб муаммолари. – Самарканд, 2002. 12 – 24- бетлар.

41. Андреев М. С. По этнографии таджиков (Некоторые сведения) // Таджикистан. Сб. статей. – Ташкент. 1925. – С. 157 – 170.

42. Андреев М. С. По поводу процесса образования примитивных среднеазиатских древних цехов сказаний (рисалья) // Этнография. – М., 1927. – №2. Кнг IV. – С. 323 – 326.

43. Андреев М. С. Поездка летом 1928 г. в Касанский район (Северной Ферганы). // - Известия общества для изучения. – Ташкент, 1929. Т. I. – С. 109 – 129.

44. Андреев М. С. Таджики долины Хуф. – Вып. 1. Сталинабад, 1958. – С. 251; Вып. 2. Душанбе, Дониш. 1958. – С. 192.

45. Андрианов Б. В. Хозяйственно-культурные типы Средней Азии и Казахстана // Народы Средней Азии и Казахстана / Под. ред. Толстова, СП. Жданко Т. А., Абрамзона С. М., Кислякова

- Н. А. – М.: Изд-во АН СССР, 1962. – С. 32 – 37.
46. Андрианов Б. В. К изучению агроэтнографии. // СЭ. – 1976. – №3. – С. 89 – 112.
47. Андропов Б. В. Земледелие наших предков. – М. Наука. 1978. – С. 90.
48. Аннанепесов М. Хозяйства туркмен в XVIII – XIX вв. – Ашхабад, Ылм. 1972, – С. 284.
49. Аннанепесов М. Из истории земледелия и ирригации у туркмен до присоединения к России // Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана. – Ашхабад, 1973. – С. 16 – 21.
50. Антонова Е. В. Очерки культуры древних земледельцев Передней и Средней Азии. – М., Наука, 1984. – С. 262.
51. Антонова Е. В. Обряды и верования первобытных земледельцев востока. – М.: Наука, 1990. – С. 310.
52. Антонова Е. В., Чвырь Л. А. Таджикские весенние игры и обряды и индоиранская мифология // Фольклор и историческая этнография. – М., 1983. – С. 22 – 42.
53. Арандаренко Г. А. О метеорологических познаниях туземцев Зарафшанского округа // Туркестанские ведомости. – Ташкент. – 1877, №
54. Арандаренко Г. А. Досуги в Туркестане (1874 – 1889). – Спб.: 1889. – С. 666.
55. Арандаренко Г. А. Метеорологические познания туземцев в Туркестанском крае. – Спб., 1908. – С. 10 – 20. .
56. Асқаров А. Қадимги Фарғона тарихидан лавхалар // Археология и история Центральной Азии – Самарканд, 2004. 25 – 28-бетлар.
57. Асқаров А., Ширинов Т., Наконечник Сохи из Джаркутана // История материальной культуры Узбекистана. – Вып 18, – Ташкент: Фан, 1983. – С. 13 – 16.
58. Астахова А. М. Художественный образ и мировоззренческий элемент в заговорах. – М., Наука. 1964. – С. 2, 3, 142.
59. Аширов А. “Авесто”дан мерос маросимлар. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. 32- бет.
60. Ахмедов Х. А. Ўзбекистон қишлоқ, хўжалиги ва суғориш, мелиорацияси тарихи. – Тошкент, 1960. Фан. 13 – 32- бетлар.
61. Балашев Н. Н. Культура картофеля в Узбекистане. – Ташкент, Фан. 1953. – С. 10 – 18.
62. Бартольд В. В. Ислам. – ПГ., 1918. – С. 115 – 116.

63. Бартольд В. В. Сочинения. Т. II. 1924. – М., – С. 144.
64. Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана. Сочинения. – М.: 1963. Т. II. ч. 1.
65. Бартольд В. В. Сарты. Сочинения. – М., 1964. Т. II. Ч. II. – С. 527 – 529.
66. Бартольд В. В. К истории орошения Туркестана. Сочинения. В 9 т. – М., 1965. Т. 3. – С. 97 – 335.
67. Басилов В. Н. О туркменском пире дождя “Буркут-баба” // СЭ. – М., 1963. №3. – С. 15 – 18.
68. Басилов В. Н. Культ святых в исламе. – М., Наука. 1970. – С. 10 – 15.
69. Басилов В. Н. Хозяйство западных туркмен-ёмудов в дореволюционный период и связанные с ним обряды и верования // Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана. – Л., 1973. – С. 172. – 205.
70. Басилов В. Н. Заключение // Древние обряды и культы народов Средней Азии. – М., 1986. С. 201.
71. Басилов В. Н. Мифология Тюркоязычных народов // Мифы народов мира. – М., 1992. Т. 2. – С. 538.
72. Басилов В. Н. Шаманство у народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1992. – С. 325.
73. Батраков В. С. Характерные черты сельского хозяйства Ферганской долины в период Кокандского ханства // Труды САГУ. Новая серия. Вып 62, Гум. наук. Кн. 8. История. – Ташкент, 1955. – С 113 – 134.
74. Баялиева Г. Д. Доисламские верования и их пережитки у киргизов. – Фрунзе: Ылим, 1972. – С. 170.
75. Бежкович А. С. Историко-этнографические особенности киргизского земледелия // Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана. ТИЭ. – Л., 1973. Т. X. С XVIII. – С. 32 – 69.
76. Бежкович А. С. Еще раз об агроэтнографии // СЭ. – М., №5. – С. 87 – 94.
77. Беленицкий А. М. О мусульманских культах Средней Азии // КСИИМК. – М., Вып. XXVIII. 1949. – С. 84.
78. Бернштам А. Н. Древняя Фергана. – Ташкент, Фан. 1951. – С. 17, 36, 46.
79. Бернштам А. Н. Наскальные изображения Саймалы-таша // СЭ. – М., 1952. – №2. – С. 50 – 68.
80. Бернштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао

(726) // ВДИ. – М., 1952. – №1. – С. 84 – 195.

81. Абу Райхан Бируний. Минерология // Сборник сведений для познания драгоценностей перевод Беленикого А. М. – М., 1963. – С. 184.

